

А. Нурмонов, С. Холтўраев,
М. Мирзохидова, Д. Абдуллаева

ЎЗБЕК ТИЛИ



10

КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫН
МАМЛЕКЕТТИК ГЕРБИ



КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫН
МАМЛЕКЕТТИК ЖЕЛЕГИ



КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫН МАМЛЕКЕТТИК ГИМНИ

Сөзү: Ж. Садыков, Ш. Кулуевдики
Муз.: Н. Давлесов, К. Молдобасановдуку

Ак мөңгүлүү аска-зоолор, талаалар,
Элибиздин жаны менен барабар.
Сансыз кылым Ала-Тоосун мекендеп,
Сактап келди биздин ата-бабалар.

Кайырма: Алгалай бер, кыргыз эл,
Азаттыктын жолунда.
Өркүндөй бер, өсө бер,
Өз тагдырың колунда.

Байыртадан бүткөн мүнөз элиме,
Досторуна даяр дилин берүүгө,
Бул ынтымак эл бирдигин ширетип,
Бейкуттукту берет кыргыз жерине.

Кайырма:

Аткарылып элдин үмүт тилеги,
Желбиреди эркиндиктин желеги.
Бизге жеткен ата салтын, мурасын,
Бийык сактап, урпактарга берели.

Кайырма:

А. Нурмонов, С. Холтўраев, М. Мирзохидова,
Д. Абдуллаева

Ўзбек тили

Умумтаълим мактабларининг
10 – синф учун дарслик

Қирғизистон Республикаси
Таълим ва фан вазирлиги тасдиқлаган

Бишкек – 2014 йил

Қирғизистон Республикаси
Таълим вазирлиги
Миллий таълим институти
Жауап
Министр
Қирғизистон Республикаси
Средний
А, 2
2014 й
№ 152/14
город Ош

УДК 373.167.1
ББК 81.2 Уз я721
У 34

Тақризчи: ф.ф.н., доц. С. Мирзақулов

У 34 **Ўзбек тили:** Умумтаълим мактабларининг 10-синфи учун дарслик /А. Нурмонов, **С. Холтўраев**, М. Мирзохидова, Д. Абдуллаева, – Б.: 2014.– 172 б

ISBN 978-9967-31-214-2

Қўлингиздаги ушбу дарслик Қирғизистондаги ўзбек мактаблари учун «Дарсликлар яратиб маркази» томонидан тайёрланди. Дарслик хақидаги фикр-мулоҳазаларингизни «Марказ» маъмуриятига ёзма равишда билдиришингизни илтимос қиламиз.

*Бизнинг манзил: Ўш шаҳри,
Г. Айтиев кўчаси, 25-уй.*

У 4306020300-14

УДК 373.167.1
ББК 81.2 Уз я 721

ISBN 978-9967-31-214-2

© А. Нурмонов, **С. Холтўраев**,
М. Мирзохидова, Д. Абдуллаева
© ҚР Таълим ва фан вазирлиги

СЎЗ БОШИ

Азиз ўқувчилар! Сиз 5-9-синфларда она тили фанининг барча бўлимлари бўйича дастлабки маълумотларни ўрганиб бўлгансиз. Қўлингиздаги мазкур янги дарсликда билимларингизни системалаштириш, чуқурлаштириш, кўпроқ амалиётга татбиқ этиш мақсади кўзда тутилган. Юқори синф ўқувчиларига ўзбек тили имлоси, ёзма нутқда тиниш белгиларини ишлатишнинг асосий қоидаларини; фикрни нутқ шароитига мос равишда турли вазиятларда баён эта олиш воситаларини; бир маънони (мақсадни, хабарни) турли шаклларда бера олиш йўллари; расмий иш қоғозларини юритиш кўникмаларини; бадий, илмий, ижтимоий асарларни ўрганиб, улар ҳақидаги фикр-мулоҳазани, шахсий муносабатни оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри ифодалай олиш маданиятини сингдириш мақсад килиб қўйилган.

Ёшингиз улғайган сари сиз ўрганадиган барча билимлар мураккаблашиб боради. Ўзгаларнинг фикрини, матн мазмунини чуқур англаб боришингиз, ўз фикрингизни оғзаки ва ёзма равишда аниқ, раво баён қила олишингиз лозим бўлади. Бу соҳада она тилидан олган билимингиз сизга мадад беради.

5-7-синфларда ўрганилган фонетика, лексикология, орфография, сўз туркумлари ва тил ҳақида маълумотлар, луғатлардан фойдаланиш йўллари 10-синфда; 8-9-синфларда ўтилган синтаксисга доир кўпгина мураккаб мавзулар: бир бош бўлакли гаплар, уюшиқ ҳамда ажратилган бўлакли гаплар, қўшма гап ва унинг турлари, уларда тиниш белгиларининг ишлатилиши, 11-синфда ўрганилади. Айни пайтда мустикал равишда гапларни синтактик таҳлил қилишга кўпроқ аҳамият берилади.

Ўз она тилингни мукамал билишингиз бошқа тилларни ўрганишга, бошқа фанларнинг мазмунини тереин ўзлаштиришингизга асос бўлади.

Қирғизистоним

Не бахт, бизга насиб этди истиқлолу эрк,
Хур елларга тўлди ўлкам, тиник осмоним.

Кундан-кунга қишлоқларинг касб этади кўрк,
Мустақиллик қутлуғ бўлсин, Қирғизистоним.

Ўтмишдаги армонларинг бўлмасин унут,
Хушомадга учма энди, дўст қўлини тут.

Истиқболга иштиёқманд доим элу юрт,
Мустақиллик қутлуғ бўлсин, Қирғизистоним.

Қўлда қалам, мадҳ этайин камолингни мен,
Кундан-кунга чирой очган жамолингни мен.

Фарзандларинг мартабангни тоққа қилсин тенг,
Мустақиллик қутлуғ бўлсин, Қирғизистоним.

(Ф.Йўлдошев)

2-машк. Мустақиллик байрамини қандай нишонладингиз? Шу мавзуда дўстларингиз билан фикрлашинг ва қисқа ҳажмли эссе ёзишга тайёрланг.

1-§. Тил ва унинг жамиятдаги ўрни

Тил одамларнинг бир - бирлари билан муомалада бўлиши учун ёрдам берадиган энг муҳим воситадир. Одамлар тил орқали ўз фикрларини, ҳис-туйғуларини ифодалайдилар. Инсоният жамиятининг шаклланишида тилнинг роли бекиёсдир. Тил пайдо бўлгач, жамият тез ривожланган. Тил – жамият маҳсули. Тил жамиятга хизмат қилади ва у инсонлар орасида ўзаро муносабатлар учун алоқа қуроли вазифасини бажаради.

Тил тафаккур билан боғлиқ. Жамиятдаги айрим ҳодисалар ва ўзаро мулоқот туфайли аввало кишиларда бир-бири билан фикр алмашиш эҳтиёжи туғилади. Бу фикр сўз, тил орқали маълум бўлади ва ўзгаларга изҳор қилинади, шундан сўнг алоқа келиб чиқади.

Тил ҳар қандай шароитда исталган фикрни ифодалаш имкониятига эга. Шунинг учун товуш тили жамиятнинг ягона ва энг қулай аралашув воситаси саналади.

Тилни инсон яратади, ўзаро муносабатда тилдан фойдаланилади, ана шу муносабатларда тил ривожланади. Ўзаро аралашув жараёнида инсоннинг ақлий ва жисмоний фазилатлари тараққий эта боради. Тил фақат инсонга хос ҳодисадир. Инсоннинг бутун ҳаёти ҳам тил билан боғлиқ.

Тил кишилиқ жамиятининг асрлар давомидаги бутун тарихий жараёнида маълум бир гуруҳ томонидан эмас, балки бутун жамият ва жамиятнинг аъзолари томонидан яратилган ижтимоий ҳодисадир. Тил бутун жамият тарихи жараёнидаги бир қанча даврларнинг маҳсули бўлиб, жамиятдаги турли табақа вакиллари учун баравар хизмат қилади.

Тил жамият томонидан яратилган, унинг тақдири жамият тақдири билан боғлиқ.

Тил ва жамият бир-бирига таъсир қилиши орқали бир-бирини ривожлантирадиган ҳодисадир. Шундай қилиб, тил ҳар қайси халқнинг, миллатнинг битмас-туганмас бойлиги ва шу халқнинг маданиятини юксалтиришда энг муҳим воситадир. Демак, тил бутун жамиятга хизмат қилувчи ижтимоий ҳодисадир.

3-машқ. Ўқинг. Конспектлаштиринг. “Дунёдаги тиллар хақида” сарлавҳаси остида мураккаб режа асосида баён ёзинг.

Тахминий маълумотларга кўра дунёда 7 миллиард аҳоли яшайди ва улар 3000 га яқин тилда сўзлашади.

Ер юзидаги бир-бирига яқин бўлган, умумий томонлари кўп бўлган тиллар қариндош тиллар деб юритилади.

Дунёдаги тиллар келиб чиқиши, луғавий ва грамматик жиҳатдан яқинлигига қараб бир неча тил оилаларига бўлинади. Ер юзида йигирмага яқин тил оиласи бор. Улар ўз навбатида тил туркумларига бўлинади.

I. Ҳинд-европа оиласи. Бу оила куйидаги тил туркумларини ўз ичига олади: ҳинд туркуми (ҳинд, урду, бенгал, панжоб ва бошқ.); эрон туркуми (форс, афғон, курд, тожик ва бошқ.); славян туркуми (рус, украин, белорус, поляк, серб ва бошқ.); болтик туркуми (латиш, литва ва бошқ.); герман туркуми

(норвег, швед, англиз, немис ва бошқ.); роман туркуми (француз, итальян, испан, португал, румин, ўлик лотин тили ва бошқ.); кельт туркуми (шотланд, ирланд, бретон ва бошқ.); анатолій туркуми (ўлик), тохар туркуми (ўлик).

II. Олтой тиллар оиласи. Бу оилага қуйидаги туркумлар киради: туркий тиллар (қирғиз, ўзбек, қозоқ, турк, туркман ва бошқ.); мўғул, манчжур, япон, корейс туркумлари киради.

III. Фин-угор тиллар оиласига фин гуруҳи, угор гуруҳи киради.

IV. Сом-хом тиллар оиласига семит гуруҳи (араб, ахмар, иврит ва бошқ.); кушит гуруҳи (галла, сомали ва бошқ.); бербер гуруҳи ва бошқа гуруҳлар киради.

V. Кавказ оиласига ғарбий гуруҳ, нах гуруҳи, доғистон гуруҳи, жанубий гуруҳ киради.

VI. Хитой-тибет оиласига тай-хитой гуруҳи, тибет-бирма гуруҳи киради.

Булардан ташқари, яна дравид, малай-полинез, австралия, папуа, африка тил оилалари ҳам бор. *(Н. Нейматов)*

4-машқ. Саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. Ер юзида тахминан қанча аҳоли яшайди?
2. Ҳинд-европа оиласи қайси тил туркумларини ўз ичига олади?
3. Олтой тиллар оиласи қайси тил туркумларини ўз ичига олади?
4. Сом-хом тиллар оиласига қайси гуруҳлар киради?
5. Кавказ оиласигачи?
6. Хитой - тибет оиласигачи?
7. Қариндош тилларга мисол келтиринг.

5-машқ. Ўқинг. Тилларнинг номларини дафтарингизга кўчириб ёзинг.

Қирғиз, ўзбек, қозоқ, турк, туркман, тожик, болгар, осетин, норвег, санскрит, қадимги прус, пушту, чуваш, гужарат, дунган, ойрот, ахмар, шор, иврит, сомали, удмурт, италян, ёкут, молдован, кумик, шотланд, серб.

Юкорида белгилангандай, ўзбек тили туркий тиллар оиласига кириб, дунё юзида бу тилда сўзловчи аҳоли йигирма миллиондан ортиқдир. Кўпчилиги Ўзбекистон Республикаси худудида истикомат қилади.

Беш миллиондан ортиқ ўзбеклар Қирғизистон, Қозоғистон, Афғонистон, Покистон, Тожикистон, Туркменистон, Туркия, Арабистон ва бошқа мамлакатларда яшайдилар.

Дунёда йигирма тўрт хил туркий тил бор: қирғиз, ўзбек, қозоқ, туркман, турк, озарбайжон, татар, бошқирд, қорақалпоқ, чуваш, ёкут, қорачой, балқар, тува, олтой турклари, хакас, гагауз, шор, кумик, нўғой, ойрот, уйғур, карагас, қорайм.

Туркий халқлар учта гуруҳга бўлинади: қарлуклар, қипчоқлар, ўғузлар. Ўзбек тили асосан қарлук уруғи гуруҳига мансубдир.

Ўзбек халқининг шаклланишида 92 туркий уруғларининг иштирок этганини олимлар белгиладилар. Бу уруғларнинг асосий қисмини қарлук уруғлари ташкил этади.

Ўзбек ва Марказий Осиёдаги туркий халқларнинг дастлабки авлодлари Марказий Осиёда IX-XI асрларда истикомат қилган эронзабон массагетлар, скифлар, суғдлар; туркийзабон қанғлилар, азлар, арғинлар, тиркашлар, қарлук ва қипчоқ уруғлари бўлган. Бу уруғлар Марказий Осиёда туркий давлатларини ташкил этганлар.

XI аср бошида Ўрта Осиёда ўғузлар гуруҳининг қоракхонийлар давридаги қарлук-чигил, ёғмо қабилаларининг кўшилиши орқали ўзбек халқи шаклланади.

Ўзбек тили XI асрдан мустақил тил сифатида шакллана бошлаб XIV асрда умумхалқ ўзбек адабий тили вужудга келган. (У вақтда турк тили номи билан юритилган). Турк номи ўтмишда ўзбек халқи ва унинг тилига нисбатан қўлланган бўлиб, уларнинг тили турк тили ёки туркий тил деб юритилган. Алишер Навоий ўзбек халқини турк, тилини эса турк тили деб атайди ва ўзининг бадийий ва илмий асарларида ўзбек тили бой тиллардан бири эканлигини ҳам назарий, ҳам амалий асослаб беради. Ўзбек халқи ўзининг узоқ тарихига, ёзув маданиятига эга бўлган қадимий халқдир.

6-машк. Саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. Туркий халқлар қайси гуруҳларга бўлинади?
2. Ўзбек халқи қачон шаклланган?
3. Ўзбек тили қачон шаклланган?
4. Ер юзидаги туркий тилларни сананг.
5. Ўрта Осиёдаги туркий тилларни сананг.

7-машк. Ўқинг. Матннинг мазмунига асосланиб режа тузинг ва режа асосида қайта хикоя қилинг.

Давр адабий тилининг хусусиятлари

Ўрта Осиёнинг сиёсий, маданий ҳаётида рўй берган тушқунлик XVI асрнинг бошларида яна чуқурлашди. Феодал жамиятнинг иктисодий, сиёсий ҳаётида кучли танглик ҳолати вужудга келди.

Ўрта Осиё уч хонлик (Бухоро, Хива, Қўқон хонликлари) ва бир қанча майда бекликларга бўлинган эди. Бу хонликлар ўртасида қонли курашлар давом этарди. Бунинг устига Эрон шоҳи Нодирнинг XVIII аср ўрталаридаги босқинчилиги мамлакат хўжалигини издан чиқарди. Бу даврда ҳар учала хонликдаги меҳнаткаш омманинг феодал жабр-зулмига қарши кураши кескин тус олди. Мамлакатнинг хўжалик ҳаётидаги тушқунлик маданий ва адабий ҳаётда ўз ифодасини топди.

Бу даврнинг адабий тили маҳаллий шеваларга таянган ҳолда ривожланди. XVII-XIX асрлардаги ўзбек адабий тилини ўрганишда ўша даврда яратилган тарих асарлари, тазкиралар, шоирларнинг ижодлари асосий манба бўлади.

Ўша асрлар адабий тилини ўрганишда мазкур даврда яшаб ижод этган шоирлар ижоди ҳам етарли манба бўлади. Бу давр адабий тилини ривожлантиришда Турди Фароғий, Бобораҳим Машраб, Мавлоно Вафо, Ҳазрат, Шавкий, Паҳлавонқули Равнақ, Муҳаммаднӣёз Нишотий, Мунис, Гулханий, Махмур, Оғахий, Мужрим Обидлар муносиб ҳисса қўшдилар.

Бу ижодкорлар асарлари тилида Навоий анъанаси билан бирга, ғарбий адабий тил шакллари ҳам учрайди. Бу нарса Фузлий шеърятини тилининг таъсири натижасида пайдо бўлган.

(У. Турсунов)

8-машк. Таникли тилшунос олим У. Т. Турсунов хақидаги матнни ўқиб чикинг ва қайта ҳикоя қилинг.

Улуғ Турсунов

Профессор Улуғ Тошмухаммедович Турсунов 1905 йил 9 январда Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида сартарош оила-сида таваллуд топган.

Бўлажак олим 1919 йилгача отаси карамоғида тарбияланди. Отаси вафот этгач, 1919 йилдан то 1921 йилгача Қўқонда болалар уйида тарбияланди. 1921-1924 йилларда Фарғона педагогика техникумида ўқиди; 1924-1925 йилларда Марғилон шаҳрида ўқитувчи бўлиб ишлади. 1925-1927 йиллари Қўқондаги болалар уйида тарбиячи ва илмий мудир бўлиб ишлади. 1927 йили Ленинград Шарқшунослик институтига ҳужжат топширди. Олим уни 1930 йилда тамомлаб, ЎзССР Тил ва терминология комитетида илмий ходим; Тошкентдаги Тожик агро - педагогика институтида доцент, ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг мудирини бўлиб ишлади. 1932-1933 йилларда Маданий қурилиш илмий текшириш институтида лингвистика секторининг бошлиғи бўлиб ишлаган. 1934-1936 йилларда эса А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг директор ўринбосари ва лингвистика секторининг мудирини бўлиб ишлаган. 1936 йилдан Алишер Навоий номи Самарқанд Давлат университетиде ишлаб келди. Профессор Улуғ Тошмухаммедович 1941 йил 17 июлдан 1945 йил 9 апрелгача Улуғ Ватан урушида қатнашган.

Ўнлаб аспирант ва докторантларига илмий раҳбарлик қилган. Атоқли олим, меҳрибон педагог У. Т. Турсунов 50дан зиёд тилшунос шогирд етиштириб, шундан 16 тасини фан номзоди илмий даражасига етиштирган. Олим ўзбек тилшунослигининг илмий-назарий ҳамда практик томонларига бағишлаб 100 дан ортиқ мақола, рисола ва ўқув китоблари ёзган.

Улуғ Тошмухаммедовичнинг халқ олдидаги буюк хизматлари муносиб тақдирланди. У қатор орден ва медаллар, фахрий ёрликлар билан мукофотланган.

9-машк. "Ўзбек халқи ва тилининг шаклланиши" бўлими асосида баён ёзинг.

Тилнинг шаклланиши халқнинг шаклланиши билан боғлиқдир.

Тилшунос олимлар ўзбек адабий тили тарихини қуйдаги даврларга бўладилар:

1. Милоддан олдинги даврдан X асргача бўлган давр. Бу даврдаги тил қадимги туркий тил деб юритилади.

Ўзбек халқининг дастлабки авлодлари милоддан олдин Марказий Осиёда кўчиб юрган ярим кўчманчи чорвадор туркий қабила ва уруғлар бўлган. Ҳар бир туркий уруғ ва қабиланинг тилида ўзига хос хусусиятлари бўлса ҳам, аммо улар бир-бирларини яхши тушунганлар.

Милоддан олдинги даврга оид туркий тилга мансуб сўз ва иборалар ёзилган айрим ашёлар топилган бўлса-да, туркий тилда тўла мазмунли ёзма матн ҳозиргача топилган эмас. Бу даврда қадимги халқ оғзаки ижоди намуналари, Ўрхун-Энасой ёдгорликлари шу тилда ёзилган.

Қадимги туркий тил кейинги ва ҳозирги туркий тиллар учун асос бўлди.

2. XI - XIV асрлардаги давр. Бу даврдаги тил эски туркий тил деб аталади. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билг”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул-ҳақойиқ”, Рабғузийнинг “Қиссаи Рабғузий” каби асарлари ёзилган.

3. XV асрдан XIX асрнинг иккинчи ярмигача эски ўзбек адабий тили ишлатилган.

Лутфий, Саккокий, Атоий эски ўзбек адабий тилида ўз асарларини ёзганлар. XV асрга келиб Алишер Навоий бу тилни янада мукаммаллаштирди, гўзал назмий ва насрий асарлар яратди.

4. XIX асрнинг иккинчи ярмидан эски ўзбек адабий тили халқ сўзлашув тилига яқинлаштирилди. Бу давр тили янги ўзбек адабий тили деб аталади. Бу тилда Турди, Машраб, Ҳувайдо, Фазлий, Гулханий, Нодира, Хоразмий, Муқимий, Фурқат каби ёзувчи ва шоирлар, XX аср бошларида Чўлпон, С. Айний, Абдулла Қодирий, Фитрат каби буюк адиблар ижод қилди.

Ҳозирги ўзбек адабий тили қоидалари ўзбек шева ва лаҳжаларини ўрганиш асосида XX асрнинг 30-йилларида шаклланди. Бу тилда Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қахҳор, Ҳамид Олимжон, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби шоир ва ёзувчилар гўзал асарлар ёздилар.

Демак, ўзбек тили XI асрдан бошлаб мустақил тил сифатида шакллана бошлаган.

10-машқ. Саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. Ўзбек тили қачон мустақил тил сифатида шакллана бошлаган?
2. Ўзбек тили шаклангунга қадар бизнинг аجدодларимиз қайси тилда сўзлаганлар?
3. Милоддан олдинги давр тили қайси тил деб юритилади?
4. Қадимги туркий тил қайси тиллар учун асос бўлди?
5. Эски ўзбек адабий тилининг ривожига кимлар ўз хиссаларини қўшдилар?
6. Янги ўзбек адабий тилида дастлаб кимлар ижод қилдилар?

11-машқ. Тилшунос олимлар томонидан ўзбек тили тарихини даврлаштиришга оид таснифларни диққат билан ўқинг ва конспектлаштиринг.

I

1. Энг қадимги ўзбек адабий тили (X– XII асрлар)
2. Ўрта давр ўзбек адабий тили (XIV– XVI асрлар)
3. Янги давр ўзбек адабий тили (XVIII– XIX асрлар)
4. Энг янги давр ўзбек адабий тили (XIX– XX аср боши)

(А. М. Шчербак, 1953 йил)

II

1. Турк хоқонлиги даврида қадимги туг-ю туркий тили (VI–IX асрлар.)
2. Қадимги ўзбек тили (IX– XII асрлар)
3. Эски ўзбек тилининг илк даври (XIII–XIV асрлар)
4. Эски ўзбек тили (XIV асрнинг охири XIX аср. 2- ярми)
5. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили (XIX асрнинг 2- ярмидан инқилобгача).

(Олим Усмон, 1957 йил)

III

1. V-X асрлар. Туркий тиллар тарихининг энг қадимги даври.
2. XI-XIV асрлар. Туркий тиллар тарихининг қадимги даври.
3. XV асрдан XIX асрнинг ярмигача бўлган давр ўзбек адабий тили.
4. XIX аср ярми XX асрнинг 20- йилларигача бўлган даврдаги ўзбек адабий тили.

(*Фаттоҳ Абдуллаев, 1977 йил*)

12-машқ. Ҳикматларнинг моҳиятини ўз сўзингиз билан тушунтиринг.

1. Гавҳару дурни кулоқ озори бил,
Сўзни кулоқнинг дуру жавҳори бил.
(*А.Н.*)
2. Кам гапир-у танла мисли дур,
Оз-оздан ҳам жаҳон лиқ тўлур.
(*Н.Г.*)
3. Олдин билиб олиб, кейин сўзлагил,
Зарни топиб, сўнгра харжин кўзлагил.
(*Н.Г.*)
4. Сўзлаганда лозим дур тизмоқ,
Бўлмаса, гунг бўлган яхшироқ.
(*Санойй*)
5. Кимки кўп сўзлайди, бешарму ҳаё,
Тополмас иззату обрў эл аро.
(*Фирдавсий*)
6. Йўлбарс ила шеърни енгган мард киши,
Бўйин эгиб турса, бу ҳаё иши.
(*А.Бедил*)

4-§. Ўзбек тилининг таракқиёти

Тил тўхтовсиз равишда ўзгариб турувчи, таракқий этиб боровчи ходисадир. Тил таракқиёти жамият таракқиёти билан боғлиқ. Тилдаги ўзгариш, таракқиёт дастлаб тилнинг луғат таркибида акс этади. Фан ва маданият, техника таракқиёти тилнинг луғат таркибини бойитиб боради. Тилнинг грамматик қурилиши ва товуш таркиби эса жуда секинлик билан ўзгаради.

Тил миллатнинг улкан бойлиги ва бебаҳо мулкидир. Миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, халқларнинг миллий ва байналминал ўзлигини англашнинг ўсиши миллий тилларни ҳар томонлама ривожлантиришни тақозо этади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида юз берган ўзгаришларни унинг фонетикасида, лексикасида ҳам, грамматикасида ҳам, орфографиясида ҳам, услубиятида ҳам кўриш мумкин. Масалан, ўзбек тилининг фонетик системаси соҳасида: *и, а, о* унлиларидаги фаркли ҳолат; *л, р* ундошларида юмшоқлик ходисасининг юз бериши; сингармонизм (унлилар оҳангдошлиги) нинг заифланиши кабилар. Лексикада: *ишчи* сўзи эски ўзбек тилида "*хизматкор, малай*" ва бошқа маъноларни англатган. Ҳозирги вақтда *ишчи* деганда корхона, завод ва фабрикаларда ишлайдиган кишиларни тушунамиз.

Фан ва техника ривожини туфайли ўзбек тилига четдан рус тили орқали жуда кўп янги сўз ва атамалар қабул қилинди ва бу умумхалқ тили лексикасининг ўсишига ва ривожланишига ўз ижобий таъсирини кўрсатди.

Тилнинг морфология соҳасидаги асосий ўзгаришлар: ҳозирги ўзбек адабий тилида келишиқлар вазифасининг кенгайиши сезилмоқда. Масалан: *Биз мактабда (мактабга) тўпландик. Ишларингизга (ишларингизда) омад тилаймиз* кабилар.

Шунингдек, энг қадимги туркий тилда (VII-X асрлар) қўлланган восита келишигининг *-н// -ин // -ун* кўшимчалари бўлган: *элигин тутди (қўлидан тутди), кўзим кўрмиш (кўзи билан кўрди)*.

Бу келишиқ ҳозир истеъмолдан чиқиб, шундай келишиқ кўшимчаси олган айрим сўзларгина қолган (*қишин-ёзин*).

Эски туркий (ўзбек) тилида кишилик олмошлари шахс кўрсатувчи белгилар сифатида қўлланиб келинган: *барса мен ва барсар мен, барса сан*. XIII аср ёзма ёдгўрликлар тилида шарт феълининг ва шахс кўшимчаларининг қисқа шакли шаклланади: *Борсам, борсанг, борса, борсак*.

13-машк. А. Қодирӣ ва Ч. Айтматов асарларидан берилган парчаларни ўқинг. Асарларнинг бадий хусусиятларини қисқарт. Раъно ва Жамиланинг образларидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларини ёритинг.

Меҳробдан чаён

Раънонинг сочи гунгурт яъни қуёшсиз жойларда қора кўринса ҳам, қуёшда бироз сарғиш бўлиб кўринар эди. Шунга ўхшаш Раънонинг кўзида ҳам бунинг асари кўриладур: мудавварга мойилроқ жоду кўзи кишига каттик қараганда қораликдан бошқача яна бир турлик нур сочар эди.

Қоши туташ каби кўринса ҳам, кўндаланг ётган икки қилич орасини нафис бир қуюлиб кўтарилиш ажратиб турар эди.

Юзи чўзиқ ҳам эмас, ой кулча ҳам деб бўлмас, кишига кулиб қараганда кизил олма остларида иккита замма равишлик шакл ҳосил бўлар, гўё бизга чин Раъно гули очилган ҳолатда кўринар эди. Қадди узунлик билан қисқаликнинг ўртаси, Нигор ойимнинг тўнғичи бу йил ўн етти ёшни тўлдиради. (А.Қод.)

Жамила

Жамила – сарвқомат бежирим аёл эди. Икки ўрим қора сочини бошига чамбарак қилиб ўриб, устидан танғиб олган оппоқ дурраси унинг буғдойранг кулча юзига шундай ярашар эдики, асти қўяверасиз! Қошлари камон, юзи доимо кулиб турар эди.

Жамила кулганда унинг шаҳло кўзларида навқирон ёшлик барқ урар эди. У турмуш кўрган жувон бўлса ҳам, ёшлиги учун эркалиги билиниб турар эди. Ёш болалар билан ҳам ўйнаб кетаверар эди.

Қайин укаси Сеит билан қувлашиб, гоҳида олишиб ҳам кетар эди. Қайнонаси ва бари ёши улуғ онахонлар «бари бир ёш болада, ёшлигига боради, ёши ўтгач тўхталиб қолади», – дея йўл қўярди. (Ч.А.)

14-машк. Берилган матнни ўқинг ва керакли тиниш белгиларини қўйиб кўчинг.

Алишер Навоийнинг адабий қарашларини ва Навоий яшаган давр адабий ҳаётини ўрганишда унинг Мажолисун нафоис Нафис мажлислар тазкираси алоҳида аҳамиятга эга.

Мажолисун нафоис тахминан 1490–1491; ҳижрий 896 йилларда тузилган.

Саккиз мажлис қисдан иборат бу китобда Навоий ўз даврида яшаб ижод этган тахминан 459 шоир ва аҳли назм тўғрисида фикр юритади.

Мажолисун нафоис биринчи марта 1917 йилда Тошкентда Муҳаммад Салим деган киши томонидан литографияда нашр этилган Мажолисун нафоис тазкирачиликда янги ва жуда қимматли асар сифатида майдонга келди ва ўзбек тазкирачилигига асос бўлди. (*Журн.*)

15-машқ. Қуйидаги сўзларнинг аввал лексик сўнгра грамматик маъноларини ёзинг.

Намуна: *пахта* – лексик маъноси: ҳаёт учун керакли бўлган хом ашё; грамматик маъноси: от, турдош от, бош келишиқда.

Китоб, қуёш, бойлик, куч, дафтар, фазо, ёрқин.

16-машқ. Тегишли келишиқ кўшимчалари ўрнига кўмакчи кўйиб ёзинг.

Намуна: *Улар шаҳарга йўл олдилар – Улар шаҳар томон йўл олдилар.*

1. Улар шаҳарга йўл олдилар. 2. Ёзув билан банд бўлганидан менинг келганимни сезмай қолди. 3. Китобни укамдан бериб юбордим. 4. Қишлоққа машинада борилади. 5. Вақтим бўлмаганидан томошага бора олмадим. 6. Пахтани машинада терайлик.

5-§. Ўзбек тили фани ва унинг бўлимлари.

Тил ҳақидаги фан тилшунослик ёки лингвистика деб юритилади. Тилшунослик фани иккига бўлинади:

1. Умумий тилшунослик.

2. Хусусий тилшунослик.

Умумий тилшунослик тилнинг умумий масалаларини: унинг вазифаси, ички тузилиши, келиб чиқиш тарихи, ривожланиши, тил ва тафаккурнинг муносабати, ёзувнинг пайдо бўлиши, тил ўрганиш усуллари кабиларни ўрганади.

Хусусий тилшунослик эса маълум бир тилнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганади.

Ҳозирги ўзбек адабий тили фани қуйидаги бўлимлардан иборат: **фонетика ва фонология, орфоэпия, графика ва орфография, лексикология ва фразеология, лексикография, морфемика, сўз ясалиши ва грамматика, диалектология, тил тарихи, услубият (стилистика), этимология.**

Фонетика ва фонологияда ҳозирги ўзбек адабий тилининг нутқ товушлари тизими, фонемалар ўрганилади.

Орфоэпияда адабий талаффуз меъёрлари ўрганилади.

Графика ҳозирги ўзбек алифбоси таркибини, товуш ва ҳарфнинг ўзаро муносабатини ўргатса, орфография морфологик, фонетик ва анъанавий услублар асосида тўғри ёзув қодалари тизимини аниқлайди.

Лексикология ва фразеология ўзбек адабий тилининг лексик бирликлари ва фразеологик бирликлари (иборалар), уларнинг тузилиши ҳамда тараққиёт қонуниятлари ҳақида баҳс юритади. Лексикография эса луғат, унинг тузилиши ва турларини ўрганади.

Морфемика (сўз таркиби) бўлимида энг кичик маъноли бирликлар ва уларнинг турлари ва хусусиятлари, сўзнинг морфем тузилишидаги ўзгаришлар аниқланади.

Сўз ясалиши бўлимида ҳозирги ўзбек адабий тилида янги сўз ҳосил қилиш йўллари ва сўз ясовчи воситалар ўрганилади.

Грамматика икки қисмдан иборат: **морфология** ва **синтаксис**. Морфология қисмида сўзнинг грамматик шакллари, таркиби, туркумлари ва уларга хос грамматик категориялар ўрганилса, синтаксисда эса гап ва унда сўзларнинг боғланиши, гапларнинг мазмуни ва тузилишига кўра турлари ўрганилади. Синтаксис асосида тиниш белгиларини ишла-тиш қодалари баён қилинади.

Диалектология тилдаги шеваларни ва уларнинг фонетик, лексик, грамматик хусусиятлари ҳамда тарқалиш чегараларини ўрганади.

Тил тарихи умумхалқ ўзбек тилининг даврлараро адабийлашган йўсинда шаклланиши, тилнинг фонетикаси, лексикаси ва грамматикасида содир бўлган ўзгаришларни текширади.

Услубият (стилистика)да нутқ услублари, услубий воситаларнинг нутқда қўлланиш йўллари ўрганилади.

Этимологияда тилдаги сўзларнинг асл шакли ва маъносини аниқлаш ҳамда келиб чиқиш тарихи бўйича изланишлар олиб борилади.

Ўрта мактабда тилшуносликнинг юқорида санаб ўтилган бўлимларининг ҳар биридан дастлабки маълумотлар берилди, имло ва тиниш белгиларининг қўлланилишига доир қоидалар ўргатилади.

Ўзбек тили ўқув фани сифатида асосан XX асрнинг бошларидан ўқитила бошланди. Шу даврдан бошлаб тилшунослар ўзбек тилининг турли соҳаларига оид тадқиқот ишлари олиб бориш билан шуғулланишга киришдилар. Ўзбек тилшунослигининг фан сифатида шаклланишида Фитрат (1884-1938), Аюб Фуломов, (1914-1986), Улуғ Турсунов (1905-) ва бошқа олимларнинг хизматлари катта бўлди.

17-машқ. Саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. Тилшунослик фани қандай бўлимлардан ташкил топган?
2. Фонетика бўлимида нималар ўрганилади?
3. «Орфография» ва «орфоэпия» атамаларини изоҳланг.
4. Лексикологияда нималар ўрганилади?
5. Сўз таркиби (морфемика) хусусида нималарни биласиз?
6. Сўз ясалиши, янги сўзлар ҳосил қилиш борасидаги тушунчаларингизни баён қилинг.
7. Грамматика қандай қисмлардан иборат? Уларга қисқача изоҳ беринг.
8. Тилдаги шеваларнинг хусусиятлари ва тарқалиш чегараси ҳақида қайси соҳа баҳс юритади?
9. Тил тарихининг ўрганиш соҳаси нималарни камраб олади?
10. Этимологияда қайси йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилади?
11. Услубият (стилистика)нинг аҳамияти ҳақида ўз қарашларингизни баён этинг.

2014
15.2/14

«Матн» арабча сўз бўлиб, бошқа кўп тилларда «текст» сўзи ишлатилади. Яқин йилларгача ўзбек тилида ҳам «текст» атамаси ишлатилган. «Текст» сўзи лотинча «textum», яъни «ёзилган, чоп этилган асар, муаллифнинг асл сўзлари» деган маънони англатади.

Матн атамаси ўзбек тили ва адабиёти дарсларида кўп ишлатилади. Масалан, диктант матни, баён матни, матннинг мазмунини сўзланг, матнни қайта ҳикоя қилинг ва ҳоказо.

Кўринадики, матн атамаси икки маънода қўлланилади:

1. Умумий маъно; 2. Хусусий маъно.

Умумий маънода ҳар қандай ёзма асар, асар парчаси тушунилса, хусусий маънода лингвистик атама сифатида қўлланилиб, икки ва ундан ортик қўшма гаплардан ташкил топган йирик синтактик бутунлик англашилади.

18-машқ. Қуйидаги матнларнинг мазмунини таҳлил қилинг. Матнлар қандай мавзуларга бағишланган?

1. Маълумки, одам биринчи тарбияни онасининг бағрида олади. Шу нарса муқаррарки, биринчи тарбия (оила тарбияси) тарбиянинг энг муҳими ҳисобланади. Унинг таъсири одам табиатига мустаҳкам ўрнашади. Шахс руҳияти, ахлоқ жавҳари ва одатлари болалигидан шаклланади. (*Фитрат*)

2. Ў, Иссиқкўл, қирғиз диёрининг сўнмас қўшиғи. Бу денгиз ошиқ-маъшуклар ҳақидаги афсоналар, қўшиқлар диёри эканлигига ишонмай бўладими, ахир. У шу дамда мавжланиб, қатра ғуборсиз, ранг-баранг товланиб турарди. Кўкимтир тўлқинлар ўркач-ўркач бўлиб, гўё қўл ушлашиб олгандек, сарғимтир қирғоқлар сари елиб югурарди. Тоғлар ортидан куёш ботмоқда, сувнинг этаклари кўзни қамаштириб, пушти ранг касб этган эди. Узоқларда осмон гумбазига бош урган қорли тоғларнинг оч бинафша ранг тизмалари кўзга чалинади. Бу тизмалар устидан кулранг булутлар сузиб юрарди. (*Ч.А.*)

3. Ташқарида ҳаво бирдан ўзгариб, шамол кўтарилган, ҳовлидаги олча ва ўриклар совуқ куз келаётганини эслатиб, қаттиқ ғувиллар эди. Тиник, бахмалдек майин осмонни тўлдирган юл-

дузлар ҳам бугун одатдагидан бошқачароқ кўринар, муз парчаларини эслатиб, совук чакнарни. (М.М.)

4. «Авесто» – зардуштийлик динининг муқаддас китоби. «Авесто»–Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон халқларининг қадимги даврдаги ижтимоий - иқтисодий ҳаёти, динлар, олам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари, маънавий маданиятларини, форс-тожик қабилаларининг ёзувларини ўрганишда муҳим ва ягона манбадир. («Ўзбек энциклопедияси»)

5. Адабий тил грамматик қурилиши ва луғат таркиби жиҳатидан меъёрга келтирилган бўлиб, у шева ва жаргонлардан тубдан фарқ қилади. Адабий тил сўзларни қонуний равишда бир хилда ишлатишни, услубда сўз маъносидан лексик-семантик меъёردа фойдаланишни, морфологик ва синтактик қурилмаси жиҳатидан тўғри ифодалашни талаб қилади. (У.Турсунов)

19-машқ. Гапларни ўқинг. Уларни қандай давом эттириш мумкин? Сарлавҳа ва эпиграф танланг. Гапларни давом эттириб, матн ҳосил қилинг.

1. Тил инсон тафаккурининг кўзгусидир. Тил – қалбларнинг таржимони, халқ хазинаси. У одамларни, халқларни бири-бирига яқинлаштиришда, самимий бўлишда ва ўзаро тушунишда буюк воситадир.

2. Камтарин киши ҳеч мақтанмайди, ютуғидан ғурурланмайди, мансабини кўз-кўз қилмайди...

3. Ҳар бир инсоннинг бахт-саодатли бўлишига бош сабаб илмдир. Экинлар учун суғориш ва ёмғир қандай керак бўлса, одам боласи учун ҳам илм шу даражада зарурдир.

20-машқ. Илмий, публицистик ёки бадиий услубларда ёзилган, ҳар бири 50-60 сўздан иборат матн топинг ёки ўзингиз ижод қилинг.

21-машқ. Саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. Матн деганда нимани тушунаси?

2. Матннинг гапдан фарқи нималарда кўринади?

3. «Матн» атама сифатида қандай маъноларда қўлланади?

4. Сиз қандай услубдаги матнларни ўқишни ёқтирасиз?

5. Тилшуносликда, кундалик ҳаётда матннинг аҳамияти борми?

Топшириқлар:

1. *б, п, м* товушларини талаффуз қилинг. Уларнинг пайдо бўлишида қайси нутқ органлари фаол иштирок этмоқда?
2. *л, т, д, ж, з, с, в, ф* товушларининг пайдо бўлишида-чи?
3. *й, ш, ч, ц* товушларининг пайдо бўлишида тил қандай даражада иштирок этади?
4. *х, ҳ, к, ғ* товушларининг пайдо бўлишини тушунтиринг.
5. Бурунни беркитганда талаффуз қилиб бўлмайдиган товушларни сананг.

Фонетика – тилшуносликнинг нутқ товушларини ўрганувчи бўлимидир. Ҳар бир тилнинг фонетикаси ўша тилдаги товушларнинг ҳосил бўлиши, талаффузи, таснифи, фонетик қонуниятлари, нутқдаги фонетик жараёнлар, талаффуз ва ёзувнинг ўзаро муносабати (товуш ва ҳарфлар ўртасидаги муносабат), бўғин ва урғунинг хусусиятлари каби ҳодисаларни ўрганеди.

Инсон тили товуш тилидир. Тилдаги сўзлар, сўз бирикмалари, гаплар нутқ товушлари ёрдамида ҳосил бўлади.

Нутқ товушларининг пайдо бўлишида ўпка, кекирдак, товуш пайчалари, оғиз бўшлиғи, тил, танглай, лаблар (юқори ва пастки), тишлар (юқори ва пастки), бурун бўшлиғи каби нутқ органлари иштирок этади. Бу нутқ органларининг ҳаммасини бошқариб турувчи, уларни ҳаракатга келтирувчи орган марказий асаб системасидир.

22-машқ. Остига чизилган сўзлардаги товушларнинг пайдо бўлишида нутқ органларидан қайсилари фаол иштирок этаётганлигини айтинг.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) 1945 йилда ташкил топган. Жаҳондаги энг нуфузли ташкилот бўлиб, ҳозир дунёдаги 180 дан ортиқ мамлакат унга аъзодирлар. Бизнинг мустақил давлатимиз ҳам 1991 йили БМТга қабул қилинди. (Газ.)

23-машқ. Матнни ифодали ўқинг. Ажратиб ёзилган сўзлардаги товушлар сони ҳарфлар миқдорига тенгми? Фикрингизни далилланг.

Илм ўрганиш энг мўътабар ишдир. Илм одамнинг қадрини оширади, илмли кишилар дунёда энг иззатли, хурматли бўладилар. Илм дунёда одамлар учун энг севимли, энг ширин неъматдир. Шундай экан, сиз дунёда роҳатда яшашни истасангиз, ҳамма мени севсин десангиз, бор кучингиз билан ўқишга, илм олишга ғайрат қилинг. Энг ширин ва энг қимматли ёшлигингизни, азиз умрингизни фойдасиз ишларга сарф қилманг.

Байт: Илму фан нури зимистон дил уйини **етар** мунаввар,
Илм отига минса ҳар ким мақсадига тез **етар**. (Ҳ.)

24-машқ. Саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. Фонетика бўлимида нималар ўрганилади?
2. Товушлар қандай турларга бўлинади?
3. Товушларнинг пайдо бўлишида қандай нутқ органлари иштирок этади?
4. Товуш билан ҳарфнинг фарқи нимада?

8-§. Нутқ товушлари ва ҳарф

Топшириқлар:

1. Жарангли ундошларнинг жарангсизланиш ҳодисасига мисоллар келтиринг.
2. Нутқ товушларини ҳарфлардан фарқланг. Фикрингизни мисоллар асосида исботланг.
3. Ўзбек тили алифбосини айтинг.

Нутқ товушларининг ҳаммаси ўзбек тилида 31 та. Улардан 6 таси унли товушлар: **а, о, и, э, у, ў**. Унли товушлар оғиз бўшлиғида ҳеч бир тўсиққа учрамай чиқади. Унли товушларда ун – овоз бўлади, шовкин бўлмайди. Уларни ҳар қанча чўзиб айтса бўлаверади.

Ундош товушлар 25 та: **б, п, м, н, ң, л, р, в, ф, д, й, т, з, с, г, ш, к, қ, г, х, ҳ, ж, дж, ч, ц**. Улар жарангли ва жарангсиз ундошларга бўлинади. Жарангли ундошларнинг жарангсизларидан фарқи шундаки, жаранглилар ун – овоз ва шовкиндан ҳосил бўлади, жарангсиз ундошларда фақат шовкин бўлади.

Айрим жарангли ундошларнинг жарангсиз жуфтлари бўлади: **б-п, в-ф, д-т, з-с, г-к, г-қ**.

Нутқ товушларининг ёзувдаги шартли белгиси ҳарфдир. Ҳарфларнинг қатъий бир тартибда жойлашган йиғиндиси алифбо дейилади.

Ҳар бир тилнинг ўз миллий хусусиятларига кўра товушлар миқдори турлича бўлади. Ўзбек тилида товушлар 31 та бўлса, ҳарфлар сони 35 та. Қирғиз тилида товушлар сони 39 та, ҳарфлар эса 36 та. Рус тилида товушлар 30 та, ҳарфлар 32 та.

Амалда қўлланилаётган ўзбек алифбоси 1940 йилда қабул қилинган бўлиб, рус алифбоси асосида шаклланган. Бу алифбони «кирилл алифбоси» деб ҳам юритишади. Чунки бу алифбони рус тилшунос олимлари ака-ука Кириллар 1863 йилда тузишган эди.

Бу алифбода ўзбек тилига оид бўлган айрим товушларни ифодаловчи махсус шакллар бўлмаганлиги учун қўшимча равишда *ў, қ, ғ, ҳ* ҳарфлари киритилган. Рус ёзувига мослаштириш мақсадида *е, ё, ю, я, ц* ҳарфлари ва айириш белгиси (*ъ*), юмшатиш белгиси (*ь*) ҳам ўзбек алифбосига қабул қилинган. Қирғизистонда қўлланилиб келаётган, кирилл ёзувига асосланган ўзбек алифбосидаги ҳарфлар сони ўзбек тилидаги товушлар сонига тенг келмайди (*1-жадвалга қаранг*).

25-машқ. Матнни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзлардаги унли ва ундош товушларининг ҳосил бўлиш ўрнига кўра тавсиф беринг.

Бир донишманддан сўрадилар:

– Одам учун ярашадиган кийимлар ичида энг гўзали қандай кийим?

Донишманд жавоб берди:

– Одам учун ярашадиган энг гўзал кийим бу – одоб-ахлоқ кийимидир. Киши **киёфасини безайдиган**, унинг хуснига **хусн** кўшадиган бундан ортиқ гўзал кийимни топиш кийин. (*Ҳ.*)

26-машқ. Саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. Унли товушлар нечта? Улар қандай ҳосил бўлади?

2. Ундош товушлар нечта? Уларнинг ҳосил бўлишида қайси нутқ органлари иштирок этади? 3. Жарангли ва жарангсиз ундошлар қандай фаркланади? 4. Қайси жарангли ундошларнинг жарангсиз жуфтлари бор?

Топшириклар:

1. «Бўгин» атамасига изох беринг.
2. *Демократия, адолат, ҳақиқат, истеъдод, ҳадя, дунё, спорт* сўзларини бўгинларга ажратинг.

Бўгин бир ҳаво зарби билан айтиладиган товуш ёки товушлар бирикмасидир. Бўгинларнинг ташкил топишида унли товушлар асос бўлади. Сўзда нечта унли товуш бўлса, ўшанча бўгин бўлади. Бўгинлар бир (товушдан) ва бир неча товушлардан ташкил топади. Масалан, *фи-до-кор-лар-ча* сўзи беш бўгиндан иборат. *Мак-таб, фар-занд, а-ка, о-па* – икки бўгин; *спорт, матн, банк, фарз, фан, ёш* – бир бўгин.

Бўгинлар 2 хил бўлади: очик бўгин, ёпик бўгин.

Унли товушлар билан битган бўгинлар очик бўгин, ундош товуш билан битган бўгинлар эса ёпик бўгинлар дейилади.

Да-да, о-на, ма-са-ла, фо-ие-ти-ка – очик бўгинлар;

Мак-таб, зан-жир, сан-диқ, хур-санд – ёпик бўгинлар;

Са-лим, шо-ир, о-лим, Ко-мил сўзларида биринчи бўгинлар очик ва иккинчи бўгинлар ёпик бўгинлардир.

Ёпик бўгинларга унли товуш билан бошланадиган кўшимчалар кўшилса, очик бўгинга айланади: *Са-ли-ма (Са-лим), шо-ира (шо-ир), о-ли-ма (о-лим), Ко-ми-ла (Ко-мил)* каби.

Ёзувда сатрга сифмай қолган сўзнинг қисми кейинги сатрга бўгин асосида кўчирилади.

Бўгин ва унинг турларини билиш шеърят назариясини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Минг йилларки булбул каломи

Ўзгармайди, яхлит ҳамиша,

Лекин шўрлик тўтининг ҳоли

Ўзгаларга тақлид ҳамиша.

Она тилим, сен борсан, шаксиз,

Булбул куйин шеърга соламан.

Сен йўқолган кўнинг, шубҳасиз,

Мен ҳам тўти бўлиб қоламан. (А.О.)

Ушбу шеърнинг ҳар бир мисраси 9-бўғин (ҳижо) ли бўлиб, очик ва ёпиқ бўғинларда мутаносиблик мавжуд.

Аруз вазнида ёзилган шеърларда бу ҳолат янада кучлироқ бўлади.

27-машқ. Қуйидаги сўзларни ўқинг. Ҳар бири неча бўғиндан иборат эканлигини айтинг. Сабабини тушунтиринг. Бир бўғинли сўзларга эгалик кўшимчасини кўшиб, улар иштирокида гаплар тузинг.

Намуна: *Фикр. Менинг фикримча, бу масалада огиз очмаган маъқул.*

Ифтихор, жасорат, садоқат, матонат, биродарлик, дўстлик, вафодорлик, оқибат, ақл, меҳр, раҳм, фикр, ҳукм, фаҳм, ота, она, ая, келиноғи, баландлик .

28-машқ. Қуйидаги шеърни ифодали ўқинг. Бўғинларга ажратиб, кўчиринг ва ёд олинг.

Худо неъматларин олийси идрок
Ақлни мадҳ этар, кимки дили пок.
Ақл йўл кўрсатиб, дилни этар шод,
Ҳар икки оламда ақлли обод.
Ақл бир тирик жонки, билмас завол

Ақл турмуш асли, буни ёдлаб ол.
Ақлдан ғамгинлик, шодлик, ўқтамлик,
Ақлдан борлигу йўқлигу камлик.
Киши иш қиларкан беақлу идрок,
Бўлур қилмишидан юрак-бағри чок.

(А. Фирдавсий)

Ёзувда бир сўз қаторга сиғмай қолганда, бошқа қаторга унинг бўғини кўчирилади: *чаван-доз, ўқитув-чи, ёки ўқитувчи, ким-ёғар ёки кимё-гар, консти-туция, конститу-ция ёки конс-титущия* каби.

Аммо сўзнинг бош ёки охириги бўғини бир унлидан иборат бўлса, бу унли олдинги қаторда қолдирилмайди ёки кейинги қаторга кўчирилмайди. Масалан, *о-наси эмас, она-си, жуғрофи-я эмас, жуғро-фия. Ака, ука, қитъа, қалъа, эълон* каби икки бўғинли сўзлар бўғинга ажратилиб икки йўлга ёзилмайди.

Ҳарфлар бирикмасидан ташкил топган *нг, шч* товушлари ажратилмай ёзилади: *сўнг-ра, синг-лим, янг-ра, поме-шчик* каби.

Айриш, юмшатиш белгиси бўлган сўзларнинг бўғинлари кейинги йўлга кўчирилганда, бу белгилар биринчи йўлда қолдирилади: *маъ-но, Раъ-но, санъ-ат, суръ-ат, паль-то* каби.

Бўғин кўчиришда чизикча фақат биринчи йўлнинг охирига қўйилади. Масалан, *мактаб-дан* сўзидаги чизикча сатр охирига қўйилиб, янги сатрга кўчирилган *дан* кўшимчаси олдига қўйилмайди.

Қисқартма отлар, кўп хонали рақамлар (*БМТ, АҚШ, XX аср, 197853, 6000000*) кейинги йўлга бўлиб кўчирилмайди.

Одамларнинг қисқартирилган исм-шарифлари ҳам, масалан, *Х.Х.* бошқа йўлда қолиб, *Ниёзий* сўзи кейинги йўлга кўчирилмайди.

29-машқ. Таркибда *нг* ҳарфий бирикмаси мавжуд сўзларни аниқланг ва уларни бўғин кўчириш қондасига мувофиқ қисмларга ажратиб ёзинг.

Англамоқ, дангал, дангаса, дўнг, дўнгалак, енгиллик, жанговар, ингичка, инглиз, охангдош, ранго-ранг, ранг-баранг, сўнгги, сўнгра, танглай, тенгдош, тингловчи, фаранг, харсанг, чангал, энгашмоқ, янгиллик, янграмоқ, ўнгламоқ.

30-машқ. Ўзингиз ёқтирган 2 банд шеърни ҳижолаарга (бўғинларга) ажратиб, таҳлил қилинг.

31-машқ. Шеърни ўқинг. Сўзларни бўғинларга ажратиб, кўчириг.

Жаҳон басту кушоди илм бирла,
Надур дилнинг муроди илм бирла,
Кўнгулларнинг сурури илмдандур,
Кўрар кўзларнинг нури илмдандур.

(Фурқат)

32-машқ. Қуйидаги сўзларни бўғин кўчириш қондаларига амал қилган ҳолда бўғинларга ажратинг.

Масъул, мутафаккир, сиҳат, мўъзижа, неъмат, бюрократ, аълочи, азиз, азият, алюминий, астрономия, гильза, гимназия,

Грузия, Туркия, Югославия, районлараро, парранда, дирекция, дирижер, дўнглик, дўрилламок, дуэль, манглай, масжид, нефтчи, нокулай, ношуд, сентябрь, октябрь, олижаноб, опера, операция, орийт, ориқ, оркестр, проза, шеърийт, чархпалак, шляпали, япалоккуш, япониялик, юбилей, хунармандчилик.

33-машқ. Саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. Сўзлардаги бўғинлар миқдори нимага боғлиқ?
2. Бўғин кўчиришда нималарга эътибор қаратиш зарур?
3. Қайси ҳолатларда бўғин кўчириш мумкин эмас?
4. *из* ҳарфий бирикма иштирок этган сўзларда *из* қай ҳолатда иккига ажралади? Фикрингизни мисоллар асосида изоҳланг.

10-§. Урғу

Топширик:

Шеърни диққат билан ўқинг. Урғули бўғинларни аниқлаб, уларнинг талаффузига эътибор қилинг.

Юртдошим, боғингга бир ниҳол қада,
Бу ниҳол номини Яхшилик ата.
Ниҳолинг ёнига бир гул экиб қўй,
У гулнинг исмини Гўзаллик деб қўй.

Гулу ниҳолингга бахш этиб ҳаёт,
Сув бер ва бу сувга Меҳр деб қўй от.
Сендан фарзандингга боғ қолсин, эй дўст,
Боғинг Ватан деган ном олсин, эй дўст. (Э.В.)

Сўз бўғинларидан бирининг бошқаларига нисбатан кучлироқ айтилиши урғу дейилади.

Сўздаги урғу тушган бўғин – урғули бўғин, қолганлари урғусиз бўғин бўлади. Ўзбек тилида урғу кўпинча сўзнинг охириги бўғинига тушади: *деҳқон, деҳқончилик, деҳқончиликда.*

Айрим сўзларда, кўпинча бошқа тиллардан кирган сўзларда урғу биринчи ва иккинчи бўғинларга ҳам тушиши мумкин: *ҳамма, барча, кимдир, қандайдир* каби олмошларда; *доим, ҳаммisha, асло* каби равишларда; *аммо, зеро, чунки.*

шунинг учун каби ёрдамчи сўзларда; газета, Республика, математика, физика, химия каби бошқа тиллардан кирган сўзларда охириги бўғиндан олдинги бўғинларга урғу тушади.

Урғу баъзан сўзларнинг маъносини ажратиш учун ҳам аҳамиятлидир. Масалан, *сузма* – ҳаракат, феъл; *сузма* – предмет, от. *Йигитча* – кичкина *йигит*, кичрайтириш; *Йигитча* – равиш.

Гап урғуси (маъно урғуси)

Сўзловчи гап ичидаги айрим сўзларнинг маъносини янада таъкидлаб, кучайтириб кўрсатиш учун бошқа сўзларга нисбатан кучлироқ оҳанг билан талаффуз этади. Ана шу кучлироқ оҳанг билан айтилган сўз урғули сўз ҳисобланади.

Диккат килинг:

1. Мен эртага стадионга бораман (бошқа жойга эмас).

2. Мен стадионга эртага бораман (бошқа куни эмас).

3. Стадионга эртага мен бораман (бошқа одам эмас).

Урғули сўз одатда кесим олдида келади. Баъзан урғу кесимнинг ўзига ҳам тушади. *Мен эртага стадионга бораман*. (*бормай қолмайман*).

Маъно урғусидан ўринли фойдаланиш нотиклар нутқида, публицистик услубда қулайлик яратади.

34-машқ. Матнни кўчириб, сўзларга урғу кўйинг. Урғу олган бўғиннинг талаффузига диккат килинг.

Сутдек ойдин август кечаларини ким билмайди дейсиз. Осмондаги юлдузлар узок-узоклардан мўралашса ҳам, гўё улар шундай яқиндан ҳар бири ўзича нур сочаётгандек туюларди.

Юлдузлар чарақлаган шундай гўзал кечада биз дара бўйлаб келардик. Отлар гўё уйга шошилаётгандек тобора тез йўрғаларди. Майда шағал от туёқлари ва арава филдираклари остида гичирлаб, атрофига учиб чиқарди. Ғир-ғир эсиб турган майин шабада эрманнинг аччиқ иси билан фарқ пишган ғалланинг хушбўй ҳидини димокқа келтириб урарди. Йўлнинг бир томонида наъматаклар билан қопланган қоялар қад кўтариб турарди. Йўлнинг иккинчи томонида, пастликда, тол ва ёввойи тераклар орасидан сой жўш уриб оқарди. Бундай сўлим тунда йўл юришининг ўзига яраша гашти бор. (Ч.А.)

35-машк. Қуйидаги публицистик услубда ёзилган матнни таҳлил қилинг. Нутқ таъсирчанлигини оширишда қандай усуллардан фойдаланилганлигини айтинг.

Шўролар даврида мафкура шу қадар қаттол қудратга айлантирилган эдики, унинг шафқатсиз жодиси нафақат ойдин тафаккурни, тўғри сўз меҳнаткашларни, балки бутун бошли миллатларни ҳам қатағон қилганди. Шўро мафкураси икки юзламачилик, рижорликнинг намунавий рамзи эди, сўзда барча халқларнинг тенглиги ҳақида айюҳаннос соларди, лекин амалда «улуғ» халқнинг тешаси чопарди, сўзда миллий тилларнинг тараққиёти учун ғамхўрлик қилгандай бўларди, лекин амалда кетмончининг тилхатига ҳам ўзининг тилини тикарди. Бу мафкура халқларни истибдодда тутиб туриш воситасининг пишиқ, аммо ғирром тизими эди.

Шунинг учун фақат қизил мафкурагагина эмас, ҳатто «мафкура» сўзига ҳам халқ қалбида нафратга ўхшаш бир нарса уйғонганди. (*Н.Маҳмудов*)

36-машк. Ўзингиз мустақил равишда 5-6 гапдан иборат бўлган боғли матн тузинг. Ҳар бир сўздаги урғунинг аҳамиятини тушунтиринг.

37-машк. Фонетик таҳлил тартиби ва намунасини ўқинг.

Фонетик таҳлил тартиби:

1. Сўзни овоз чиқариб тўғри талаффуз қилиш.
2. Сўздаги товушлар ва ҳарфлар сонини айтиш.
3. Унли товушларни, уларни қайси ҳарфлар билан ифодаланганлигини белгилаш.
4. Ундош товушлар, уларнинг жарангли ёки жарангсизлиги, қайси ҳарфлар билан ифодаланганлигини белгилаш.
5. Сўздаги бўғинлар сонини айтиш, урғули бўғинни аниқлаш, урғу тушган унлини кўрсатиш.

Фонетик таҳлил намунаси.

Бахтиёр сўзида 8 та товуш (*б, а, х, т, и, ў, о, р*), 7 та ҳарф (*б, а, х, т, и, ё, р*) бор; *ў* ва *о* товуши *ё* ҳарфи билан ифодаланган.

Унли товушлар: *а, и, о.*

Ундош товушлар: *б, х, т, ў, р; б, ў, р* – жарангли ундош товушлар; *х, т* – жарангсиз ундош товушлар.

Бахтиёр сўзи уч бўғинли, урғу учинчи бўғиндаги унли товушга тушган.

38-машк. Юқорида берилган намунадан фойдаланиб, ажратиб кўрсатилган сўзларни фонетик таҳлил қилинг.

Мунис онам

Оқ чаккасин силаб, жилмайиб,
Ҳоргингина қаршилар онам.
Бундай пайтлар *қалбим инграиб*
Дейман, чаппа айланиб олам,
Заҳматкашим – *мунис* онамга
Она бўлиб қолсайдим бир зум.
Кучга тўлган *норгул* ўттизин
Кафтлариға тутсайдим ўзим...

(Т. Содиқова)

39-машк. Кўчиринг. Жарангли ундошларга бир чизик, жарангсиз ундошларга икки чизик чизик чизинг.

Кечир мени...

Ниҳолгина қўлда думбулгина соз,
Ишқ кошонаси билдим кирганим уйни,
Қўшиғим пардаси хозирча саёз,
Севги бахти босиб кетганди куйни... (З.)

11-§. Фонетик услубият

Сўзлар товушлардан ҳосил бўлади. Нутқимиз ҳам маъноси билан, ҳам оҳангдор мусиқий товушлари билан таъсирли, ёқимли бўлиши керак.

Тақдирим ёр бўлса-ю,
Фурсат кулай келса-ю,
Сени агар ўлдирсам,
Танингга ханжар урсам,
Дунёда энг бахтиёр
Одам бўлардим номдор. (Х. О.)

Товушлар нуткни мусикавий этади. Товушлар ёрдамида сўзларни фарклаб тўғри талаффуз эта оламиз, нарсаларнинг, турмушдаги энг нозик бўёқларни тасвирлай оламиз.

Масалан, *из – ис, туз – тус, нафис – нафс, гариб – гарб, тил – дил, асл – асил, асп – асир, аҳил – аҳл, девон – дивон* каби сўзларнинг нотўғри талаффуз килиниши оқибатида нутқда тушунмовчилик келиб чиқади.

-да, -ва, -қа (ёки -қ) каби бўғинлардан кейин яна шундай товушлар билан бошланадиган сўзларни келтириш нутқий ғализликни келтириб чиқаради: *Биз ўз тилимизни ва ватанимизни севамиз. Сўзларнинг ғанда қўлланилиши ва вазифалари. Бу масала фанда ҳам кам текширилган* кабилар.

Сўз урғусининг кўчиши шу сўз маъносини ўзгартириши мумкин: *янги* (сифат) *кўйлак, янги* (равиш) *олинди*.

40-машқ. Шеърни ўқинг. Айрим предметларнинг тасвирини беришда восита бўлган товушларни аниқланг. Шеърни ёд олинг.

Баҳор келди сени сўроқлаб...

Салқин саҳарларда, бодом гулида,
Бинафша лабида, ерларда баҳор.
Қушларнинг парвози, елларнинг нози,
Баҳмал водийларда, кирларда баҳор...

Қанча севар эдинг, бағрим, баҳорни,
Ўрик гулларининг эдинг мафтуни.
Ҳар уйғонган куртак ҳаёт берган каби
Кўзларингга суртиб ўпардинг уни.

Мана қимматлигим, яна баҳор келиб,
Сени излаб юрди, кезди сарсари.
Қишнинг ёқасидан тутиб сўради сени,
Ул ҳам ёш тўқди-ю, чекинди нари.

Сени излар экан, бўлиб шаббода,
Сен юрган боғларни кидириб чиқди.
Ёзиб кўрсатай деб хусн – кўркини,
Яшил япроқларни кидириб чиқди... (3.)

41-машк. Берилган сўз бирикмаларини ўқинг. Қайси бирикмаларда ғализ ўринларни сездингиз. Уларни аниқлаб, тўғри вариантини топинг.

Аҳд ва вафо, вафоли ёр, ваъда ва вафо, ваъдага вафо, мақсад ва вазифа, амалга ошмоқ, муҳаббат ва ватан, ватанни севмоқ.

42-машк. Сўзларни товуш таркибига кўра куйидаги 4 гуруҳга бўлиб кўчиринг.

1. Ҳамма товушлари билан фарқланувчи сўзлар: (*шаҳар – ноёб*).

2. Баъзи товушлари ўхшаш бўлган сўзлар: (*муҳаббат – муҳаммас*).

3. Биргина товушлари билан фарқланувчи сўзлар: (*тош – бош*).

4. Барча товушлари ўхшаш, фақат биргина товуши ортик сўзлар: (*асл – асил*).

Дўст – киши, кодир – содир, аср – қаср, болға – пичок, жўра – ғўза, кўрик – сўрок, таржима – тажриба, машина – машинка, стол – стул, нон – сув, авж – мавж, акс – акт, гул – буғ, қисм – исм, қишлоқ – мактаб, дафтар – қалам, баҳо – баҳор, сернам – серсув, келди – келади, узук – тузук, боғ – гул, бурчак – бургут, ош – мош, азиз – азиза.

43-машк. Куйидаги сўзлар қандай сўзлар? Уларнинг лексик, фонетик маъноларини изоҳланг.

Намуна: *Даво – даъво* сўзлари – паронимлар. *Даво* – лексик маъноси: касалнинг тузалиши, фонетик маъноси: тўрт товуш – икки унли ва икки ундош товушдан иборат; *даъво* – лексик маъноси: бирор ишга давогар; фонетик маъноси: тўрт товуш – икки унли ва икки ундош товушдан ва айириш белгисидан иборат.

Аза – аъзо, бўса – бўлса, афзал – абзал, амр – амир, аср – асир, асл – асил, шох – шоҳ.

44-машк. Ўқинг. Сўз маъносини фарқлаган товушларни аниқланг.

Афзал – абзал, курак – курок, шукур – дукур, қиммат – қиймат, жуда – жудо, халос – холос, ёқилғи – ёнилғи, бугун – тугун, туш – тиш.

Орфоэпия адабий тил доирасида ягона талаффуз меъёрларини белгиловчи қоидалар тизимидир, яъни орфоэпия тилшуносликнинг сўзларни тўғри талаффуз қилишни ўргатувчи бўлидир.

Оғзаки нутқда ҳар хил талаффуз қилинадиган товуш, кўшимча ёки сўзлардан адабий тил учун қабул қилинган биттаси тўғри талаффуз меъёри саналади.

Ўзбек адабий тилининг талаффуз меъёрлари куйидагича:

Адабий талаффуз бутун шевалар учун умумий бўлган қоидалар асосида белгиланади. Адабий талаффуз сўз бўғинларига урғуни тўғри қўйишга боғлиқ бўлади. Ўзбек тилида урғу кўпинча сўзларнинг охириги бўғинига тушади: *мактаб* – *мактабдан*–*мактабдошим*.

1. *Ақл, исм, қисм, фикр, вақт, ҳал, узр, халқ, нақл, нақд, насл* каби арабча сўзларнинг барчасида урғу биринчи унли устига тушади. Бу билан орфографик хатонинг олди ҳам олинади.

2. *Мухим, мудир, муқим, муҳит, мумкин, мунис* каби арабча сўзларнинг иккинчи бўғини урғу олади ҳамда жуда аниқ талаффуз этилади. Шунинг учун ёзувда **-и** товуши сақланади.

3. *Образ, трактор, директор* каби сўзларнинг урғусиз бўғинидаги кейинги унли товуш деярли талаффуз этилмайди. Лекин ёзувда **-а** ва **-о** ҳарфлари сақланади: *образ, трактор, директор* ва б.

4. *Доцент (доцент), изотоп (изотоп), морфема (морфема)* каби кўплаб рус - байналмилал сўзларнинг урғусиз бўғинидаги **-о** товуши **-а** тарзида талаффуз қилинади, ёзувда эса *доцент, изотоп, морфема* шаклида ёзилади.

5. Агар сўзнинг биринчи бўғинидаги унли урғу олса, аниқ талаффуз қилинади: *поезд, полк, тонна* ва б.

6. **О** ҳарфи ўзбекча сўзларда орқа қатор кенг **о** унлиси сифатида (*ота, хола, фидо*), чет сўзларда олди қатор тор **о** (*ў*) унлиси (*тонна, талон*) каби талаффуз қилинади.

7. **Ж** ҳарфи *жуда, шижоат, ваз* сўзларида жарангли коришиқ ундош каби, *журнал, мужда, тираж* каби сўзлар-

да тил олди жарангли сирғалувчи ундош сифатида талаффуз этилади.

8. Талаффузда баъзи товушлар бошқа товушларнинг таъсири билан ўзгариши мумкин. Бундан ҳолларда товушлар имло қоидалардаларига кўра ёзилса ҳам талаффузда роя қилинмайди: *зарар - залал, учта - ушта, дарё - дайро, тузсиз - туссиз, ёзса - ёсса, китоб - китоп* каби.

9. *Дўст, мушт, гўшт, гишт, Тошкент, артист, хурсанд, баланд* каби сўзлар охирида ёнма-ён келган ундошларнинг охиргиси талаффузда айтилмаса ҳам, ёзувда сакланади.

10. *Металл, килограмм, процесс* каби байналминал сўзлар охирида такрорланиб келган бир хил ундошларнинг бири талаффузда айтилмаса ҳам, ёзувда сакланади. Аммо бундай сўзлар охиридаги бир хил ундошлардан кейин шу хил ундош билан бошланадиган қўшимча қўшилганда, учта бир хил ундошларнинг бири тушириб қолдирилади: *Беш килограмми? эмас, Беш килограмми? Металллар эмас, металллар.*

11. *Ақл, аср, синф, қисм, фикр, сабр, метр* каби сўзлар охиридаги қатор келган ундошлар орасида **и** товуши эшитилгандай бўлади, аммо **и** ёзилмайди.

12. *Отпуск, киоск, диск, пропуск* каби сўзлар охирида **е** ва **к** товушлари қатор келган сўзлардан кейин ўзбек адабий талаффузига мувофиқ бир **а** ҳарфи қўшиб ёзилади: *отпускада, киоскага, дискаси, пропускаси* каби.

45-машк. Ўқинг. Сўзлардаги унли товушларнинг талаффузига эътибор бериш. Унли товушларнинг турли бўғинларда турлича айтилиш сабабини тушутиринг.

Каптар, қарсақ, кўчат, қўрғон, коса, кози, ковун, гилам, филоф, кисса, кир, кир, бирикма, куз, кунт, кутлуғ, кўз, кўл, тил.

46-машк. Қуйидаги сўзларни тўғри талаффуз қилинг ва тўғри ёзинг.

Арслонбоб, Окбура, акционер, аграр хўжалик, агроном, Оқ тилак, Ола арча, Иссиқкўл, Жалолобод, Тўхтағул, Бишкек, Манас, Бақай, Семетей, Сейтек, Қорасув, Ўзган, Талас, Қизилқия, Норин, Тўқмоқ, Боткен, Тошкент, Самарқанд, Андижон, Наманган, архитектор, директор, фазогир, жаҳонгир.

47-машк. Қуйидаги сўзларни орфоэпик меъёрларга мос шаклда ўқинг.

Атлас, болта, барча, киши, қишки, туйғу, буткул, хурсанд, жийда, туш, чучук, ўқув, тўққиз, хўқиз, қизик, пичан.

48-машк. Сўзларни бўғинларга ажратиб кўчиринг.

Манглай, онгли, тингла, минган, синган, сингдир, сингган, сингил, тинган, англа, англамоқ, сўнгра, кўнгил, жарангламоқ, сўнгни.

49-машк. Ўқинг. Берилган сўзлардаги *и* унлисининг айтилишига аҳамият беринг. Сўзларни тўғри талаффуз қилинг.

Ғақир – тақир, аччиқ – чучук, илик – илиқ, кийик – қийик, тўкин – сочин, кичик – қийшиқ, илм – билим, ёлғиз – тиғиз, экин – тагин.

50-машк. Ўқинг. Қатор келган унли товушларни тўғри талаффуз қилинг. Улар иштирокида тўртта гап тузинг.

Матбаа, манфаат, мутолаа, мудофаа, маориф, муаллақ, муаллим, муомала, матбуот, саодат, муаллим, жамоат, доир, доира, оид, шоир, қоида.

51-машк. Сўзларни тўғри талаффуз қилинг. Кўчиринг.

Грамм, тонна, металл, қанд, фикр, стакан, тафаккур, муаммо, мударрис, тиббиёт, спорт, транспорт, доктор, киловатт, паспорт, зоомагазин, аэропорт, почта.

52-машк. Ёнма-ён келган унлилар иштирок этган ўнта сўз топинг ва гап тузинг.

53-машк. Кўчиринг. Имлода *ч* ёзилиб, *ш* талаффуз қилинадиган сўзларнинг тагига чизинг.

Учта, чала, чама, чой, учди, чўмич, почта, чинни, суянч, чидам, ичди, чарм, кучди, чавандоз, очди, чақалоқ, чакмоқ, кечикди, сочди.

54-машк. *П* тарзида талаффуз қилинадиган *б* ва *ф* ҳарfli сўзларни икки гуруҳга ажратиб ёзинг.

Фурқат, кабоб, садаф, сафар, одоб, фирма, шараф, фикр, Юсуф, минглаб, жавоб, телефон, тартиб, саф, ёзиб, фарқ, ул-

фат, келиб, ферма, фойда, мансуб, маориф, офат, нифок, нафс, наф, намакоб, лаб, кўлоб.

55-машк. Қуйидаги сўзларни қатнаштириб гаплар тузинг. Бу сўзлар гапда иккинчи даражали бўлак бўлиб келсин. Сўзларнинг ёзилишига диққат қилинг.

Қалб, меҳр, ўғил, сабр, ҳукм, истеъдод, интервью, облигация, стратосфера, сюжет, банк, сценарий.

Айриш белгиси - ь

1. *Раъно, аъло, маъно, таъсир, шеър, феъл, истеъдод* каби сўзларда ўзидан аввал келган унли товушни чўзикрок айтиш учун ёзилади.

2. *Санъат, қалъа, суръат, журъат, масъулият* каби сўзларда унли ҳарфларни ўзидан олдинги ундошдан ажратиш учун ишлатилади.

3. Сўз ўртасида *е, ё, ю, я* ҳарфларидан олдин келиб, уларни аввалги ундошдан ажратиш учун ишлатилади: *объект, субъект, съезд, разъезд, адъютант* каби.

Аммо дарё, дунё, бунёд, ҳадя, афюн каби сўзларда, шунингдек, *Мирюсуф, Матёқуб, Маряхё* каби киши исмларида **ь** белгиси ёзилмайди.

56-машк. Қуйидаги сўзлар иштирокида гаплар тузинг. Сўзларнинг ёзилишига эътибор беринг.

Шер – шеър, қала – қалъа, сурат – суръат.

Юмшатиш белгиси - ь

Артель, альбом, мебель, секретарь, январь, февраль, апрель каби русча-байналмилал сўзларда ишлатилади. Юмшатиш белгиси билан тугаган сўзларга қўшимчалар қўшилганда, юмшатиш белгиси тушиб қолади: *январда, секретарга, мебели, артелдан* каби.

57-машк. Қуйидаги сўзларни қатнаштириб гаплар тузинг. Бу сўзлар гапда иккинчи даражали бўлак вазифасида келсин. Сўзларнинг ёзилишига диққат қилинг.

Пьеса, пульта, календарь, кальций, тушь, тюлень, сентябрь.

58-машқ. Саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. Ўзбек тилида ундош ҳарфлар нечта?
2. Ундош товушлар қандай турларга бўлинади? Улар нима-си билан бир-биридан фарқ қилади?
4. *б, д, в, з, г, ж* жарангли ундошларнинг жарангсиз жуфтлари қайсилар?

59-машқ. Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини айтинг.

1. Фонетика нимани ўрганadi?

- А. Борлиқ товушларини;
- Б. Тўғри ёзиш қоидаларини;
- В. Сўзнинг маъноли бўлақларини;
- Г. Нутқ товушларини.

2. Нутқ аппарати нима?

- А. Унли товушларни ҳосил қилувчи аъзолар;
- Б. Ундош товушларни ҳосил қилувчи аъзолар;
- В. Оғиз бўшлиғидаги аъзолар;
- Г. Нутқ органларининг жами.

3. Ундош товушлар қандай ҳосил бўлади?

- А. Ўпкадан чиқаётган ҳаво ун пайчалари тебратиб ҳосил бўлади;
- Б. Ўпкадан чиқаётган ҳаво оғиз бўшлиғидан тўсиқларга учраб ҳосил бўлади;
- В. Ўпкадан чиқаётган ҳаво оғиз бўшлиғидан тўсиқларга учрамай ҳосил бўлади;
- Г. Бўғизда ҳосил бўлади.

4. Ўзбек тилида нечта унли товуш бор?

- А. 10 та; В. 8 та;
- Б. 6 та; Г. 4 та.

5. Қайси қаторда жарангсиз ундошлар кўрсатилган?

- А. л, р, н; В. й, в, д;
- Б. т, с, п; Г. г, м, б.

6. Алфавит таърифи қайси қаторда берилган?

- А. Унли товушлар ҳарфий ифодасининг берилиши;
- Б. Ўзбек тилидаги барча ҳарфлар;
- В. Ҳарфларнинг маълум тартибда жойланиши;
- Г. Ундош товушлар ҳарфий ифодасининг берилиши.

7. Ўзбек алфавити қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- А. АБВГДЕЖЗИЙКЛМНОПРСТУФХУЧШЪЪ;
- Б. АБВГДЕЁЖЗИЙКЛМНОПРСТУФХЦУЧШЪЪЮ;

В. АБВГДЕЁЖЗИЙКЛМНОПРСТУФХЦЧШЪЪЭЮЯЎҚҒҲ;
Г. АБВГВЕЁЖЗИЙКЛМНОПРСТУФХЧШЪЪЭЮЯ.

8. Қайси қаторда бўғин кўчириш қондаси тўғри амалга оширилган?

- А. о-па, Я-пония; В. тенг-дош, Қо-бил;
Б. син-гил, кўн-гил; Г. паль-то, ма-ъно.

9. Ёлик бўғинли сўзларни кўрсатинг.

- А. Раъ-но, Ка-ри-ма; В. На-му-на, Ҳа-ки-ма;
Б. Сар-дор, Ик-бол; Г. Ҳа-ли-ма, Са-ли-ма.

10. Ушбу сўз қайси қаторда имловий жиҳатдан тўғри ёзилган?

- А. Тажжубланмоқ; В. Таажубланмоқ;
Б. Таажжубланмоқ; Г. Таъжубланмоқ.

Такрорлаш учун тоншириклар

60-машқ. Шеърни ифодали ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларни фонетик таҳлил қилинг.

Муҳаббат – чиройли капалак,
Қўрқаман шўрликни тутгани.
Капалак кувганим ёдимда,
Ёдимда йўқ аммо етганим.

Юрагим ранжиган боладай
На эрмак, таскинга кўнади.
Муҳаббат – чиройли капалак,
Ҳали ҳам гулларга кўнади.

Ортидан ҳаллослаб чопаман,
Хижолат бўламан ғўрликдан –
Қанчалик югурмай, барибир
Оркада колардим шўрликдан. (Ш.Раҳ.)

61-машқ. Қуйидаги сўзларни алифбонинг ички тартибига ривоя қилиб ёзинг ва талаффузини изоҳланг.

1. Ер, ечим, ет, ертўла, ем, етук, ел, етмиш, еч, елим, енг, емоқ;
2. Ёғ, ёрқин, ёш, ёғду, ёв, ёнилғи, ёқа, ёнғоқ, ёпишқоқ, ёт, ёқимтой, ёй, ёп, ётоқ, ёр, ёстик, ён, ёруғ, ёйик, ёд, ёрдам, ёл, ёпик, ёз, ёндош, ёлғиз, ёвуз.
3. Юлдуз, ют, юкумли, юрак, юмуш, юзаки, ютук, юпанч, ювош, югурдак, юлғич, юрт, юмор, юқори, юпун, юмалок, юзма-юз;

4. Яктак, яшин, ялла, ягона, янтоқ, яхлит, ясама, якка, яйлов, якун, якин, яхудий, яъни, яхна, ярим, яёв, яхмалак, якқол, якшанба, яланглик, яшил, ялпиз, ялло, ялинмоқ, яширин, яра, япалоқ, ялқов, яғир, япон, ямоқ.

62-машқ. Сўзининг бошида, ўртасида ва охирида келган *Бб* ва *Дд* ундошига 6 тадан мисол топиб, уч устун шаклида ёзинг, талаффузи такқосланг, имлосига диққат қилинг.

Намуна:

<i>байрам</i>	<i>ибора</i>	<i>одоб</i>
...

<i>давр</i>	<i>шодлик</i>	<i>озод</i>
...

63-машқ. *нг* товуши олдидан унли ҳарф кўйиб, 4-6 та сўз ҳосил қилинг. Ҳосил бўлган сўзлар олдида бир ундош кўшиб, яна бошқа сўзлар ҳосил қилинг. Улар иштирокида гаплар тузинг.

Намуна: ...*нг* – *онг* – *тонг*

Баҳор тонгида қушларнинг сайраши ҳам мароқли.

64-машқ. Сўз ўртасида келган *н* ундоши талаффузда *м* эшитиладиган сўзларга 10-12 та мисол топинг. Улар иштирокида сўз бирикмаси ва гап тузинг.

Намуна: *танбеҳ*; *онамнинг танбеҳи*;

Онамнинг танбеҳи укаларимни ўзига келтирди.

65-машқ. Матни ўқинг. Маъно урғусини олган сўзларни аниқлаб, тагга чизинг. Маъно урғусининг аҳамиятини изоҳланг.

Буғилар эса эрталаб сув ичгани тушди. Қисқа куз куёши тоғ тизмаларининг ярмига кўтарилганда улар юқоридаги ўрмондан чиқиб келди. Куёш кўтарилган сари, пастда тоғлар ораси шунча ёруғ ва илиқ бўлиб борарди. Тунги ғавғодан сўнг ўрмон жонланган, нур ва бўёқлар жилва қилар эди. (Ч.А.)

66-машқ. Матбуот саҳифаларидан 4 та дарак гап танлаб, дафтарингизга ёзинг. Сўнгра ундаги гап бўлақларининг ўрнини алмаштириб ўқинг. Гапнинг мазмунида содир бўлган ўзгаришларни айтинг.

Орфография – тилдаги сўзларни, уларнинг таркибий қисмлари – ўзак, негиз, кўшимчаларни тўғри ёзиш, бош ҳарфларни тўғри ишлатиш, бўғинларни тўғри кўчириш ҳақидаги қоидалар йиғиндисидир.

Ўзбек тилида соф унли ҳарфлар 6 та. 4 та ҳарф (*е, ё, ю, я*) ёлашган унли ҳарфлар дейилади.

Аа унлиси

1. *Фан, тан, қанд, панд, сабр, жабр* каби бир бўғинли; *қалам, саман, галаба* каби 2-3 бўғинли сўзларда аниқ талаффуз этилади ва ёзилади.

2. *Баҳор, наҳор шамол, савол, аввал, май* март каби сўзларда ундош товушлар таъсирида *о* га мойилроқ айтилади, лекин *а* ёзилади.

3. *Муомала, муҳокама, мунозара, муносабат* каби сўзларда учинчи бўғинда *и* га мойилроқ айтилади.

Оо унлиси

1. *От, тош, қор, нон, жон, оқ, қош* каби бир бўғинли сўзларда; *омон, сомон, похол, нодон, қозон, бодом, оломон, ободон* каби 2 ва 3 бўғинли сўзларнинг ҳар бир бўғинида ёзилади.

2. *Очерк, опера, округ, орган, оптика ревизор* каби русча-интернационал сўзларнинг урғули бўғинларида ўзбекча *ў* товуши каби талаффуз этилади ва *о* ёзилади.

3. *Профессор, директор, трактор, механизатор, экскаватор, шкубатор* каби сўзларнинг охириги бўғинида *и* га мойилроқ айтилади, аммо *о* ёзилади.

Ии унлиси

1. *Бир, сир, биз, сиз, тил, дил, тиш* каби бир бўғинли сўзларда, *билан, бироқ, сира, чигит, пировардида* каби кўп бўғинли сўзларда қисқа *и* унлиси ишлатилади.

2. *Қир, қирғиз, гир-гир, гилоф, қизик, қингир, хизмат* каби сўзларда *қ, г, х* товушлари билан ёнма-ён келиб, каттикроқ айтиладиган *и* унлиси (русча, қирғизча *ы* га мойилроқ) ўрнида ёзилади.

3. *Вимпел, пилесос, виставка, ричаг, посилка* каби русча-интернационал сўзларда рус тилидаги **ы** ҳарфи ўрнида ишлатилади.

Ээ унлиси

Сўз бошида *элак, экин, эчки, эълон, эътироф, эътиқод* каби сўзларда; *поэма, поэзия, дуэл, дуэт, каратэ* каби интернационал сўзлар ўртасида ва охирида ишлатилади.

Ўзбекча сўзларда сўз ўртасида **э** ишлатилмайди.

Уу унлиси

1. *Гул, гувалак, гумбаз, гуноҳ, гуруч, кул, курак, кураш* каби сўзларда **г, к** товушлари билан ёнма-ён келиб, юмшоқ ва қисқа айтилади (қирғиз тилидаги **Ү** товуши каби талаффуз этилади).

2. **қ, з, в, х** каби товушлар билан ёнма-ён келган *қуруқ, гул-гула, қовун, ҳуқуқ, ўқувчи* каби сўзларда қаттиқ ва чўзик айтилади.

3. *Турсун, тузум, турмуш, тугун, буюк, уйқу, гумбур-гумбур* каби биринчи бўғинида **у** келган сўзларнинг иккинчи бўғинида ҳам **у** ёзилади.

Аммо тулки, кулги, тушики, қушичи каби сўзларнинг биринчи бўғинида **у**, иккинчи бўғинда **и** ёзилади.

Ўў унлиси

1. *Кўл, кўрна, кўкат, гўзал, гўшт* каби сўзларда қисқарок (қирғиз тилидаги **Ө** товуши каби) талаффуз қилинади.

2. *Ғўр, сўроқ, ўтин, тўсиқ, ўқи* каби сўзларда чўзиқрок талаффуз қилинади.

67-машқ. *Уу, Ўў* ҳарфларининг ҳар иккала ҳолатига 6 тадан мисол ёзинг.

Намуна: гул-кул, гўл-ғўр,
 кучук-қуруқ, кўмир-кўмиз.

14-§. Е, Ё, Ю, Я ҳарфлари ва уларнинг имлоси

Е, ё, ю, я ҳарфларининг ҳар бири иккитадан товушни билдиради: $\dot{y}+e=e$, $\dot{y}+o=\dot{e}$, $\dot{y}+y=ю$, $\dot{y}+a=я$. Шунинг учун уларни ёлашган (**й** лашган) унли ҳарфлар дейилади.

Ее ҳарфи

1. *Ер, ем, етти, елка, елим* каби сўзларнинг бошида; *объект, разъезд, страхование, телевидение* каби русча интернационал сўзларнинг ўртасида ва охирида **йэ** ўрнида ишлатилади.

2. *Кел, бел, кейин, керак, меҳр, меҳмон, телефон, театр, адрес, делегат* каби сўз ўрталарида келганда **э** тарзида эшитилади ва **е** ёзилади.

Ёё ҳарфи

1. *Ёғ, ёш, ёмғир, ёрдам, аёл, пиёз, пиёла, саёз, тайёр, ноёб* каби ўзбекча сўзларда; *приёмник, подъёмник* каби русча-интернационал сўзларда сўз бошида ва орасида **йо** товушларини билдиради.

2. *Майор, район, Нью-Йорк* каби айрим сўзларда **ё** эмас, **йо** ҳарфлари ёзилади. Бундай сўзлар жуда оз учрайди.

Юю ҳарфи

1. *Юк, юмуш, ютуқ, югур, юмшоқ, буюк, туюқ, июнь, июль* каби сўзларда сўз бошида ва ўрталарида **йу** товушларини ифодалайди.

2. *Бюджет, революция, брошюра, резолюция, миниатюра* каби сўзларда **у** товуш тарзида эшитилади, аммо **ю** ёзилади.

Яя ҳарфи

1. *Янги, яхши, январь, ягона, жиян, суюк, ноябрь, туя, куя* каби сўзларда **йа** товушларини ифодалайди.

2. *Отряд, сентябрь, октябрь, разряд* каби халқаро русча-интернационал сўзларда **а** тарзида талаффуз этилади, аммо **я** ёзилади.

68-машқ. Қуйидаги сўзлар иштирокида ёйик гаплар тузинг ва дафтарингизга ёзинг.

Емиш,	ёшлик,	ютук,	ягона,
Разъезд,	қуёш,	туюқ,	ноябрь.
Телевидение,	майор,	бюджет,	отряд.

69-машқ. Савол ва топшириқларга ёзма равишда жавоб беринг.

1. Ўзбек тилида [**ы**] товуши тарзида айтилиб, **и** ёзиладиган сўзларга мисол келтиринг ва изоҳлаб беринг.

2. Биринчи бўғинда *у* келиб, иккинчи бўғинда *и* қўлланиладиган сўзларни топинг.

3. Ўў ҳарфи икки хил талаффуз қилинадиган сўзларга мисоллар келтиринг.

4. Ёлашган унлиларни сананг. Уларнинг соф унлилардан фарқи нимада? Фикрингизни мисоллар асосида далилланг.

15-§. Айрим ундош ҳарфлар имлоси

Бб ҳарфининг жарангсиз жуфти – **Пп**.

Китоб, мактаб, жавоб, савоб, тартиб, голиб, араб каби сўзларда жарангсиз **п** ишлатилса ҳам, **б** ёзилади. Эгалик қўшимчаси **и** қўшилса **б** аниқ талаффуз қилинади: *китоби, жавоби, тартиби*.

Дд ҳарфининг жарангсиз жуфти – **Тт**.

Обод, озод, завод, шогирд, қанд, доклад, авлод каби сўзларда **д** жарангсизланиб **т** тарзида эшитилади, аммо **д** ёзилади.

Унли товуш билан бошланадиган қўшимча қўшилганда **д** аниқ талаффуз қилинади: *доклади, шогирди, авлоди, заводи* каби.

Цц ҳарфи ўзбекча сўзларда ишлатилмайди. Русчабайналминал *цирк, циркуль, цемент, революция, конституция* сўзларда **тс** товуши бирикмаси тарзида талаффуз қилинади. Латин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида **ц** ҳарфи ишлатилмайди.

Нн ҳарфи

1. Сўз ўртасида **б, п, м** товушлари билан ёнма-ён келганда **м** га мойилроқ айтилса ҳам, **н** ёзилади. Масалан, *сунбул, шанба, танбур, ёнбош, жонбоз, ватанпарвар, айланма, сайланма*.

2. **к, г, қ, ғ** товушларидан аввал келганда **нг** товушига мойил эшитилса ҳам, **н** ёзилади: *кўланка, тўнка, жингалак, янги, анқов, ёнгоқ, қўнгиروق* каби.

нг ҳарф бирикмаси

1. *Жанг, занг, дуранг, аранг, кўндаланг, ингра, тинглама, айтинг, кўнгил* каби сўзларда бир товушни билдиради, **н** ва **г** ҳарфларга ажратилмайди.

2. *Танга, конгресс, тангенс, инглиз* каби сўзларда ажрати-
либ айтиладиган *н* ва *г* тарзида ёзилади.

Хх ва хх харфлари

Хх–бўғиз товуши, *Хх*– тил орқа товуши бўлиб ҳисобла-
нади. *Ҳамма, ҳам, ҳандалак, муҳаббат, имтиҳон, ҳаёт, ҳукм,*
ҳусн, муҳим каби сўзларда *ҳ* юмшоқроқ талаффуз қилинади
ва бўғиз товуши - *ҳ* ёзилади.

Ҳат, ҳаёл, пахта, ихчам, халқ, хавф, хазина, ихлос, ихти-
ро каби сўзларда тил орқа *х* харфи ишлатилади.

Айрим сўзларда бу товушларни аралаштириб, адашти-
риб бўлмайди: *шоҳ (подшоҳ)–шоҳ (дарахт шохи) ҳил-ҳил*
(гарқ пишибди) – хил-хил (турли хил).

70-машқ. Нукталар ўрнига мос келадиган *х* ёки *ҳ* харфларидан бирини
кўйинг.

...ат	ил...ом	со...а	...унар
...аёт	и...лос	та...т	...ўроз
...аёл	исло...ат	та...лил	...ошия
...ажвия	и...тисос	та...мин	...уррак
...аракат	ла...та	та...дид	...осил
...аражат	ла...за	ту...ум	...улоса
...ато	фа...р	ту...мат	...аловат
...атто	фа...м	ту...фа	...осиятли

71-машқ. Сўз охирида ёнма-ён келган ундошларнинг охиригиси айтил-
маса ҳам, ёзувда сакланадиган сўзларга 12-14 та мисол келтиринг. Улар иш-
тирокида сўз бирикмаси ва гап тузинг.

Намуна: *хурсанд, дарахт, тўрт...; опамнинг хурсандлиги*
Опам хурсанд бўлганидан шошиб қолди.

72-машқ. Ўқинг. *Ц* харфи *тс* товушини билдирган сўзларни бир устун-
га, *с* товушини билдирган сўзларни эса иккинчи устунга ёзинг.

1. Греция, акация, акцент, диссертация, изоляция, концерт,
милиция, операция, офицер, прицеп, цитрус, дециметр, инфек-
ция, квитанция, цех, циркуль, цемент, лекция, принцип, реак-
ция, француз.

2. Акционер, аннотация, механизация, офицант, полиция,
коллекция, цилиндр, цитата, кварц, цирк, трапезия, функция,
фракция, федерация, фармацевт, энциклопедия, эмиграция.

Топшириқлар:

1. Бош ҳарф билан ёзиладиган отларнинг турини сананг.
2. Бир неча сўздан ташкил топган ташкилотлар, лавозимлар, унвонларнинг барча сўzlари бош ҳарф билан ёзиладиганларига мисол айтинг.
3. Бирдан ортиқ сўzлардан ташкил топган ташкилотлар, муассасалардан қайсыларининг фақат биринчи сўзи бош ҳарфлар билан ёзилиб, кейингилари кичик ҳарфлар билан ёзилади? Фикрингизни асослаш учун аниқ мисоллар келтиринг.

Бош ҳарфлар кўйидаги ўринларда ишлатилади:

I. Гап бошидаги биринчи сўз, шеърнинг ҳар бир сатри бош ҳарф билан бошланади.

II. Атокли отлар бош ҳарф билан ёзилади.

Кўйидаги отлар атокли отлар ҳисобланади:

1. Кишиларнинг исми, фамилияси, тахаллуслари, лақаблари: *Аюб Ғуломов, Чингиз Айтматов, Ғиёсиддин Кичкина, Лутфий, Ойбек* каби.

2. Уй ҳайвонлари, паррандаларга атаб кўйилган номлар: *Олапар, Бўтакўз, Чита, Макака* каби.

3. Планета, юлдуз, сайёралар номи: *Марс, Ҳулкар, Сатурн, Етти қароқчи* каби.

Э с л а т м а: *Ер, Қуёш, Ой* сўzlари планета маъносини билдиргандагина бош ҳарф билан ёзилади: *Ер қуёш атрофида, Ой эса Ер атрофида айланади.*

4. Географик номлар (мамлакат, шаҳар, туман, орол, қитъа, дарё, денгиз, кўл, чўл ва бошқалар номи): *Бишкек, Қирғизистон, Иссиқкўл, Оқбура, Осиё, Чукотка, Мирзачўл* каби.

5. Мамлакатлар, қитъалар кўшалок айтилса, ҳар иккала қисми ҳам бош ҳарф билан ёзилади: *Қирғизистон Республикаси, Марказий Осиё, Жанубий Америка.*

6. Халқаро ташкилотлар, давлат ташкилотларининг ҳар бир сўзи бош ҳарф билан ёзилади: *Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Иттифоқи* каби.

7. Муҳим расмий ҳужжатлар ва йиғилишларнинг номларини билдирувчи ҳар бир сўз бош ҳарфлар билан бошланади. *Қирғизистон Конституцияси, Умум Европа Кенгаши.*

8. Олий давлат мансаби ва олий фахрий унвонларни билдирувчи сўзларнинг ҳар бири бош ҳарф билан ёзилади. *Қирғизистон Президенти, Қирғизистон Бош Вазир, Қирғизистон Қаҳрамони, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Котиби.*

9. Академиялар, олий ўқув юртлари, илмий муассасалар, мактаблар, театр, кинотеатр, музейлар, завод, фабрика, боғлар, китоб номлари, газета, журнал, нашриёт номлари, спорт клублари кабиларнинг номлари: *Ўш Давлат университети, «Ватан» кинотеатри, Ботаника институти, «Ўш садоси» газетаси, «Шарқ юлдузи, журнали, «Хамса» асари, «Қутлуг қон» романи, «Рухлар исёни» достони, «Олай» командаси, «Динамо» клуби ва бошқалар.*

10. *Аллоҳ-Оллоҳ* (арабча), *Худо, Парвардигор* (форстожикча), *Тангри* (турк-мўғулча) каби борлиқни яратувчининг турли тиллардаги исми бош ҳарф билан ёзилади. *Аллоҳ* ўрнида ишлатилган кишилик ва ўзлик олмошлари ҳам бош ҳарф билан ёзилади: *Яратгучининг Ўзи...*

11. Юксак ҳурмат маъносини билдирувчи *Сиз, Ўзингиз* каби олмошлар бош ҳарф билан ёзилади: *Барчамиз, Сиздан миннатдормиз. Умидимиз Ўзингиздан* каби.

Изоҳ. Китобларда, газета ва журналларда йирик сарлавҳалар бир хил йирик шрифтлар (катта ҳарфлар) билан ёзилади, сарлавҳа охирига нуқта қўйилмайди.

73-машқ. Қуйидаги матидаги айрим сўзларнинг нима учун бош ҳарф билан ёзилганлигини изоҳлаб беринг.

1959 йил 20 ноябрда БМТ Бош Ассамблеяси Болалар ҳуқуқлари декларациясини қабул қилди. 1979 йил Халқаро болалар йили деб эълон қилинди.

1989 йил 20 ноябрда БМТ Бош Ассамблеяси Болалар ҳуқуқлари конвенциясининг матнини қабул қилди. 20 давлат ратификациясидан кейин 1990 йил сентябрда Бола ҳуқуқлари конвенцияси халқаро ҳуқуқ сифатида кучга кирди.

Қирғизистонда Бола ҳуқуқлари конвенцияси 1994 йил 12 январда Олий Кенгаш мажлисида ратификация қилинди.

(Газ.)

74-машқ. Республикамиз ҳудудидаги халқаро ташкилотлардан 10 тасининг номини имло қоидаларига мувофиқ тарзда ёзинг.

17-§. Сўз ясаллиши ва имло

Топширик:

Дехқончилик, гумонсирамоқ, эътиборсизлик, бежавотирлик, яхшилик, серобгарчилик сўзларининг қандай ясалганлигини тушунтиринг ва уларнинг асосини толинг.

Сўз таркибида сўзнинг таркибий тузилиши ўрганилади. Сўз таркибига ўзак, негиз ва қўшимчалар киради. Сўз таркиби маълум даражада имло (орфография) бўлимига ҳам боғлиқ.

Сўзнинг қандай маъноли қисмлардан ташкил топиши сўз таркиби саналади. Сўзнинг энг кичик маъноли қисми морфемадир. Морфемалар вазифаси ва сўздаги ҳолатига кўра 2 хил бўлади.

1. Ўзак морфема ёки асосий морфема.

2. Қўшимча морфемалар – аффикслар ёки ёрдамчи морфемалар.

Ўзак сўзнинг луғавий маъносини билдирувчи асосий қисм бўлиб, у маъноли бўлақларга бўлинмайди. Шунинг учун сўзнинг асосини ташкил этади.

Негиз – сўзнинг ўзак ва сўз ясовчи қўшимча билан бирга ҳосил бўлган қисмидир, яъни ўзак ва сўз ясовчи қўшимча негизни ҳосил қилади. Агар ўзакдан кейин икки ва ундан ортиқ сўз ясовчи қўшимча қўшилса, негизнинг чегараси охириги сўз ясовчи қўшимчадан бошлаб олинади.

Қўшимча морфемалар етакчи морфемаларга қўшилиб, ундан янги маъно ҳосил қилади ёки унинг шаклини ўзгартиради. Масалан: *Гўзал лоззорларга қарайман.*

1) *гўзал* – факат бир морфема, ўзакдангина иборат;

2) *лозорларга* – тўртта морфема бор: асосий морфема – *лола*; *-зор*, *-лар*, *-га* қўшимча морфемалардир;

3) қарайман – учта морфема бор: қара – ўзак, -й, -ман – кўшимчалар.

Кўшимчалар 3 турга бўлинади:

1. Сўз ясовчи кўшимчалар.
2. Шакл ясовчи кўшимчалар.
3. Сўз ўзгартирувчи кўшимчалар.

75-машқ. Матни кўчиринг. Сўзларни маъноли қисмларга ажратиб, ўзак ва кўшимча морфемаларни изоҳланг.

Чин, мукамал тарбияли инсон бошқаларга ҳеч бир озор етказмайди, такаббурлик қилмайди, ҳеч кимга ҳақорат кўзи билан қарамайди, ёлғон сўзламайди, ростгўй бўлади. Ўзидан катталарга хурматли, кичикларга шафқатли, марҳаматли, кулар юзли, ширин сўзли ва хушмуомала бўлади. Ваъдасига вафо қилади, омонатга хиёнат қилмайди. Иғво, ғийбат, мунофиқликдан ўзини сақлайди. Ота-онасининг хурматини бажо келтиради. Қариндош-уруғлардан алоқасини узмайди, уларга меҳру муҳаббатли бўлади, кўшнилари ранжитмайди, улар билан яхши муросада бўлади. (X.)

76-машқ. Кўчиринг. Кўшимчаларни белгилаб, турларини айтинг.

1. Ҳовлимизнинг ўртасидаги катта ариқдан сув шариллаб оқади. 2. Сиддикжон беҳиларнинг ҳаммасини йиғиштириб олди. (A.Қ.) 3. Қўрқокнинг кўзи катта, аҳмоқнинг сўзи катта. (M.) 4. Кумушбиби энди ўн еттини қўйиб, ўн саккизга қадам босганликдан бўйи ҳам онасига етаёзган, аммо жуссаси онасидан кўра тўларок эди. (A.Қод.) 5. Тун ойсиз бўлса ҳам, юлдузлар акс этган фируза гумбазлар аллақандай кўкниш жило тараптиб, ялтиллаб турарди. (O.Ё.)

18-§. Сўз ясовчи кўшимчалар

Сўз ўзагига қўшилиб, ундан янги сўз ҳосил қилувчи кўшимчаларга сўз ясовчи кўшимчалар дейилади.

Иш – от, *иш+чи* – шахс оти, *иш+ла* – феъл

Тил – от, *тил+шунос* – шахс оти

Бўя–феъл, *бўёқ*–от (*бўя+қ*–*бўёқ* я товуши *ё га* айланади).

Баъзан бир ўзакка бир неча сўз ясовчи кўшимчалар ҳам

кўшилиши мумкин. У вақтда янги пайдо бўлган сўздан яна янги сўз ҳосил бўлади. Масалан, *ўқитувчилик* – сўзида 5 та морфема бор: *Ўқи-т-ув-чи-лик*. Сўзнинг ўзаги *ўқи* (фeъл); **-т** – шакл ҳосил қилувчи кўшимча, фeълнинг орттирма даражасини ҳосил қилади; **-ув** – ҳаракат номини ясовчи кўшимча – *ўқитув* – ҳаракат номи ҳосил бўлди; **-чи** – сўз ясовчи кўшимча кўшилиб, шахс оти ҳосил бўлди; **-лик** сўз ясовчи кўшимча, яна касб (белги) оти ҳосил бўлди, шахс оти йўқолди.

Ясовчи кўшимчалар содда ва кўшма бўлади. *Гулчилик* сўзида *гул* – ўзак, **-чи**, **-лик** ҳар иккаласи алоҳида содда сўз ясовчи кўшимчалар. Аммо *қийинчилик*, *кўпчилик*, *камбағалчилик*, *совуқчилик* каби сўзларда **-чилик** кўшимчаси ажратилмайди. *Одамгарчилик*, *исрофгарчилик*, *лойгарчилик*, *бе-мазагарчилик* каби сўзларда **-гарчилик** кўшимчаси ягона сўз ясовчи кўшимча бўлиб ҳисобланади.

Ҳар бир сўз туркумининг ўзига хос ясовчи кўшимчалари бўлади. Шундай кўшимчалар ҳам борки, улар турли ўринларда турли вазифаларни бажаради. Масалан: **-ма** кўшимчаси *сузма*, *чўзма*, *қатлама*, *димлама* каби сўзларда фeълдан от ясайди; *осма* *кўприк*, *ёзма иш*, *бурама қанд* каби сўз бирикмаларида эса фeъл (*ос*, *ёз*, *бура*) дан сифат ясайди.

Югурма, *ўйнама*, *чалма* каби сўзларда фeълнинг бўлиш-сизлик шаклини ҳосил қилади. Шунинг учун бу ўринда **-ма** кўшимчаси сўз ясовчи эмас, шакл ясовчи кўшимча вазифасида келмоқда.

Эслатма: Фeълдан от ясовчи **-қ** кўшимчаси кўшилганда ўзакда куйидаги фонетик ўзгаришлар содир бўлади ва та-лаффузига биноан ёзилади: *тара+қ* – *тароқ*, *тирна+қ* – *тирноқ*, *сана-қ* – *саноқ*, *бўя+қ* – *бўёқ* каби. Отдан фeъл ясовчи **-а** кўшимчаси кўшилганда ҳам ўзакда ўзгариш содир бўлади: *сон+а* – *сана*, *ёш+а* – *яша*.

77-машк. Кўчиринг. Сўзларни маъноли қисмларга ажратинг. Уларнинг қандай ажралишини тушунтириб беринг.

Намуна: *кутубхоначилик* – *кутубхона-чи-лик*;

ўртоқчилик – *ўртоқ-чилик* (бу ўринда **-чи+лик** ажратилмайди: *ўртоқчи* деган сўз йўқ, **-чилик** битта кўшимча).

1. Ёғингарчилик, ипакчилик, озчилик, паррандачилик, тўқчилик, сувоқчилик, ғаллачилик, боғдорчилик, узумчилик, исрофгарчилик, чорвачилик, мевачилик деҳқончилик.

2. Ялтирамоқ, ҳарсилламоқ, шақирламоқ, зирилламоқ, дўрилламоқ, чарсилламоқ, вишилламоқ, чиркилламоқ, гурилламоқ.

78-машк. Қуйидаги шахс оти ва буюм-нарса оти ясовчи қўшимчалар ёрдамида намунадаги каби сўзлар ясанг. Ясаган сўзларингиз иштирокида 6 та содда ёйиқ гап тузинг.

- чи: навбатчи, ..., ..., ..., ...; - дош: суҳбатдош, ..., ..., ...;
- кор: пахтакор, ..., ..., ...; - каш: аравакаш, ..., ..., ...;
- шунос: тилшунос, ..., ...; - гич (-кич, -қич, -ғич):
қирғич, ...;
- вул: қоровул, ..., ...; - қ: тирноқ, ..., ..., ...;

79-машк. Матнини ўқинг. Қўшимчаларни топиб, турларини аниқланг.

Абдулла Қаҳҳорнинг ўзига хос хислатларидан яна бири шу эдики, у киши то айтадиган сўзларини қоғозга туширмасалар, кўнгилга тугиб қўйган гаплари бўлмаса, минбарга чиқмас эдилар... Тайёргарлик кўрмасдан бирон маротаба минбарга чиққанларини билмайман. Бу, албатта, минбарга чиққанда қоғозга қараб гапирар экан, деган маънони англамаслиги керак. Абдулла Қаҳҳор доимо қоғозсиз гапирардилар. Аммо минбарга чиқиб айтадиган сўзларини «етти ўлчаб, бир кесиб», кўнгиллари тўлгачгина айтар эдилар. Бу ўша аудиторияга нисбатан ҳурмат саклашнинг аломати эди. (*К. Қаҳҳорова*)

19-§. Шакл ясовчи ва сўз ўзгартувчи қўшимчалар

Сўз ўзагига қўшилиб, янги сўз ҳосил қилмайдиган, унинг маъносига қўшимча маъно юклайдиган қўшимчаларга шакл ясовчи қўшимчалар дейилади.

- **лар**: кўпликни билдиради: *одамлар, китоблар*.

- **ча, -чоқ, -жон, -хон**: кичрайтириш, эркалаш учун ишлатилади: *қуёнча йигитча, қўзичоқ, тойчоқ, акажон, онахон*.

- **роқ, -иш, -имтир (-мтир)**, **-гиш** сифатларга қўшилиб, даражасини билдиради: *каттароқ, оқши, кўкимтир, қорамтир*.

сарғиш (*сарик* сўзига **-иш** кўшимчаси кўшилганда, ўзакда фонетик ўзгариш содир бўлади).

-та, -тадан, -тача, -ала, -лаб кўшимчалари сонга кўшилади: *бешта, иккитадан, ўнтача, учала, юзлаб*.

-гунча (-кунча, -қунча), -гач (-кач, -қач) -гани (-гали) феълларга кўшилади: *боргунча, чиққунча, ўтиргач, теккач, ўқигани, тергали*.

Сўз ўзаги ёки шакл ясовчи кўшимчалардан сўнг қўлланилиб, бир сўзни иккинчи сўзга боғлаш учун хизмат қилувчи кўшимчаларга сўз ўзгартирувчи кўшимчалар дейилади.

Сўз ўзгартирувчи кўшимчалар қуйидагилар:

- 1) келишк кўшимчалари; 2) эгалик кўшимчалари;
- 3) шахс-сон кўшимчалари.

80-машқ. Қуйидаги шакл ясовчи кўшимчалар ёрдамида сўзлар ясанг ва шу сўзлар иштирокида гаплар тузинг.

- лар, -ча, -чок, -рок, -иш, -имтир (-мтир), -ғиш -та, -тадан, -тача, -ала, -лаб, -гунча (-кунча, -қунча), -гач (-кач, -қач) -гани, -жон, -хон.

81-машқ. Кўчиринг. Сўз ясовчи кўшимчалар остига бир чизик, шакл ясовчилар остига икки чизик, сўз ўзгартирувчи кўшимчалар остига тўлқинли чизик чизинг.

Ишчанликнинг мукофоти ўзи билан. ҳаракат қилиш, яратиш, вазият билан курашга киришиш, уни енгиш ёки ўзини енгилган ҳис қилиш, мана, қувонч қаерда; инсоннинг бутун сихат-саломатлиги ҳам мана шунда! (Э.Золя)

82-машқ. Матнни ўқинг. Сўз ўзгартирувчи кўшимчаларни топиб, турларини аниқланг.

Хунарнинг афзаллиги ва қадри ҳақида

Эй фарзанд, огоҳ бўлким, хунарсиз киши ҳамма вақт фойдасиз бўлур ва ҳеч кимга фойдаси тегмайди. Худди танаси бору, сояси йўқ тиконли бутага ўхшайди, ўзига ҳам, ўзгага ҳам фойдаси тегмайди... Агар киши олий насаб бўлса-ю, хунари бўлмаса, халойикнинг иззат ва ҳурматидан маҳрум бўлади. Агар ҳар кимда насаб гавҳари ҳам, хунар безаги ҳам бўлмаса, ундан баттарроқ бўлади. Агар табиатинг ҳар қанча асл бўлса

хам, унга мағрур бўлмагил, чунки тан гўзаллиги хунар безаги билан зийнатланмаса, ҳеч нарсага арзимаиди. Масалан, деб-дурларким, улуғлик ақл ва билим биландир, насл-насаб билан эмас. Ота-онанг қўйган отларига мағрур бўлмагил, бу от фақат ташки кўринишдан бошқа нарса эмас...

Агар киши насл-насабли бўлса-ю, хунар зийнати бўлмаса, у киши ҳеч кимнинг суҳбатига муносиб бўлмайди. Бу икки гавҳарга эга бўлган кишини топсанг, этагидан ушла, қўлдан чиқарма, бундай киши ҳамманинг ҳожатини чиқаради. («Қ.»)

83-машқ. Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини айтинг.

1. Қайси каторда сўз ясовчи аффикслар иштирок этган?

- А. -ла, -сиз, -лаб, -она; Б. -лар, -ой, -хон, -ев;
В. -ни, -зор, -нинг, -ла; Г. -га, -истон, -гача, -ой.

2. Шакл ясовчи аффикслар қайси каторда кўрсатилган?

- А. -ла, -чан, -лаб, -сер, -ч; Б. -но, -хон, -ой, -жон, -ев;
В. -ли, -га, -гача, -ба, -та; Г. жавоблар нотўғри.

3. Сўз ўзгартирувчи қўшимчалар қайси каторда берилган?

- А. -лар, -им, -м, -ли, -чан; Б. -она, -лаб, -на, -нгиз, -хам;
В. -нинг, -ни, -га, -да, -дан; Г. -илдоқ, -нг, -мас, -ий, -вий.

4. Ошқозон, ошқовоқ сўзлари қандай сўزلардан ҳосил бўлган?

- А. От+феъл; Б. От+сифат;
В. Сифат+от; Г. От+от.

5. Сизнинг, менга, гулни сўзларида қандай қўшимчалар мавжуд?

- А. Сўз ясовчи; Б. Сўз ўзгартирувчи;
В. Шакл ҳосил қилувчи; Г. Келишик.

6. Қайси катордаги сўзлар ясовчи қўшимчалар билан келган?

- А. Ишчан, кучли, серғайрат; Б. Ўқидим, ёздинг, бордик;
В. Боғни, мактабга, шаҳардан; Г. Болалар, бешта, ўқишди.

7. Қайси катордаги сўзлар шакл ясовчи қўшимчалар билан келган?

- А. Ўқувчилар, севин, саккизта, ёзди;
Б. Кучли, овчи, ўринбосар;
В. Белбоғ, оқўрик, атиргул;
Г. Ватан, мамлакат, ўлка.

8. Мактабдан, қишлоққа, кўчада сўзларида қандай қўшимчалар мавжуд?

3. *з, к, э, қ* товушлари билан битган сўзларга *з* билан бошланадиган кўшимчалар қўшилганда ўзакда ҳам ўзгариш ҳосил бўлиши мумкин. Талаффузига қараб ёзилади: *тег+ган = теккан, эк+гин = эккин, ёг+га = ёққа, тог+га = тоққа, қишлоқ+га = қишлоққа, ётоқ+га = ётоққа* каби. Аммо *з* билан битган айрим сўзлар, киши отлари, географик номларда ўзгариш бўлмайди: *митингга, педагогга, Оренбургга* каби.

Эг (шоҳниэг) буйруқ феълга *-гин* кўшимчаси қўшилганда ҳам, истисно тарзда *эггин* ёзилади.

4. *к, қ* товушлари билан битган сўзларга эгалик кўшимчаси қўшилганда, *к* товуши *з* га, *қ* товуши *ғ* га айланиб талаффуз этилади ва шундай ёзилади: *қишлоқ+и – қишлоғим, ўртоқ+и – ўртоғим, юрак+и – юрағи, тилак+и – тилағи.*

Аммо *ток, чек, нок, кўк, цирк, шарқ, фарқ, ўқ, уфқ* каби бир бўғинли; *иттифоқ иштиёқ, фироқ, нифоқ, иштирок* каби икки ва ундан ортик бўғинли сўзларга эгалик кўшимчаси қўшилганда, ўзакда ўзгариш бўлмайди: *токи, чеки, ноки, цирки шарқи, фарқи, уфқи, иттифоқи, иштироки.*

5. *Мен, сен* кишилиқ олмошларига *-нинг, -ни, -ники* кўшимчалари қўшилганда, бир *н* товуши айтилмайди, тушиб қолади ва шундай ёзилади: *менинг, мени, меники, сенинг, сени, сеники.*

У, бу, шу каби олмошларга *-га, -да, -дан, -дай, -чи* кўшимчалари қўшилганда айтилишига биноан битта *н* қўшиб ёзилади: *унга, бунга, шунга, унда, бундан, шундай* каби.

6. Феълларда орттирма нисбат ясовчи кўшимча *-дир кел* сўзидан бошқа жарангли ундош билан битган сўзлардагина *-дир* шаклида ёзилади: *ёздир, ёндир, олдир, тердир, билдир, қондир, қиздир* каби.

Аммо жарангсиз ундош билан тугаган бир бўғинли, жарангли ва жарангсиз ундошлар билан тугаган кўп бўғинли сўзларда *-тир* шаклида ёзилади: *келтир, ўстир, уқтир, эшиттир, эктир, чўмилтир, кўкартир, кучайтир* каби.

7. *-ли* – сифат ясовчи кўшимча, *-лик* – белги отини ясовчи кўшимча. Уларни аралаштирмаслик керак.

-ли: *ақлли бола, мевали дарахт, қизиқарли китоб;*

-лик:

1) белги отини билдиради: *ёшлик, дўстлик*;

2) ўринга муносабатни билдиради: *Бишкеклик, Ўшлик, шаҳарлик, Жалолободлик, қишлоқлик*;

3) хослик, мўлжал ва ўлчов маъноларини билдиради: *бир литрлик (идиш), кўрпалик (материал), ўн сўмлик (пул)*.

8. Фамилияни билдирувчи *-ов, -ев, -ова, -ева* кўшимчалари.

1) Ундош товушлар билан битган исмларга *-ов, -ова* кўшилади: *Комилов, Тургунова*.

2) Унли товуш билан ва *ш* товуши билан битган исмларга *-ев, -ева* кўшилади: *Валиев, Лутфуллаева, Хайруллаев, Эргашева, Қўлдошева*.

9. **б** товуши билан бошланадиган *-боз, -бон* сўз ясовчи кўшимчалари ҳозирги талаффузда *-воз, -вон* шаклида айтилса ҳам, *-боз, -бон* тарзида ёзилади: *дорбоз, беданабоз, қогозбоз, майнабозчилик, богбон, дарвозабон, тарозибон*. Аммо *-бачча* кўшимчаси ҳозирги талаффузга мувофиқ *-вачча* шаклида айтилади ва ёзилади: *аммавачча, холавачча, тоғавачча* каби.

85-машқ. «Қирғизистоннинг бугуни ва эртаси...» мавзусида қисқа ҳажмли эссе ёзинг. Ҳамфикр дўстингиз билан биргаликда матнни ўқиб, муҳокама қилинг ҳамда охириги жумлангиздаги ўзак ва кўшимчаларини белгиланг.

86-машқ. Ўзингиз ёқтирган адиб асаридан 10-12 жумладан иборат парча танлаб кўчириг. Сўзнинг ўзагига кўшимчалар кўшилганда ўзакда ва кўшимчаларда ўзгаришлар содир бўлган ҳолатларни белгиланг.

21-§. Қўшма сўзлар ва сўз бирикмалари имлоси

Топшириқ:

Ўнг ва чап устундаги сўзларни ўқинг. Улар бир-биридан нимаси билан фарқ қиляпти ёки қайси жиҳати билан бир-бирига ўхшаяпти? Фикрингизни далилланг.

Жанубий Қирғизистон

Қирғизистоннинг жануби

Марказий Осиё

Осиёнинг маркази

Кўзойнак

Деразанинг кўзи

Шаҳри азим

Катта шаҳар

Бирдан ортиқ сўзларнинг бирикувидан ҳосил бўлган сўзлар қўшма сўзлар дейилади: *белбоғ, ошқозон, гулто-*

жсихӯроз, Марказий Осиё, қишлоқ хўжалиги, ўқиб чиқиб, бериб юборди.

Қуйидаги ҳолатларда қўшма сўз қисмлари қўшиб ёзилади:

а) бир тушунчани ифодаловчи ва бир урғу билан айтиладиган қўшма отлар: *кўзойнак, ойболта, тошбақа, уртўқмоқ, былакузук, гултожсихӯроз;*

б) иккинчи қисми **-ар** қўшимчали сифатдошдан иборат бўлса: *отбоқар, туякўмар, ўринбосар, тинчликсевар, бешиктерватар* каби;

в) иккинчи қисми турдош отлардан бўлган географик номлар: *Қорасув, Жалолобод, Сирдарё, Олтинкўл, Иссиқкўл, Қизилқия, Янгибозор* каби;

г) таркибида умум, бутун, аро сўзларидан бири бўлса: *умумхалқ, бутуниттифоқ, халқаро, ўзаро;*

Эслатма: *Умум Европа, Бутун Россия* каби иккинчи қисми атокли отдан иборат бўлган сўзлар ажратиб ёзилади.

Қуйидаги қўшма сўзлар ажратиб ёзилади:

1. Таркибида кариндошлик, касб, лақаб ва бошка хил изоҳловчили сўзлар: *Юсуф ота, Анор хола, Сора чевар, Аҳмад қассоб, Ислом шоир, Аваз кўккўз, Раим каранда, Эргаш найчи.*

2. Сифат ва атокли отлардан тузилган географик номлар: *Ўрта Осиё, Жанубий Африка, Шимолий Кавказ, Фарбий Европа.*

3. Икки отдан тузилган сифатлар: *бодом қовоқ (қиз), ҳаво ранг, жигар ранг, қўй кўз, гўза пўчоқ.*

4. Сифатнинг олдига айрим сўз қўшиш йўли билан ҳосил бўлган қўшма сифатлар: *оч қизил, тўқ сариқ, тим қора, жикқа хўл, ланг очик, ним пушти.*

5. Сон ва сифатдан ташкил топган қўшма сифатлар: *тўрт бурчакли, олти қиррали, икки хонали, бир жинсли.*

6. Изофали сўзлар: *нуқтаи назар, ойнаи жаҳон, таржимаи ҳол, курраи замин, базми жамиид.*

7. Мураккаб сонни ифода этувчи сонлар: *ун икки, уч юз эллик, йигирма биринчи аср.*

8. Касрли сон таркибидаги сўзлар: *икки ярим, ўндан уч.*

9. Қўшма феъллар: *бориб келди, ўқий бошлади, кириб кела бошлади.*

Аммо биринчи қисм *а* билан тугаган, иккинчи қисми *о* билан бошланган қўшма феълларда *а* унли тушиб қолганда, кўшиб ёзилади: *айта+олди – айтолди, кўра+олмади – кўролмади.*

10. Иккинчи қисм тўлиқсиз феъл (*эди, экан, эмиш, эмас*) бўлган қўшма сўзлар: *айтилган эди, кўрган эди, билар эмиш, бўлинган эмас.* Аммо кўмакчи феълдаги *э* товуши тушиб қолганда, кўшиб ёзилади: *борар эди – борарди, билар экан – биларкан, бўлинган эмас – бўлинганмас.*

11. От, сифат, сон, равиш, олмошдан олдин келадиган *ҳар, ҳеч, бир, гайри, барча, ҳамма, баъзи, каби* сўзлар: *ҳар ким, ҳеч қачон, бир неча, гайри қонуний.*

Аммо биратўла, бирваракайга сўзлари ҳамда *алла-, қай-* элементлари билан келган сўзлар кўшиб ёзилади: *аллаким, қайҳолда, алланима, қайбир.*

Сўз бирикмалари қўшма сўз бўлолмайди, чунки улар икки тушунчани билдиради: *рангли қалам, кулиб гапирди.*

87-машқ. Қўшма сўзлар иштирокида шу куннинг долзарб масалаларига доир киска хажмли эссе ёзинг. Уларнинг сўз бирикмасидан фаркли жиҳатларини изоҳланг.

88-машқ. Матбуот саҳифаларидан 8 та қўшма сўз танлаб олиб, дафтарингизга ёзинг. Қўшма сўзларнинг имлосига диққат қилинг ва сўз бирикмаларидан фаркли жиҳатларини айтиб беринг.

22-§. Жуфт ва такрорий сўзлар имлоси

Жуфт ва такрорий сўзлар орасига чизикча қўйилади: *ёш-қари, кун-тун, қишин-ёзин, ҳақ-ноҳақ, бўлар-бўлмас, катта-катта, кўп-кўп, қоп-қоп, бориб-бориб* каби.

Жуфт сўзлар орасида *-у (-ю)* боғловчиси ишлатилса, чизикча қўйилмайди, ажратиб ёзилади: *ёшу қари, куну тун, каттаю кичик.*

89-машқ. Қўшилиб ёзиладиган, ажратиб ёзиладиган ва чизикча билан ёзиладиган қўшма ва жуфт сўзларга 20 тадан мисол ёзинг.

90-машқ. Саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. Сўзлар тузилишига кўра неча турли бўлади?
2. Қўшма сўзлар деб нимага айтилади?
3. Қўшма сўзлар қандай ҳосил бўлади?
4. Қайси ҳолатларда қўшма сўзлар ажратиб ёзилади?
5. Қўшма сўзлар жуфт ва такрорий сўзлардан қандай фарқланади?
6. Қўшма сўз билан сўз бирикмаларининг ўртасидаги фарқ нимада? Ҳар бирига мисоллар келтиринг.
7. Қачон жуфт сўзлар ўртасига чизикча қўйилмайди?

23-§. Иншолар қандай ёзилади?

Иншо ўқувчининг ижодий ишидир. Иншо мавзуси қандай бўлишидан катъи назар, унга ҳар томонлама пухта тайёрланиш керак.

Иншолар максадига кўра 2 хил бўлади.

1. Таълимий иншо, яъни ўрганиш учун ёзиладиган иншолар. Булар мактабда ва уйда ёзилиши мумкин.

2. Назорат иншо (контрол иншо). Булар чорак охирида, ўқув йили охирида, имтиҳонларда, олимпиадаларда ёзилиши мумкин.

Мавзу хусусиятларига кўра иншолар 3 турли бўлади.

1. Адабий мавзудаги иншо. Адабиёт фани дастури асосида ўтилган маълум бир мавзу бўйича ёки бирор адибнинг асарлари юзасидан ёзилади. Масалан, *«А.Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида Ширин тимсоли»*.

2. Адабий-ижодий иншо. Адабиёт дастуридан ташқари ўқувчи томонидан ижодий равишда ўқиб ўрганилган материаллар асосида ёзилади. Масалан, *«Бобур лирикасини севиб ўқийман»*; *«Увайсий шеъриятидан олган таассуротларим»* каби.

3. Ижодий (эркин) мавзудаги иншо. Табиат, жамият, санъат асарлари, тарихий воқеа-ҳодисалар асосидаги таассуротлар баёни. Масалан, *«Она – муқаддас инсон»*, *«XXI аср ёшлари қиёфаси ҳақидаги ўйларим»* каби.

Битирув имтиҳонларида ҳар учала мавзудан бир ёки иккитадан мавзу танланиб, вариантлар тузилади.

Иншо режалари

Танланган мавзунинг ёритиш учун керакли материаллар тўплангач, уларни изчиллик билан баён қилиш мақсадида режа тузилади. Иншонинг мазмунли ва мантиқан рагон ёзилишида тўғри тузилган режанинг аҳамияти каттадир.

Иншо режалари 2 хил бўлади: содда режа ва мураккаб режа.

Содда режа кўпинча куйи синфларда тузилади. Юқори – 9-11- синфларда мураккаб режа тузиш тавсия қилинади.

Ҳар қандай иншо мазмунан уч қисмдан иборат бўлади: 1) кириш, 2) асосий қисм, 3) хулоса.

Ана шу уч қисм иккала турдаги режада ҳам ўз ифодасини топиши зарур. Мавзу мазмунини ёритишдан аввал фикрий тайёргарлик бўлади. Сўнг асосий мазмун баён қилинади ва айтилган фикр хулосаланади.

Содда ва мураккаб режа намуналари

Адабиёт фанидан «*Аҳмад Яссавий ҳикматлари*» мавзусидаги иншо режасининг икки турига диққат қилинг.

Содда режа

1. *Аҳмад Яссавий – атоқли мутасаввуф шоир.*
2. *Яссавий ҳикматларининг асосий гоялари.*
3. *Яссавий ҳикматларининг аҳамияти.*

Мураккаб режа

1. *Кириш: «Туркистон мулкининг шайхул намоёнши»*

(А.Н.)

II. Асосий қисм:

1. *Яссавий ҳикматларининг яратилиши.*
2. *Ҳикматларининг тематикаси (мавзуси): поклик ва покизалик, илоҳий ишқу муҳаббат, саҳоват ва эзгулик.*
3. *Яссавий ҳикматларининг тили ва бадий хусусияти.*

III. *Хулоса: Яссавий ҳикматларининг тарихий -тарбиявий аҳамияти.*

Мураккаб режанинг ҳар учала қисмларини ҳам кенгайтириш мумкин. Кириш қисми ҳам 2-3 пунктдан, асосий қисм 5-6 пунктдан иборат бўлиши мумкин. Иншонинг ўзи ижодий иш бўлганидек, унинг режалари ҳам эркин ва ижодийдир.

Режадаги тиниш белгиларининг ишлатилишига ҳам эътибор беринг.

Режа

(ўртага бош ҳарф билан ёзилади ва ҳеч қандай тиниш белги қўйилмайди).

Содда режада ҳар бир пункт олдидан араб рақами қўйилади. Унга нукта қўйилиб, режа бош ҳарф билан бошланади ва ҳар бир пункт охирига ҳам нукта қўйилади.

Мураккаб режада рим рақами билан ёзилади:

I. Кириш: 1.

2.

II. Асосий қисм: 1.

2.

3.

4.

III. Хулоса: 1.

2.

Иншо ҳажми

Иншонинг ҳажми юқори синфларда (10-11) мавзу моҳиятига қараб, тахминан 4-5 саҳифадан 7-8 саҳифагача бўлиши мумкин. Иншонинг 70-75 фоизи асосий қисмни ёритишга қаратилади. Кириш ва хулоса қисмлари эса 25-30 фоиздан ошмаслиги керак.

Иншони баҳолашда асосий эътибор унда мавзунинг қай даражада ёритилишига қаратилади. Иншо қанчалик ихчам, мазмунли бўлса, сўзлар ўз ўрнида ишлатилса, ўқувчи фикрини ўз сўзлари билан саводли ифода эта олган бўлса, ундай иншо ижобий баҳоланади. Китоблардан кўчириб ёзилган иншо баҳоланмайди.

91-машк. "Навоий лирикасида инсонпарварлик ғояларининг тараққиоти", "Аждодларимиз мероси – кадрятларимиз асоси", "Куч бирликда", "Яхшилик ерда қолмас", "Миллатлараро дўстлик – улуғ бойлик" каби мавзулар бўйича содда ва мураккаб режалар тузинг. Мавзулардан бирига уйда 4-5 саҳифадан иборат бўлган иншо ёзиб, синфда муҳокама қилинг.

Такрорлаш учун топширик

92-машк. Шеърни ифодали ўқинг, сўнгра кўчиринг. Ажратиб кўрсатилган сўзларни маъноли қисмларга ажратиб, ўзак ва кўшимчаларини аниқланг. Кўшимчаларга тавсиф беринг.

Тоғлар

Эх, сиз тоғлар, нақадар кўркам!
Сизга **берар** илк нурын қуёш.
Пар булутлар, марварид қорлар
Юксак чўкки узра қўйган бош.
Шўх шалола тошар **хайкириб**,
Кўксингизга бахш этиб чирой.
Қояларга бош урар сапчиб,
Сувлар тўлиб оққан тошқин сой.
Сиздан кўзин узолмай ҳар кеч
Қуёш кўяр **ёстиғига** бош.
Соф ҳавода олишиб ором
Ухлар сокин ҳар чўкки, ҳар тош...
Фақатгина у шўх шалола
Дараларга солади шовқин.
Ой сузади кўм-кўк **самода**,
Ўқигандек ҳуснингга таҳсин...
Эх, сиз тоғлар, дилрабо тоғлар,
Ёш **қалбимни** мафтун этгансиз.
Ёшлик, бахтни куйлагин, дея,
Ижодимга илҳом **тутгансиз.** (А.О.)

93-машк. Ўқинг. Сўзининг ўзагига кўшимчалар қўшилиши натижасида ўзакда ва кўшимчаларда содир бўлган ўзгаришларни аниқланг.

Дуйшэн келадиган куни кўнглим ғаш бўлаверди. Типирчилаб юрагим ўйнаб кетаверди. ҳадеганда эшикка югуриб туришим кеннойимнинг жонига тегди. Эшик олдида нафасим оғзимга тикилиб тош котиб қолганимни кўриб Сайқал буви кўркиб кетди. (Ч.А.)

94-машк. Куйидаги сўзларга сўз ясовчи, шаклясовчи ва сўз ўзгартирувчи кўшимчалардан мосини қўйиб, гаплар тузинг. Сўзларнинг ёзилишига диққат қилинг.

Артель, альбом, альфа, альпинист, асфальт, мебель, октябрь, ноябрь, декабрь, шинель, циркуль.

95-машқ. Матни ўқинг. Ундаги айрим сўзларнинг бош ҳарф билан ёзилиши ҳамда тиниш белгиларининг қўйилиши сабабини изоҳланг.

Ойбек «Навоий» романи учун биринчи даражали Давлат мукофотига сазовор бўлди. Ўзбекистонда ташкил қилинган Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзолари қаторидан жой олди. У Иттифоқ Олий Кенгашига депутат қилиб сайланди.

Унинг бу муваффақиятларидан дўстлари шод бўлдилар, душманлари асабийлашдилар.

Ойбек – лауреат, Ойбек – депутат, Ойбек – академик, Ойбек – Ёзувчилар уюшмасининг раиси...

У шунча унвонлардан хаволанмади. Аввал қандай бўлса, ўшандай яшади, ўшандай меҳнат қилди.

Ижодда омади келмаган ракибларининг ичлари куйиб кетди. Унга очикдан-очик ҳужум қила бошладилар. Улар нима бўлса ҳам Ойбекнинг асабига тегиш, шу йўл билан уни ижоддан узиб қўйишлари керак эди. Мажлисларда, матбуот саҳифаларида очикдан-очик тухмат қила бошладилар. «Навоий» романидан хато кидириш асосий вазифалардан бўлиб қолди.

(С.А.)

96-машқ. Газета ёки журналлардан 10-12 жумладан иборат мати кўчириб ёзинг. Матндан мавжуд бўлган сўз ясовчи, сўз ўзгартирувчи ва шакл ясовчи кўшимчаларни белгилаб, ҳар бирини изоҳланг.

24-§. Лексикология. Бир маъноли ва кўп маъноли сўзлар

Топшириқлар:

1. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» дан *бош, қўл, оқ, қора, аср, асир* сўзлари маъноларининг изоҳларини кўчиринг. Ҳар қайси сўз маъноларини тушунтиринг.

2. *Пулат* сўзини ўз маъносида ва кўчма маънода ишлатиб гаплар тузинг.

3. *Кўз* сўзини бир неча маънода қўллаб гаплар тузинг.

Лексикологияда сўзларнинг келиб чиқиши, луғавий маънолари, сўзнинг ўз ва кўчма маънолари, турғун сўз бирикмалари, сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра

турлари (омоним, синоним, антоним, пароним) ва бошқа шу каби масалалар ҳақида маълумот берилади.

Тилимиз жуда бой, фикрни ифодалаш имкониятлари кенг. Шундай сўзлар борки, улар биргина нарса-буюм ёки ҳодисани эмас, бир неча нарса-буюм ёки ҳодисаларни ифода этиши мумкин. Бундай сўзларнинг луғавий маънолари бир-бирига яқин бўлади. Масалан, *қулоқ сўзи* одам организмнинг бир аъзосини билдиради. Яна *қозоннинг қулоғи, дуторнинг қулоғи, танбурнинг қулоғи* каби маъноларда ҳам қўлланилади.

Кўз сўзининг бош маъноси инсон ва бошқа жонзотларнинг аъзоларидан бирини англатса, *шининг кўзи, булоқнинг кўзи, деразанинг кўзи, тахтанинг кўзи* каби бирикмаларда (ибораларда) кўчма (ясама) маънода ишлатилади.

97-машк. Мақолларни ўқинг. *Олтин* ва *кумуш* сўзлари қайси ўринда ўз маъносида ва қайси гапларда кўчма маънода қўлланганлигини айтиб бering.

Олтин ўтда билинар, одам меҳнатда. Олтин-кумуш тош бўлур, арпа-буғдой ош бўлур. Ер – хазина, сув – олтин.

98-машк. Қуйида берилган сўзларни бир неча маънода қўллаб гап тузинг. Сўзнинг ҳар бир гаптаги маъносини тушунтиринг.

Учкун, узоқ, булок, ёқа, кун, темир, тулки, этак.

99-машк. Ўзингиз ёқтирган баддий асарлардан кўп маъноли сўзлар катнашган 4 та гап кўчириб ёзинг. Кўп маъноли сўзларнинг тагига чизинг.

25-§. Сўзларнинг кўчма маънода қўлланиши

Айрим сўзлар ўз маъносидан ташқари кўчма маънода ҳам ишлатилади.

Сўзларнинг кўчма маънода ишлатилиши шу предметлар ёки ҳодисалар ўртасидаги нисбий ўхшашликка асосланади. Масалан, *олтин қошиқ – олтин қўл* каби сўз бирикмаларида биринчисида *олтин* сўзи ўз маъносида қўлланган, яъни кимматбаҳо металл, олтиндан ясалган қошиқ. Иккинчисида қўл сўзини сифатлашда, унинг қимматли эканлигини, *олтин* яратувчи эканлигини билдириш учун ишлатилган. Моҳир

усталарни ҳам «қўли гул» уста дейишади. Гул сўзи кўчма маънода ишлатилади. Қиёсланг:

Пўлат қилич – пўлат ирода

Ўткир пичоқ – кўзи ўткир

Юзи тирналган – қалби тирналган

100-машқ. Гапларни таҳлил қилинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг маъноларини тушунтиринг.

1. Боланинг тирноғини вақтида қайчилаб туриш керак. Фарзанд кадрили билмайдиган одам тирноққа зор бўлади.

2. Отнинг туёқларига тақа қоқилмаса, у яхши чопа олмайди. Қишлоқдаги ҳар бир туёқ сонини кўпайтириш керак.

101-машқ. Бадий асарлардан ўз ва кўчма маънода қўлланган сўзларга мисоллар топиб ёзинг.

102-машқ. Ўқинг. Гаплардан аввал ўз маъносиди, сўнгра кўчма маънода келган сўзларни топинг.

1. Олтин кимматбаҳо металл. 2. Буғдойларнинг олтин бошоқлари шамолда майин чайқалади. 3. Пахтакорлар белни маҳкам боғлаб, пахта тера бошлашди. 4. Таътилда ўқувчилар фабрика билан алоқа боғлаб икки ой ишлашди. 5. Ҳаво жуда кизиди. 6. Дўстларнинг суҳбати кизиди. 7. Сўкмок йўлдан борамиз. 8. Биз ватанимиз белгилаган йўлдан борамиз.

103-машқ. Ч. Айтматовнинг “Жамила” асаридан ўз ва кўчма маънода келган сўзларни топинг. Кўчма маъноли сўз иштирок этган гапларни кўчириб, маъноси кўчган сўзларни изоҳланг.

104-машқ. Саволларга жавоб беринг.

1. Лексикология нимани ўрганadi?

2. Сўзнинг ўз маъноси ва кўчма маъноси деганда нимани тушунасиз?

3. Бир маъноли ва кўп маъноли сўзлар ҳақида нимани биласиз?

Ёзма адабиётда услубий яратиш учун лексик, фонетик, грамматик воситалар қўлланилади.

Услубнинг ҳар бир тури маълум бир лексик, фонетик, грамматик воситалар ёрдами билан вужудга келади.

Сўзлар ўз маъноси билан бетараф бўлсалар ҳам, аммо услубий маъно ифодалаши учун уларнинг маъноси контекстда кўчма маънога эга бўлиши шарт. Гулнинг чиройли белгиси одамга (*гул юз*), ўрин-жойга (*гулбоғ*, *гулбаҳор*), бирор ҳаракатга (*қўли гул одам*) кўчирилади, натижада *гул* сўзи кўшимча услубий мазмун олади ва ҳоказолар.

Айрим сўзлар эса ўз лексик маъноси билан кўшимча модал мазмун ифодалайди: *гўзал*, *ақлли*, *меҳр*, *оқибатли*, *ер*, *дўст дилбар* каби сўзлар ижобий маъно; *овсар*, *ғийбатчи*, *ёлгончи*, *чақимчи*, *душман* каби сўзлар салбий маъно ифодалайди.

Сўзнинг ўз маъносидан кўчиши кўпроқ бадиний услуб, баъзан оммавий услуб ва оғзаки сўзлашув тилида учрайди.

Ўзбек тилида маъно кўчишининг қуйидаги турлари мавжуд.

I. Метафора (грек тилидан олинган бўлиб, кўчириш маъносини англатади) – бирор предмет шаклининг, белгисининг, ҳаракатининг ўхшаш томонини бошқасига кўчириш. 1. Шаклий ўхшашлик: *кўз* – (ўз маъно), *игнанинг кўзи* – (кўчма маъно). 2. Белги ўхшашлиги: *ширин қанд* – (ўз маъно), *ширин сўз* – (кўчма маъно). 3. Ҳаракат ўхшашлиги: *инни узмоқ* – (ўз маъно), *қарзни узмоқ* – (кўчма маъно).

II. Метонимия (грек тилидан олинган бўлиб, қайта номлаш маъносини англатади) – нарса, белги ва ҳаракатлар ўртасидаги маъно кўчиши: 1. Нарсанинг номи шу нарса ичидаги бошқа бир нарсага кўчирилади: *синф* – *хона*, *синф кулди* – *хона ичидаги ўқувчилар*. 2. Нарсанинг номи шу нарсага асосланган ўлчов бирлигига кўчирилади: *қоп* – *нарса*, *ўн қоп ул* – (ўлчов бирлиги). 3. Муаллифнинг номи унинг асарларига кўчирилади: *Навоийни ўқидим*.

III. Синекдоха (грек тилидан олинган бўлиб, бирга англаш, назарда тутиш маъносини англатади) – предмет қисми

номини айтиш билан ўзини тушуниш. 1. Қисм номи бутунга кўчади: *ёстиқ – Уруш кўпларнинг ёстигини қурибди.* 2. Бутун номи қисмга кўчади: *қўл – Беш қўл баробар эмас.*

Метафора, синекдоха, метонимия асосида кўчма маъно ҳосил қилиш фикримизни лўнда, ифодали, таъсирчан баён қилишнинг бир йўли саналади.

IV. Функциядошлик асосида маъно кўчиши нарсаларнинг бажарадиган вазифаси ўхшашлиги жиҳатидан маъно кўчишидир: *томир – дарахт илдизи, томир –қўл томири.* Функциядошлик асосида вужудга келган сўзларни билиш, уларнинг илгари қандай шаклдаги нарсаларни ифодалаганлигини англаш тилимиз имкониятларининг нақадар бой эканлигини ҳис қилишимизга ёрдам беради.

105-машқ. Метафора йўли билан маъноси кўчган сўзларни аниқлаб ёзинг.

1. Нодир ўйланиб қулоғини қашлади. 2. Қозоннинг қулоғи тўртта. 3. Оғизни очсанг, пашша кириб кетади. 4. Ўчоқ оғзига бордим. 5. Совуқ сув тишни, томоқни оғритади. 6. Арранинг тиши ўтмаслашиб қолибди. 7. Ит тумшуғи билан ерни искай-искай олға чопиб кетди. (*О.*) 8. Кема тумшуғи билан саёз ерга қадалиб туриб қолди. (*Р. Тагор.*) 9. Баҳслашиш учун Ҳомидга йўл қолмаган эди. (*А. Қод.*) 10. Сўкмоқ йўлдан борамиз. (*Акопян*)

106-машқ. Берилган намунадан фойдаланиб, метонимия йўли билан маъноси кўчган сўзларга мисол келтириб давом эттинг.

Намуна: *Жавоб беролмаганимдан бутун синф қаҳ-қаҳ кулиб юборди. (Х. Тўхтабоев)*

Очил бува ҳамон ҳаёт, бу йил тўқсон тўртга киради. (Ас. М.)...

107-машқ. Ажратиб кўрсатишган сўзларнинг тўғри ва кўчган маънода қўлланганлигини аниқланг.

1. Оёғим узангидан тойиб, **бурним** эгарнинг қошига тегиб кетди. (*Ф. Ф.*) 2. Зебихон **ғилдирак** ёғочларига оёғини бир-бир қўйиб, аравага чиқди. (*С. З.*) 3. Тарих **ғилдирагини** орқага айлантира оладиган куч дунёда йўқ. (*Х. О.*) 4. Бу –

улуғ сахронинг этаги эди. (Ас. М.) 5. Зал оёкка туриб чапак чала бошлади. (У.) 6. Ойдин кеча. Болалар кий-чувлашиб югуришади. 7. Қизғин табриклардан сўнг кечанинг расмий қисми тугади. (П. Қ.)

108-машқ. Ўқинг. Синекдоха йўли билан маъноси кўчган сўзларни аниқлаб ёзинг.

1. Осмонга тикилар миллион жуфт кўзлар. (У.) 2. Беш қўл баробар эмас. 3. Дунёда ўзимиздан кейин қолдирадиган туёғимиз фақат шул Отабекдир, деб ёзди Юсуфбек хожи. (А. Қод.) 4. Осмон фонарини ҳам ёқди шу онда. Аудитория сукутда. (У.) 5. Баҳор келинчакдек ясениб келди. 6. Адашган ит каби Фурқат қаён боргум билолмасман. (Ф.)

109-машқ. Саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. Ўзбек тилида маъно кўчишининг қайси турлари мавжуд?

2. Метафора йўли билан маъноси кўчган сўзлар қандай ҳосил бўлади?

3. Метонимия йўли билан маъноси кўчган сўзларга мисол келтиринг.

4. Синекдоха йўли билан маъноси кўчган сўзлар қандай ҳосил бўлади?

5. Функциядошлик асосида маъно кўчишига мисол келтиринг.

27-§. Эскирган сўзлар

110-машқ. Ўқинг. Ўзингиз тушунмаган сўзларни изоҳли луғатдан текширинг.

1. Хуросону Мовароуннаҳр бир туғ остидадирки, биз ҳам-мамиз улуғ ҳазратга хизмат қиламиз. (Мирм.) 2. – Битта мушак уч мири, – деди Туробжон, – юзта мушак отилса, биттангадан юз танга. (А. Қ.) 3. – Ҳа, ҳа, энди эшон бўлиб қишлоқма-қишлоқ мурид овлаб юрибсанми? (F. F.) 4. Қизга шайтон арава минишни ким кўйибди? (О.) 5. Мушглашиш, ур-йикитни миршаблар ҳам босолмади. (Мирм.) 6. Олимшоҳ етти мамлакат ҳоконидан йилига икки марта хирож олар экан. (Эртак)

Жамият тўхтовсиз ривожланиб бориши натижасида вақт ўтиши билан меҳнат қуроллари, кийим-кечак, уй жиҳозларининг янги нусхалари пайдо бўлади, эскилари ишлатилмай қолади, натижада уларни ифодаловчи сўзлар истеъмолдан чиқиб кетади ёки кам ишлатилади. Бундай сўзлар эскириб қолган сўзлардир.

Эскирган сўзлар икки гуруҳга ажратилади: тарихий сўзлар ва архаик сўзлар.

Тарихий сўзлар – бутунлай истеъмолдан чиқиб ҳозирда мавжуд бўлмаган нарсаларнинг номларидир: *канизак*, *мумсик*, *халфа*.

Архаик сўзлар – ўз ўрнини бошқа бир сўзга бўшатиб, ўзи луғатлардан ўрин олган сўзлар: *улус (халқ)*, *сарф (морфология)*, *экспресс (тезюар)*, *битик (ёзув)* каби.

111-машқ. Ўқинг. Эскирган сўзларни топиб, уларни тарихий ва архаик сўзларга ажратинг.

1. Юзбоши халлослаганича югуриб келди... (П. Қ.) 2. Канизак кулиб келди-да, қопни даст кўтарди. (А. Қ.) 3. Илгари ота-боболаримиз омов билан ерни ҳайдаганлар. 4. Додхоҳ соқолини ямлаб ўйланиб қолди. 5. Мумсик одамдан кишда қор сўрасанг бермайди. 6. Тош битикларни диққат билан ўқиб чиқинг. 7. Туман ҳокими ярим йиллик ҳисоботга тайёргарлик кўрмоқда.

112-машқ. Адиб А. Қодирий қаламига мансуб “Меҳробдан чаён” романидан эскирган сўзларни топиб ёзинг. Изоҳ беринг.

28-§. Шевала ҳос сўзлар

Ҳар бир кишлок, шаҳар ва вилоят аҳолиси тилида умум-халқ тили билан баробар шу жойга ҳос сўзлар, иборалар қўлланади.

Маълум ҳудуддагина ишлатилиб, фақат шу ерда яшовчи кишиларга тушунарли бўлган сўзлар шевага ҳос сўзлардир: *шатта (шу ерда)*, *валиши (ишқом)*, *пақир (челак)* каби.

Ўзбек шева ва лаҳжалари 3 гуруҳга бўлинади:

1. Жануби-шарқий гуруҳ: карлуқ-чигил- уйғур шевалари. Бунга шаҳар шевалари кирди.

2. Жануби-ғарбий гурух: ўғуз шевалари – Хоразм, Қозоғистон, Туркменистонда яшайдиган ўзбек шевалари кирадди.

3. Шимоли-ғарбий гурух: булар кипчоқ шевалари номи билан юритилади. Бу шеваларда *-й* товуши *-ж* га ўтади: *йўл*, *йўқ* каби сўзлар *жўл*, *жўқ* тарзида айтилади.

113-машқ. Ўқинг. Шевага хос сўзларни топиб, уларнинг ўрнига адабий тилдаги муқобилларини қўйинг.

I

Неча кундан бери тенкайиб ётган ҳукмдор пешиндан сўнг ўзига келган эди. Чухрабоши узатган чойдан хўплаган бўлдида, Шайхулисломга юзланиб, гап котди:

– Келмоқ кетмоқ ила гўзал, Ҳазратим. Шундок эмасму?! Ҳақ Субҳоно ва Таоло иноятдан эллик тўрт йил бу қақир бошим тож ила зийнатланмиш. Илло, ками қолмабдур, ошимни ошаб, ёшимни яшабдурман. Эмди, аниқ билурманким, жон хуши тан қафасин бузусидир. Барчангиздан ризодурман. Аллоҳ давлатимизни бардавом, аркони улусимизни ҳамжихату хамдам қилғай... Яратгандан офият, сабру каноат тилагайсиз... (П. Равшанов)

II

«Нилу!» дейишим билан ярк этиб қаради-ю, арқоннинг бандидан судраганича мен томон югурди.

– Сенга миннима олиб келдим!–бир қўлимда лимон ўралган газетани кучоқлаганча, иккинчи қўлимни чўнтагимга тиқиб... (Ў. Ҳ.)

114-машқ. Синфдошингиз билан ўз шевангизда суҳбатлашинг. Сўнгра ушбу суҳбатни адабий тил меъёрига келтиринг.

29-§. Янги пайдо бўлган сўзлар (Неологизмлар)

"Нео"– "янги", "логос" – сўз дегани. Бу сўзлар фан, техника ва санъатнинг ривожланиши билан тилда янги пайдо бўлган тушунчаларнинг номларини ифодаловчи сўзлардир: *скайт* (компьютер орқали яқин-узоқ масофадан бир- бири-

ни кўриб сўзлашиш), *агент* (компьютер оркали сўзлашиш) каби.

Вақт ўтиши билан бундай сўзлар умумхалқ ишлатадиган сўзларга ўтиб қолиши ҳам мумкин, масалан *шоу*, *дебат*, *сайт* сўзлари неологизм эди, ҳозирги кунда оддий сўзлар қаторидан ўрин олган.

115-машқ. Кўчиринг. Неологизмлар остига чизинг.

1. Зудлик билан фикр тарқатувчи радиомашиналар ясалди. Юзлаб автомат-кўнғироқ ва ёруғлик сигналлари, биринчи қаватдаги қоровулларга остки қаватни кузатиб туриш имконини берувчи махсус перископлар ҳар қандай уринишни дафтарди. Юпқа симтўрга ўраниб олинса, Штирнер тарқатган электр тўлқинлари тўрга урилиб, ерга ўтиб кетади. (*А. Беляев*)
2. Бугун эртароқ қайтишим керак, – деди Зайнаб шошилганича. Укам билан скайп оркали сўзлашаман.
3. Ижара пудрати ҳам ёрдам бера олмаяпти, – деди бригадир куюниб.

30-§. Атамалар

Атамалар (терминлар) – илм-фан, техника, санъатга хос сўзлардир. Атамалар илмий нутқда қўлланади. Масалан, тилшуносликка оид атамалар: *фонетика*, *лексикология*, *категория*, *морфология* кабилар.

Адабиётшуносликка оид атамалар: *тазод*, *тасаввур*, *корит комедия*, *монодрама*, *монолог* кабилар.

Медицинага оид атамалар: *иприц*, *глицерин*, *ампициллин*, *бромгексин* кабилар.

116-машқ. Ўқинг. Умумхалқ ишлатадиган ва умумхалқ ишлатмайдиган сўзларни аниқланг.

Сув, ранда, офтоб, куёш, беш, ўн, игна, стрептоцид, квадрат, теорема, олма, компьютер, интернет, скайп, агент, девон, лексикография, семасиология, луғат, филология, тилшунослик, аксиома, энергия, сузма, якан, ботаника, химия, физика, кислород, димлама.

117-машк. Аввал тилшуносликка оид атамаларни, сўнгра математикага оид атамаларни икки устунга ажратиб ёзинг.

Ифода, морфология, тенглама, синтаксис, мисол, масала, теорема, феъл, тангенс, сифат, кўшма сўзлар, лексикология, ономастика, квадрат, илдиз ости, префикс, лексема, морфема, семема, сема, интеграл.

31-§. Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатларига кўра турлари

Топшириқлар:

1. Ҳабибийнинг қуйидаги туюғида «чақмоқ» сўзининг қандай маъноларни билдираётганлигини изохланг.

*Келур сел, кўкда гоҳо бўлса чақмоқ,
Зарар қилгай данакни тишида чақмоқ,
Ёмондир икки ўртоқ ўртасида –
Уриштирмоқ учун бир-бирга чақмоқ.*

2. *Бахт, катта, ёрдамчи, совга, кўп, насиҳат, югурмоқ* сўзларининг синонимларини топинг.

3. Антоним сўзлар қатнашган ўзбек халқ мақолларидан тўртта айтинг.

118-машк. Уч гуруҳга бўлиниб, қуйидаги сўзларнинг ҳар бир маъноси бўйича алоҳида-алоҳида гаплар тузинг.

Гул:

1) уруғли ўсимликларнинг кўпайиши учун хизмат қиладиган гулбарг, чангдон ва гулқосадан иборат қисми;

2) атиргул, чиннигул, гултожихўроз ва, умуман, зийнат учун экиладиган ёки табиий ўсадиган гулли ўсимликлар;

3) бирор нарсага чизиб, тикиб, босиб ёки ўйиб туширилган безак, нақш;

4) гул-гул очилган, гўзал;

5) нарсанинг яхшиси, сараси.

Достон:

1) назм ёки насрда ёзилган ҳикоя, поэма;

2) халқ қаҳрамонлари ҳақидаги эпик асар;

3) кечмиш воқеалар, саргузашт.

Кеча:

- 1) сутканинг қоронғи тушгандан тоғ отгунча бўлган қисми;
- 2) бирор тadbирга бағишланган, одатда, расмий ва бадий қисмдан иборат бўлган кечки йиғилиш;
- 3) бугундан олдинги кун.

Сўзлар шакли ва маъно жиҳатига кўра 4 турли бўлади: омоним, синоним, антоним, пароним.

Омонимлар ёзилиши ва талаффузи бир хил, маъноси эса турлича бўлган шаклдош сўзлардир.

XIV-XV асрларда ўзбек адабиётида омонимларга асосланган туюқ жанри шаклланган. Унинг асосчилари Лутфий, А.Навой, Бобур бўлиб, бу жанр ҳозиргача давом этиб келмоқда. Мисолларга диққат қилинг:

Кўнғлума ҳар ёнқи боқсам, *доғи бор*,
Ҳар неча дардимни десам, *доғи бор*.
Қилча танга бори ишқинг ёр эди.
Биз сори бўлди фироқинг *доғи бор*.

(*Лутфий*)

Кўп садо бергай чалинса катта *занг*,
Мўл узум қилмасму бўлса катта *занг*,
Лекин инсон зийнати – камтарлиги,
Элга ёқмайду қерилган катта *занг*.

(*Ҳабибий*)

Омонимлар билан кўп маъноли сўзларни фарқлаш керак. Омонимлар маъно жиҳатидан бир-бирига яқин бўлмаган бошқа-бошқа сўзлардир. Кўп маъноли сўзлар бир-бирига яқин бир неча маъноли битта сўздир. Мисолларни қиёсланг:

Омоним		Кўп маъноли сўз	
Уч	→ Рақам (3)	Уч	→ Дарахтнинг учи
	→ Осмонга уч		→ Гапнинг учи
	→ Дарахтнинг учи		→ Қалаванинг учи

Солиштиринг:

Сен куласан, чаман бўйи бирдан нафис тортади.

Сен куласан, дўстлар бўйи бир қаричга ортади.

119-машк. 6 та гап тузинг. Аввалги учтасида *уч* сўзи омоним бўлиб келсин. Кейинги учтасида *кўп* маъноли сўз бўлиб келсин.

Синонимлар маъноси бир, айрим кўшимча маъно нозикликларига эга ва ёзилиши ҳар хил бўлган сўзлардир. Масалан: *дўст, ўртоқ, жўра, биродар* (от сўз туркуми); *чиройли, гўзал, зебо, кўҳлик, сулув* (сифат сўз туркуми); *гапирмоқ, сўзламоқ, сўйламоқ* (фёъл сўз туркуми).

Ҳамма синонимлар ҳам маъно жиҳатдан айнан бир хил эмас. Улар услубий бўёғи, маъно ижобий ёки салбий даражаси, баҳога эга бўлиши билан бир-биридан фарқ қилади. Масалан, *кулмоқ, хохоламоқ, жилмаймоқ, иржаймоқ, тиржаймоқ, ишшаймоқ* ва бошқалар. *Жилмаймоқ* сўзи ижобий, *иржаймоқ, тиржаймоқ, ишшаймоқ* сўзлари эса салбий баҳога эга.

Юз, чеҳра, ораз, бет, афт, башара, турқ каби синоним сўзлар ҳам шундай маъно нозикликларига эга.

120-машк. Қуйидаги сўзларнинг синонимларини топиб ёзинг. Маъно нозикликларига эътибор беринг.

Инсон, дунё, осмон, ширин, тинч, югурмоқ, чарчамоқ, лекин, баравар, хоин, жадал.

121-машк. Матнни диққат билан ўқинг. Остига чизилган сўзларнинг синонимларини айтинг.

Мирзо Улуғбек ер остидан шаҳзодага кўз ташлади. Мирзо Абдулатиф бошида дур қадалган қундуз телпак, эғнида авраси зарбоп қашқир пўстин, белидаги кумуш камарида қинига лаъл ва жавохир қадалган қилич, қўлларини олтин тахтнинг баланд суянчикларига тираб, бир нуқтага тикилиб ўтирарди. Вожабо, бобоси ўтирган бу тахт шаҳзодага куч-қувват ато қилдими, бошқами, ишқилиб, унинг чеҳрасидаги бояғи тараддуд йўқолган, худди бобосиникига ўхшаган, ёноқлари туртиб чиққан қорамтир юзида, ичига ботган сал қисик кўзларида одамни чўчитадиған совуқ ифода пайдо бўлган эди. У нимаси биландир бобоси Амир Темурни эслатар, у ҳам бобосидай новча, қотма, кийғир бурун эди, аланг-жаланг кўзларида бобосига ёт бўлган аллақандай саросима бор эди. (О.Ё.)

Антонимлар – бир-бирига зид маъно билдирувчи сўзлар. Масалан: *катта-кичик, узун-қисқа, вафодор-бевафо, раҳмдил-шафқатсиз, ёшлик-кексалик, ботир-қўрқоқ, оқ-қора*. Антонимлар кўпроқ белги, хусусият, ҳаракат ифодалайдиган сўзларда учрайди.

Антонимларни *ака-ука, ота-она, қозон-товоқ, қайнона-келин, ош-туз* ва бошқа жуфт сўзлардан фарқлаш керак.

Антонимларни қуйидаги кўринишларда учрайдиган ҳар хил грамматик воситалар орқали ясалган сўз шаклларида ажратиш лозим. Масалан: *ол - олма, бор - борма, ўқиган-ўқиган эмас* каби.

Антонимлардан ўринли фойдаланиш нутқнинг таъсирчанлигини оширади.

122-маск. Қуйидаги сўзларнинг антонимларини топиб ёзинг. Шулар иштирокида тўртта гап тузинг.

Яхши, оғир, куюқ, гўзал, чопмоқ, рост, озод, кейин, берк, гувоҳ, роҳат, тез, ширин, чуқур, кучли, аниқ, қисқа.

123-маск. Антоним сўзлар қатнашган ўзбек халқ мақолларидан тўртта ёзинг. Антоним сўзларни остига чизинг.

Намуна: Катта карвон қайси йўлдан юрса, кичик карвон ҳам шу йўлдан юради.

124-маск. *Йиғламоқ, мақтамоқ, майда, арзон, илгор, яхшилик, олмоқ* сўзларининг антонимларини топинг.

Паронимлар – фонетик тузилиши бошқа-бошқа, талаффуздагина бир-бирига ўхшаш бўлиб қолган сўзлар. Улар айрим бир товуши (ҳарфи) билан фарқ қилади ва бошқа-бошқа маъноларни билдиради: *адибий-абидий, амр-амир, афзал-абзал, кофе-кафе, зийрак-зирақ* каби.

125-маск. Қуйидаги сўз маъноларини тушунтиринг ва улар ёрдамида 6 та гап тузинг.

Абад – обод, азим – азм, амир – амр, ариқ – ориқ, ахл – аҳил, банда – банди, боб – боп, бод – бот, ганж – ганч, даво-даъво, жайрон – жийрон, ижобий – ижодий, марҳум – маҳрум, мурабба – мураббо, ҳалос – ҳолос, қази – қози, ҳариф – ҳарф.

126-машқ. Гапларни ўқинг. Паронимларни аниқлаб, маъноларини изоҳланг.

1. Ҳиротда талайгина ёш адиблар, машшоклар ва расомлар чиқяпти. Уларга йўл-йўриқ кўрсатиб турмоқ керак. 2. Алишер чопонига ола-була ямоқ солинган, адиплари сўкилган, бош яланг дарвешни ҳам кўрди. (*Ойбек*) 3. Раиснинг сўзи Воҳидхўжага алам қилган эди. (*Муҳиддин*) 4. Мўйсафид мулла бу теваракнинг атокли кишиларидан бўлиб, уни «Убайдуллахўжа аълам» ёхуд «Убайдуллахўжа эшон деб атар эдилар. (*П. Турсун*) 5. Ҳар ушовлари бўйинларини ҳам килиб, Маҳамат Оқилнинг олдига бордилар. (*Ф. Фулом*)

6. Эй, Гулим, севгим ҳақи,
Майдин мени қилма жудо,
Менми ул ортик дема
Сен ҳам ширин, ул ҳам ширин. (*Э.В.*)

127-машқ. Ўқиган бадий асарларингиздан омоним, синоним, антоним, пароним сўзларнинг ҳар бирига тўрттадан мисоллар топиб, дафтарингизга ёзинг.

128-машқ. Савол ва топшириқларни оғзаки бажаринг.

1. Омонимлар нима? Мисоллар келтиринг.
2. Омонимлар билан кўп маъноли сўзларнинг қандай ўхшаш ва фарқли томонлари бор?
3. Шеърятда туюқ жанри нимага асосланади?
4. Синонимлар ҳақида нималарни биласиз?
5. Антоним сўзининг маъносини изоҳланг.
6. Пароним сўзларга мисоллар келтиринг.

32-§. Иборалар

Топшириқ:

Маъноси жиҳатидан *бажармоқ, шайланмоқ, астойдил, севинмоқ* сўзларига мос келадиган ибораларни топинг.

Кўчма маънога асосланган барқарор бирикмаларга ибора дейилади. Ўзбек тили ибораларга бой тиллардан бўлиб ҳисобланади. Масалан, *тарвузи қўлтигидан тушди, капалаги учди, калаванинг учини топди, юраги ёрилди, қово-*

гидан қор ёгади, кўзи тўрт бўлди, аргамчини узун ташлайди, оғзи қаттиқ одам, кўли энгил табиб каби минглаб иборалар борки, улар сўз бирикмаси ёки гаплар каби нутқ жараёнида ҳосил бўлмайди, балки сўз каби тилда тайёр ҳолда бўлади. Булардаги сўзларни ажратиб бўлмайди, бошқа тилларга ҳам айнан таржима қилиш мумкин эмас.

129-машқ. Қуйидаги иборалар иштирокида гаплар тузинг.

Боши кўкка етмоқ; темирни қизигида босмоқ; оғзи қулоғига етмоқ; бармоғини тишламоқ; фиғони фалакка чиқмоқ; хамирдан қил суғурмоқ; каттиқ кўл бўлмоқ, ноғорасига ўйнамоқ, кавушини тўғрилаб қўймоқ, бошида ёнғок чақмоқ.

130-машқ. Қуйидаги ибораларни бошқа сўзлар билан ифодалаб кўринг.

Юраги кинидан чиқаёзди; кўнглини кўтариб қўйди; ора-ларидан қил ўтмайди; қўлини кўлтиғига урди; тепа сочи тикка бўлди; оёғи тўртта бўлиб қолди; хамир учидан патир; дўпписини осмонга отди; гапни бир жойга қўймоқ; ўзига бино қўймоқ; чизган чизигидан чиқмаслик; тагига етмоқ; чучварани хом санамоқ; дили сиёх бўлмоқ, ковоғидан қор ёғди.

131-машқ. Қуйидаги халқ ибораларининг маъноларини изоҳлашга ҳаракат қилинг.

1. Бахилнинг боғи кўкармас.
2. Беш қўл баравар эмас.
3. Беш қўлингни оғзингга солма.
4. Ёғочнинг бўшини қурт ейди.
5. Бу одам илоннинг ёғини ялаган.
6. «Ҳолва» деган билан оғиз чучумас.
7. Думи хуржунда иш қилма, ука!

132-машқ. ўқинг. Айнан бир маънони берувчи ибораларни гуруҳлаб кўчиринг.

Намуна: *Бир оғиз, бир шингил, бир чимдим;*

Ер билан яқсон бўлмоқ, вақти чоғлик қилмоқ, шовкин солмоқ, зое кетмоқ, кўнглига тугмоқ, ипидан игнасиғача билмоқ, кўнглини ёзмоқ, юрагини ҳовучламоқ, юрагининг

чигилини ёзмок, бошига кўтармок, кайфи чоғлик қилмок, шамолга учмок, катта гапирмок, миридан сиригача билмок, жонини ховучламок, килидан қуйруғигача билмок, кўнгил очмок, катта кетмок, бажо келтирмок, кулини кўкка совурмок, ўрнига кўймок, юрагига тугмок, шамолга совурмок.

133-машқ. Қарама-карши маънони ифодаловчи ибораларга мисоллар топинг ва улар иштирокида гаплар тузинг.

Намуна: *кўкка кўтармок - ерга урмок.*

Дугоналари Бусорани кўкка кўтариб мақташди. Бозордан харид қилинган нарсаларни менсимай йигитни ерга урдилар.

134-машқ. А.Қахдорнинг «Синчалак» киссасидан турғун бирикмаларни топиб, дафтарингизга ёзинг ва уларнинг маъноларини тушунтиринг.

135-машқ. Саволларга жавоб беринг.

1. Ибора деганда нимани тушунасиз?
2. Эркин бирикма билан турғун бирикманинг фарқи нимада? Мисоллар ёрдамида тушунтиринг.
3. «Оёқ ости қилмок», «Оёғини тираб олмок», «Оёғига болта урмок» каби ибораларни бошқа тилларга – қирғиз, рус ёки инглиз тилига айнан таржима қилиш мумкинми? Фикрингизни изоҳланг.
4. Нуткимизда ибораларнинг қандай аҳамияти бор?

33-§. Луғатлар ва улардан фойдаланиш

Тилдаги жамики сўзлар, уларнинг тарихи, изоҳи, имло-си каби муҳим масалалар билан луғатшунослик шуғулланади. Мукамал тузилган луғат ва сўзликлар у ёки бу тилнинг бойлигини ўзида тўплайди.

Луғатлар икки турли бўлади: умумий луғатлар ва филологик луғатлар.

Умумий луғатларга қомусий (энциклопедик) луғатлар, изоҳли луғатлар киради. Қомусий (энциклопедик) луғатлар машхур олим, шоир, муҳандис, жамоат арбоблари ҳақида, дунё халқлари, шаҳарлари, географияси, иқтисоди, маданияти тўғрисида кенг маълумот беради. Масалан: *Жумгўлтов-Тяньшандаги тоғ тизмаси (ҚирССРда). Фарбада Кўкуме-*

рен дарёси орқали Сусамир тоғ тизмасидан ажралиб туради. Узунлиги 100 км. Баландлиги 3948 м гача. Туфоген қумтошлар, оҳактош-слюда сланецлари ва гранитлардан таркиб топган. Ён бағирларида ер бағирлаб ўсадиган арчали ўтзорлар, ўтлоқ-дашт чангалзорлари, қорақарагай ўрмонлари бор. (Ўзбек Совет энциклопедияси, 1973, 4-том, 394-бет)

Изоҳли луғатда сўзнинг турли маъноларига мисоллар берилади. Масалан: *Абадий (а) - вақт эътибори билан охири, поёни бўлмаган; мангу, доимий. Абадий дўстлик. Абадий хотира.* ("Ўзбек тилининг изоҳли луғати", I том, Москва, 1981, 22-бет).

Филологик луғатларга энг аввало икки ва кўп тилли таржима луғатлари киради. Масалан, "Ўзбекча-русча луғат", «Русско-кыргызский словарь» ва бошқалар.

Филологик луғатларнинг доираси жуда кенг. Уларга яна маълум фан ва техникага оид атама луғатлари, фразеологик луғатлар, топонимик ва бошқа луғатлар кириб ҳар бир луғат ўз соҳасидаги сўзларни изоҳлаб беради.

Тилшунослик луғатлари орасида имло луғатлари алоҳида ўрин тутади. Улар ёрдамида саводхонликни оширамиз, тўғри, хатосиз ёзишни мукамал эгаллаймиз. Ўзбек тилининг имло луғатларини тузишда А. Ҳожиев, О.Усмонов, Й.Абдуллаев, С.Иброҳимов, М.Омилхонава каби олимларнинг хизматлари катта.

Ҳар бир луғатнинг сўз бошисида луғатдан фойдаланиш йўллари кўрсатилади.

136-машқ. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"дан фойдаланиб, куйида берилган сўзларнинг изоҳини ёзинг.

Намуна: *дангиллама*– керагидан ортиқ ҳашам берилган, кенг, катта (*бино, иморат ҳақида*).

Азамат, алифбо, алмашмоқ, қайсар, тикилмоқ, дийдор, дилбанд, бошқармоқ.

137-машқ. «Ўзбек тилининг имло луғати»дан фойдаланиб куйида берилган сўзлар имлосини текширинг.

Юлдуз, уфқ, кизил, булут, сакрамоқ, хаёл, бермоқ, киёсий, кўрмоқ, ортиқ, нисбий, даража, кўрсатмоқ, муносабат, боғламоқ, ўтирмақ, токат, кадр, чиқармоқ, бедазор.

138-машқ. «Ўзбек тилининг имло луғати»дан фойдаланиб, сўз охирида талаффузда ундош товуши тушиб қолган сўзларга мисол топиб ёзинг.

Намуна: *хурсанд, гишт, пайванд.*

139-машқ. Энциклопедик луғатдан фойдаланиб Қирғизистон шаҳарларидан бештасини ёзинг.

140-машқ. Куйидаги исмларни алфавит тартибида ёзиб чиқинг.

Фарида, Гунча, Фозил, Мохигул, Алишер, Бахтиёр, Фулом, Дониёр, Ботир, Абдурахмон, Муборак, Фани, Нўъмон, Ислон, Нодири, Иброҳим, Умида, Қўзибой, Дадабой, Қудрат, Раъно, Юлдуз, Мохичеҳра.

141-машқ. Куйидаги сўзларни изоҳлаб, 6 таси иштирокида гаплар тузинг.

Андиша, беғубор, ваъдабоз, гурунг, долзарб, етакчи, ёркин, жумбоқ, издиҳом, калава, лафзсиз, мавжуд, надомат, омихта, парвоз, равнак, сўзана, тизгин, хазон, ҳакам.

142-машқ. Таржима луғатлар ёрдамида куйидаги русча сўзларнинг ўзбекча ва хирғизча таржимасини айтинг.

Спичка, яйцо, анализ, душа, забота, охрана, глагол, литература, подлежащее, сказуемое, наречие, везде, враждебно, борьба, иногда, кнопка, магнит, мораль.

143-машқ. Луғатдан фойдаланиб, куйидаги кирғизча сўзларни ўзбекчага таржима қилинг.

Аялдама, алыс, баркы, биримдүү, бейпилдик, дөөлөт, керемет, күмбөз, калаа, башат, долбоор, залкар, жаралыш, ишмер, мүнөз, мыкты, обон, өрөөн, саяпкерлик, өнөр, ырыс.

144-машқ. Исталган луғат тўғрисида куйидаги режа асосида реферат ёзинг.

- 1) луғат ким томонидан ва қачон тузилган;
- 2) луғат номи, кимларга мўлжалланган;
- 3) луғатда изоҳланган сўзларнинг сони;
- 4) луғатда сўзларнинг жойлаштириш тамойили;
- 5) маънони изоҳлашнинг қандай усулларидан фойдаланилган;
- 6) луғатнинг қандай турга мансуб эканлиги ҳақида хулоса.

145-машқ. Синфингиз журналидаги ўқувчилар рўйхатини кўздан кечиринг. Рўйхат қай даражада тузилганини текшириб кўринг.

146-машқ. Саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. Луғат деганда нимани тушунасиз? Ўзингиз билган, амалда фойдаланган луғатларнинг номларини айтинг.
2. Луғатлар қайси гуруҳларга бўлинади?
3. Филологик луғатлардан билганларингизни сананг.
4. Изоҳли луғатдан нималарни ўрганамиз?
5. Ватанимиз, бошқа давлатлар, шаҳар номлари, географияси ҳақида қайси луғатдан ўрганишимиз мумкин?
6. Таниқли олимлар ҳақида-чи?

147-машқ. Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини айтинг.

1. Лексикология нимани ўрганади?

- А. Сўз туркумларини;
- Б. Сўз бирикмаларини;
- В. Сўзнинг шакл-маъно муносабатларини;
- Г. Тилдаги барча сўзлар ва уларнинг луғавий маънолари.

2. Омонимлардан кўпроқ қайси услубда фойдаланилади?

- А. Бадий услубда; В. Расмий услубда;
- Б. Илмий услубда; Г. Публицистик услубда.

3. Кўп маънолилиқ қандай ҳодиса?

- А. Сўзнинг бирдан ортиқ маъно ифодалашини;
- Б. Бирдан ортиқ сўзнинг бир маъно ифодалашини;
- В. Сўзларнинг қарама-қарши маъно ифодалашини;
- Г. Сўзнинг биргина маъно ифодалашини.

4. «Тил» сўзи қайси мисолда ўз маъносида қўлланилган?

- А. Тил дарсларига эътибор кучайди;
- Б. Ботинкамнинг тилини босиб олдим;
- В. Форс тили дарсларига кизикаман;
- Г. У тилини тишлаб олди.

- А. Кўрди, гапирмади, олди, кетди;
- Б. Ақлли, раҳмдил, топ-тоза, баланд;
- В. Кумуш тола, пўлат этак, яшил водий;
- Г. Кўзи тушди, издан чиқмоқ, баланд келмоқ.

14. Паронимлар мавжуд бўлган қаторни аниқланг.

- А. Ёд-ёт, сут-суд, бод-бот; В. Абзал-афзал, шох-шоҳ;
- Б. Тур-тўр, асир-аср, рух-рух; Г. Жавоблар тўғри;

15. Қайси қаторда антоним сўзлар жойлашган?

- А. Оталиқ-оталиқ, ёриқ-ёруғ, ганж-ганч;
- Б. Олтин кони, олтин соат, олтин бош;
- В. Аччиқ-чучук, катта-кичик, баланд-паст.
- Г. Рост, тўғри, чин, ҳақ, ҳаққоний;

16. «Қалбаки» сўзининг синоними қайси қаторда берилган?

- А. Чиндан, дарҳақиқат, ҳақиқатан;
- Б. Рост, тўғри, чин, ҳақ, ҳаққоний;
- В. Сохта, сунъий, ясама, ёлғондакам;
- Г. Тараккий, тараккиёт, ривож, равнак.

Сўз туркумлари

34-§. Мустақил сўз туркумлари

Топширик:

Куйидаги гапдан мустақил ва ёрдамчи сўзларни аниқланг. Ти-
ниш белгиларининг ишлатилишини изоҳланг.

*Дўсту душман билан муомалада эҳсон йўлини тут: дўстларнинг
меҳру муҳаббати ортади, душманларнинг адовати камаяди.*

(«Хадис»)

Сўзлар бир-биридан маъно ва грамматик хусусиятла-
ри жихатидан фарқ қилади. Баъзи сўзлар мустақил маъно
ифодалай олса, айримлари бошқа сўзлар билан биргалик-
дагина маълум грамматик маънони ифодалаши мумкин.
Бундай сўзлар ўзича лексик маъно англатмайди, шу сабабли
мустақил қўллана олмайди. Мисолга диққат қилинг:

*Илон юмшоқ ва ювош кўринса ҳам, унинг феъли ёмондир,
шунинг учун ундан узоқроқ тур. (А. Югнакий)* Бу гапдаги
ва, ҳам, шунинг учун сўзлари лексик маъно ифодаламайди,
фақат шу гапдаги сўзларнинг муносабатини билдиришга

кўмаклашади. Шунинг учун булар ёрдамчи сўзлар дейилади. Мазкур жумладаги бошқа сўзларнинг ҳаммаси лексик маъно билдиради ва грамматик вазифа бажаради, яъни гап бўлаклари бўлиб кела олади.

Грамматика икки қисмдан иборат: морфология ва синтаксис.

1. Морфология – сўзларнинг тузилиши, ўзгаришини ўрганади. Тилимиздаги барча сўзлар англатган маъноларига, белги-хусусиятларига қараб туркумларга бўлинади.

Сўз туркумлари ҳаммаси 12 та. Улардан 6 таси мустақил сўзлар – от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш, 3 таси ёрдамчи сўзлар – кўмакчи, боғловчи, юклама, 3 таси – ундов, таклид ва модал сўзлардир.

Мустақил сўз туркумларига от, сифат, сон, олмош, феъл ва равишлар киради. Улар маълум бир маънога эга бўлади, бирор саволга жавоб бўлади, гапнинг бирор бўлаги вазифасида келади.

148-машқ. Ўқинг. Сўзларга саволлар бериш орқали уларнинг қайси сўз туркумига мансуб эканлигини аниқлаб, қуйидаги жадвалга ёзинг.

От	Сифат	Олмош	Феъл	Равиш

- Ўзгалар ғамини чекмаса одам,
Унга нолайиқдур инсон деган ном. (С.)
- Қулоқдан қалбингга гар кирмаса нур,
Сичқон қавагидан не фарқи қолур. (М.Бедил)
- Шамдай бўл, шамни кўр, қуйиб қалбу тан,
Ўзгалар базмини этади равшан.
Булут бўл, сув бўлиб қуйганда ёмғир,
Гулни ҳам, хасни ҳам суғорар бир-бир. (А.Жомий)
- Виждон билан, ҳақиқат билан,
Ростлик билан кучлидир инсон. (М.Жалил)
- Шижоатли кишиларни дўст тут, чунки Тангри Таоло
жасур кишиларни ардоқлайди. (Амир Темур)

149-машқ. Матини кўчиринг. Отларнинг остига бир чизиқ, феълларнинг остига икки чизиқ чизинг.

Кўпдан кутилган қор тўрт энлик ёғиб, унча қаттиқ бўлмаган изғирин орқасидан икки кундан буён эринмасдан дарахтларни, томларни оқартирган эди...

Болалар, қарғалар тансиқ қорни ғанимат билиб, шўхлик килиб ўйнайдилар. Катталар ўз дўстларига, яқин танишларига, хеш-акраболарига қорхат ёзиб, ўзига хос нашъа-завқ бағишловчи қишки зиёфатларга юра бошлаганлар.

Навоий қорхат ёзиб, унда кишининг шоирона тасвирини, қиш манзараси орқасида кўнгилга келган кечинмаларни шўх, рангли услуб билан безаб, бир дўстига, қиш хангомаси сифатида юборган эди.

Қорхат муносабати ила дўсти уни бугун зиёфатга чақирган, лекин у ишга берилиб, ўт ва май каби қизғин, нашъали бўлиши керак бўлган улфатчиликни ҳам унутди. Шоир эл-улус ишидан кутулган дамларда бекор ўтирмас эди. У ё ўқир, ё ёзар, ё хат-тотликда машқ қилар, ё мусиқийда янги куйлар яратишга уринар, ҳатто баъзи вақтларда расм солиш фикри билан машғул бўларди. (О.)

150-машқ. Саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. Грамматика нима? У қандай қисмлардан иборат?
2. Морфология нимани ўрганади?
3. Сўз туркумлари қандай турларга бўлинади?
4. Мустақил сўз туркумлари қайсилар?
5. Мустақил сўз туркумлари ёрдамчи сўз туркумларидан нимаси билан фаркланади? Мисоллар келтиринг.

35-§. Ўғ ва унинг грамматик белгилари

Топшириқлар:

1. А.Ориповнинг куйидаги «Муаллим» шеърни ифодали ўқинг ва отларни топинг.
2. Турдош ва атоқли отларни аниқлаб, аниқлатган маъноларини тушунтиринг.

*Муаллим ҳақида сўзим ушбುದир:
Муаллим камолот ичра кўзгудир.
Ўқидим Геродот, тарихни кўп бор.
Фаробий, Дантени такрор ва такрор.*

*Барини ўқидим, лол қолди ақлим,
Барига устозсан ўзинг, муаллим.
Алишер қалбига солган сеҳр-файз
Сенсан, эй муаллим, устоз Абул-Лайс.
Қутлуг хонадонда қутлуг калом бу,
Ҳамид Олимжон бу, Фафур Фулом бу.
Буюк Темур сендан топгандир таълим,
Сен шундоқ, азиз зот, азиз муаллим.
Рост айтсам, ўзингсан энг аввал даҳо,
Сен ҳаёт ганжида дурри бебаҳо.
Улуг айёмингда шеърин калом бу,
Шогирдлар номидан қутлуг салом бу.*

Отлар юқоридаги шахс, нарса, белги-хусусият ва воқеа-ҳодисаларни қандай номлашига кўра икки турга бўлинади: атоқли отлар ва турдош отлар.

Бир турдаги нарсалардан, воқеа-ҳодисалардан бирини ажратиб атовчи отларга атоқли отлар дейилади.

Бир турдаги нарсаларни, воқеа-ҳодисаларни умумий номини билдирган отлар турдош отлар дейилади.

151-машқ. Турдош ва атоқли отлар иштирокида 4 та гап тузиб, дафтарингизга ёзинг ва уларни изоҳланг.

152-машқ. Ўқинг. Отларни топиб, грамматик белгиларини айтинг.

Кунчиқар томонда олтин киприкларини пирпиратиб, қуёш кўз очди. Осмонга нур елпигичи таралди. Таралди-ю, оламини мунаввар қилиб юборди. Нур қудратидан ҳуркиган соялар эса қора қанотларини оғир-оғир силкитганча титраб-қақшаб олисларга чекина бошлади. (Ў.Ҳ.)

153-машқ. Отларнинг тузилишига кўра турларига доир 2 тадан гап тузинг ва дафтарингизга ёзинг. (Жами 8 та гап)

♦ Отларда сон категорияси

* Отлар бирлик ва кўпликда қўлланилади. Бирликда қўлланилганда яққа, ажратилмайдиган нарса-буюмни ҳеч қандай грамматик шаклсиз ифодалайди: *нон, туз, дарахт, қуён.*

* Кўпликда қўлланилганда махсус грамматик восита **-лар** кўшимчасини олади: *одамлар, китоблар, машиналар, дўстлар.*

- **лар** кўшимчаси баъзан кўпликни билдиришдан ташқари:

1) хурмат маъносини (*ойимлардан сўрайман*);

2) кесатик, пичинг маъносини (*жанобларининг кўрсатмаларини кутмоқдамиз*);

3) маънони кучайтириш, услубий бўёқ бериш (*мияларим гавлаб кетди, бошларим гаранг*) каби хусусиятларга ҳам эга.

Фақат бирликда қўлланиладиган отлар:

1. Атоқли отлар: *Саодат, Чўлпон, Бешикана, Сузоқ.*

2. Белги отлари: *дўстлик, фидокорлик.*

3. Жуфт предметлар номлари: *кўз, қулоқ, қўл, оёқ.*

4. Доналаб саналмайдиган нарса-жисм номлари: *ун, туз, бугдой, қум.*

Эслатма: *қўлларим билан, қулоқларим кар бўлди, кўзларим тўрт бўлди, оёқларимда мадор қолмади* каби ибораларда **-лар** кўшимчаси маънони кучайтириш учун ишлатилади.

154-машқ. Ўқинг. Отлардаги кўplik кўшимчасининг аңлатган маъноларни изоҳланг.

1. Алакенинг суяклари зир какшаб, кўзларидан ёш ўрнига қон оқиб, нари қараб йиғлаб, бери қараб қулиб, Манаснинг шартларига кўнди. («М») 2. Ватан – бир парча тупроқ эмас, у эртиқодлар туфайли раванқ топадиган, инсонга бир марта бериладиган илохий инромдир. (*Н.Қобул*) 3. Келсинлар, устоз, қадамлари қутлуғ бўлсин! 4. Шоирнинг ёшлари қирқдан ошмаган бўлса ҳам, анча салобатли кўринар эди. 5. Манас вафот этганда, осмондаги булутлар йиғлади, қушлар кўз ёшини тиймади. («М») 5. Ҳайитлар қадимий диний байрамлар бўлиб, уларнинг таркибига қирган кўпгина маросимлар исломдан олдин ҳам халқ таомилида бўлган. 6. Ислом уларни омухталаб, ўз қонунларини қўшиб, ҳайит – байрамларининг умрини узайтирган. (*Журн.*) 7. Кўзлари ёшга тўлган Сумбулхон унга эргашиб келаётганини кўрди. (*С.А.*) 8. Реббелс унинг оёқларига суйкалди, сакраб елкаларига осилди. (*С.А.*)

Отларга қўшилиб, унинг уч шахсдан бирига тааллуқлилигини, қарашлилигини, мансублигини билдирувчи қўшимчалар эгалик қўшимчалари дейилади. Эгалик қўшимчалари бирликда ва кўпликда қуйидаги қўшимчалар оркали ифодаланади:

Шахс	Бирлик		Кўплик	
	Улидан сўнг	Ундодан сўнг	Улидан сўнг	Ундодан сўнг
I шахс (сўзловчи)	Она-м	Бахт-им	Она-миз	Бахт-имиз
II шахс (тингловчи)	Она-нг	Бахт-инг	Она-нгиз	Бахт-ингиз
III шахс (ўзга одам)	Она-си	Бахт-и	Она-лари	Бахт-лари

Э с л а т м а:

1) **-к, -қ** билан битган отларга эгалик қўшимчаси қўшилганда, ўзакда ҳосил бўладиган ўзгаришларни унутманг: *билак – билагим, юрак – юрагим, тилак – тилаги, ўртоқ – ўртогим, қулоқ – қулоги*;

2) I шахс бирликдаги эгалик қўшимчаси **-им** шаклан ҳаракат-ҳолат отини ясовчи қўшимчага ўхшайди, фарқини билиб олинг: *йигим, билим, терим, ечим* каби.

155-машқ. Ўқинг. Остига чизилган сўзлардаги **-им** қўшимчаларини изоҳлаб беринг.

1. Маориф соҳасида ҳам ечимини кутаётган масалалар жуда кўп. 2. Куз келиб, йиғим-терим авжига чиққан пайтда мени армия сафарига чақирди. 3. Гарчанд ўқибсан – билимдонсан, агар амал қилмадинг – нодонсан. (С.)

4. Энг олий бахтим менинг Онажоним, шеърят
Топган тож-тахтим менинг Онажоним, шеърят. (А.О.)

5. У кунларни тиклар ҳаёлим,
Ёдга келар барча, барчаси...
Одамлар, сиз менинг ҳаётим,
Ҳар бирингиз умрим парчаси. (Э.В.)

6. Умринг узоқ бўлсин, эй, дарёжоним,
Кечалар каҳрида бир гул йиғлади.
Юзимга сачради бир булбул кони,
Кўнглимга бу дунё нечук сиғмади?! (Ш.Раҳ.)

♦ Отларда келишик категорияси

От ёки отлашган сўзларнинг бошқа сўз туркумларига тобелигини, муносабатини ифодалайдиган грамматик шакллар келишиклар дейилади.

Келишик қўшимчалари кўплик ва эгалик қўшимчаларидан кейин қўшилиб келади.

Хат-ни ўқидим, хат-лар-ни ўқидим, хат-лар-инг-ни ўқидим.

Сўзларнинг келишик қўшимчалари билан ўзгариши турланиш дейилади.

Ўзбек тилида баъзан келишик қўшимчалари вазифасини кўмакчилар бажариши мумкин.

Ўқишга келдим – Ўқиш учун келдим.

Қаламда ёздим – қалам билан ёздим.

Ўзбек тилида 6 та келишик бор. Уларнинг қўшимчалари, саволлари қуйидагича:

Келишиклар	Қўшимчалари	Сўроқлари	Мисол
1. Бош келишик	-	- <i>Ким? Нима?</i>	<i>Бола, уй</i>
2. Қараткич келишиги	<i>-нинг</i>	<i>Кимнинг? Ниманинг?</i>	<i>Болатнинг; Уйнинг;</i>
3. Тушум келишиги	<i>-ни</i>	<i>Кимни? Нимани?</i>	<i>Болани; Уйни;</i>
4. Жўналиш келишиги	<i>-га</i>	<i>Кимга? Нимага?</i>	<i>Болага; Уйга;</i>
5. Ўрин-пайт келишиги	<i>-да</i>	<i>Кимда? Нимада?</i>	<i>Болада; Уйда;</i>
6. Чикиш келишиги	<i>-дан</i>	<i>Кимдан? Нимадан?</i>	<i>Боладан; Уйдан;</i>

Қараткич келишик қўшимчаси *-нинг* сўзлашув нутқида *-ни* шаклида айтилади.

Қараткич ва тушум келишик қўшимчаларини тўғри қўллаш учун бу сўзнинг ўзидан кейинги қайси сўз билан

алоқага кираётганини аниқлаш керак: *катталарнинг гапига қулоқ сол – катталарни доимо ҳурмат қил.*

Биринчи гапда *катталарнинг гапи – от + от.*

Иккинчи гапда *катталарни ҳурмат қил – от + феъл.*

Демак, от билан от алоқага кирганда, биринчи сўз қараткич аниқловчи бўлиб, иккинчи сўз эғалик кўшимчасини олган аниқланмиш бўлади. От билан феъл алоқага кирганда, ҳар доим тушум келишиги *-ни* қўлланилади.

Қараткич билан қаралмиш орасига бошқа сўзлар ҳам кириб қолиши мумкин: *Момақалдироқнинг оламини ларзага солувчи гумбурлаган овози чуқур уйқуга кетган арслонни ҳам уйғотиб юборди.*

Бу гапда қараткич–*момақалдироқнинг*, қаралмиш–*овози.*

Қараткич билан қаралмиш бирикмаси мослашувдир. Қараткич ва тушум келишик кўшимчалари баъзан тушиб қолиши мумкин. Лекин сўзларнинг ўзаро муносабатларини аниқлаб, унинг қайси келишикда эканлигини осонгина белгилаш мумкин:

1. *Олма гуллади.*

2. *Олма гули чиройли бўлади.*

3. *Олма тердик.*

Биринчи гапда *олма* бош келишикда, гапнинг эгаси. Иккинчи гапда *олма* сўзи *гули* сўзига боғланиб, қараткич келишигида. Гапдаги вазифаси қараткич аниқловчи. Учинчи гапдаги *олма* сўзи *тердик* сўзига боғланиб, *олмани тердик* бўлади. Гапнинг эгаси *биз* сўзи тушиб қолган.

Бир гапнинг ўзида бир неча қараткич келишигида келган сўзларни учратиш мумкин: *Шаҳардаги 8-мактабнинг 10-«А» синфининг ўқувчисининг кундалик дафтари кўрдик.* Бу гапда учта қараткичли бирикма бор: *мактабнинг 10-«а» синфи, 10-«а» синфининг ўқувчиси, ўқувчининг кундалик дафтари.*

Бу ўринда нутқ раванлиги учун биринчи ва иккинчи сўзларда қараткич келишик кўшимчалари тушириб қолдирилади. Бироқ улар ҳам қараткич аниқловчи ҳисобланади: *Шаҳардаги 8-мактаб 10-«А» синф ўқувчисининг кундалик дафтари кўрдик.*

Эслатма:

Сўзнинг асосий қисмига *г, қ* ундоши билан битган сўзларга қўшилган жўналиш келишигининг қўшимчаси *-га -қа* бўлиб эшитилади ва шундай ёзилади: *ўриққа, юракқа, ёшлиққа, дўстлиққа; г, қ* ундоши билан битган ўзакка қўшилганда *-қа* бўлиб эшитилади ва шундай ёзилади: *тоғ+га – тоққа, ёғ+га – ёққа, тупроқ+га – тупроққа, қишлоқ+га – қишлоққа*. Аммо *филолог, педагог, геолог* каби байналмилал сўзларда жўналиш келишик қўшимчаси ўзгармайди: *филологга, педагогга, геологга* каби.

156-машк. Берилган ҳикматларни ўқинг. Аввал қараткичли бирикмаларни, сўнгра тушум келишиги билан келган бирикмаларни кўчиринг.

1. Одоб ва фазилатнинг боши тилни тийиб туришдир.
2. Вақти келганда баъзи нарсалар учун жонни фидо қилиш мумкин, аммо номусни ҳеч нарсага фидо қилиш мумкин эмас, чунки номус жондан ҳам қимматлидир.
3. Дўстнинг ҳасадиду душмanning хусуматидан ёмондир.
4. Ибодатларнинг энг мақбули одамларга яхшилик қилишдир.
5. Тентакликнинг энг зарарлиси вақтни бекорга кетказишдир.
6. Сукут саломатликни, яхшилик иззат, ва обрўни, сахийлик улуғликни келтиради.
7. Бахтсизликнинг белгиси нодонликдир. («Х»)

157-машк. Ўқинг. Жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишигидаги отларни кўчиринг. Сўзнинг ўзагида ва қўшимчаларида содир бўлган ўзгаришларни изоҳланг.

1. Қоғозга ёзилиб қолган яхши ном – тамом бўлмайдиган умрдир. (Х.)
2. Манзилга етиб келган дастлабки кунларда ўзимни осмондан тушиб қолгандай ҳис қилдим. (Ч.А.)
3. Қочоққа шафкат йўқ, кўркқоққа–хурмат. (М.)
4. Бири оқ туяга, бири бўталоққа ўхшаш икки оқ булут остида оқ елканларни эслатувчи улкан оккушлар жуфт-жуфт бўлиб сузиб юрар, улардан ҳам юқорида, нилий осмон тагида, улкан қора булутлар кўзга чалинарди. (О.Ё.)
5. Кўкка боқма, кўпга боқ. (М.)
6. Шамол борган сайин кучайиб, яхлит деразанинг аллақеридан гуриллаб кирар, шифтдан ергача осилиб турган қия очик дарпарда оҳиста силкиниб қўяр эди. (Ў.Х.)
7. Халқда оққандан томган ёмон, деген нақл бор. (С.А.)
8. Қарс икки

қўлдан чиқади. (М.) 9. Назира буви дарров ўрнидан турди-да, дока рўмолини қайта боғлаб, Шаҳодат буви билан бирга кўшниси Тўхтабувининг уйига чиқди. (А.Қ.) 10. Ровийлар дерлар: дунёда севинтирувчи бирон нарса йўқки, кетидан хафа қилгувчи бир нарса келмаса. (Т.М.)

158-машқ. Савол ва топшириқларга оғзаки жавоб беринг.

1. От нимани билдиради? Қандай саволларга жавоб бўлади?
2. Отлар маъно жиҳатидан ва тузилишига кўра турларини айтинг. Мисоллар келтиринг.
3. Фақат бирликда қўлланадиган отлар қайсилар?
4. Эгалик кўшимчалари билан келишик кўшимчалари ўртасида қандай ўхшаш ва фарқли жиҳатлар мавжуд?
5. Қаратқич ва тушум келишиклари кўшимчаларининг белгисиз қўлланилишига мисоллар келтириб, сабабини изоҳланг.
6. Қай ҳолатда қаратқич келишиги кўшимчасини тушириб қолдириш мумкин эмас?

36-§. Отларнинг ясалниши ва гаидаги пазифаси

Топшириқлар:

1. Иловада берилган 6-жадвалдан фойдаланиб, ясама отларнинг турларини айтинг.
2. Қайси кўшимчалар касб-хунар отини ясайди? Мисоллар келтиринг.
3. Нарса-буюм отини ясовчи кўшимчаларда қай ҳолатда фонетик ўзгаришлар юз беради? Фикрингизни мисоллар ёрдамида изоҳланг.
4. Белги отини ясовчи кўшимчаларни айтинг. Белги оти нима учун мавҳум от дейилади?

Отлар икки хил йўл билан ясалади:

1. Сўзнинг ясалиш асосига от ясовчи кўшимчалар қўшиш билан.
 2. Сўзларни қўшиш ва жуфтлаш йўли билан.
- Сўз ясалиш асосидан ясовчи восита ёрдамида ҳосил қилинган отга ясама от дейилади.

159-машқ. Қуйидаги сўзларни таҳлил қилинг. Аввал от ясовчи кўшимчалар ёрдамида ҳосил бўлган отларни, кейин сўзларни қўшиш йўли билан

ҳосил қилинган отларни кўчириг. Сўзларни жуфтлаб ҳосил қилинган отларни оғзаки айтиг.

Темирчи, белбоғ, пахтазор, кабобпаз, тарозибон, бойче-чак, гунохкор, ғўзапоя, қозон-товоқ, қуймоқ, опа-сингил, савағич, Туркистон, одамгарчилик, газетхон, синфдош, ишлаб чиқариш, отбоқар, чакирик, ота-она.

От ясовчи кўшимчалар турли сўз туркумларидан ва модал сўзлардан от ясайди.

1. Отдан: *овчи, ватандош, ошпаз, ўлкашунос.*

2. Феълдан: *қатлама курак, бўёқ, чиқим.*

3. Сифатдан: *қизиқчи, ширинлик.*

4. Бошқа сўз туркумларидан: *мардлик, бирлик, манманлик, борлик, йўқчилик, хафагарчилик.*

160-машқ. 4 хил маънодаги отларни ясовчи кўшимчалар иштирокида ҳар бирига учтадан мисол топиб, гаплар тузинг.

161-машқ. Қайси катордаги ясама отлар фақат шахс отиши билдиради?

1. Беданабоз, этиқдўз, бошқотирма, синфдош.

2. Баликчи, мансабдор, елпиғич, тўплам.

3. Сехргар, боксчи, амалдор, пўстиндўз.

4. Тўпчи, ҳуқуқшунос, қаламдон, биродарлик.

Отлар гапта турли вазифада келади:

1. Эга: *Гавҳар балчиққа тушса ҳам, унинг қиммати ўзгармайди.*

2. Кесим: *Бефойда ўтган ёшлик – мусибат.* (Абай)

3. Тўлдирувчи: *Юзига тушиб турган офтобдан кўзлари қамашиб кетди.*

4. Аниқловчи: *Одоб ақлинг ташиқи суратидир.* (М.)

5. Ҳол: *Мирҳайдар ота боғча қурилишига қунда келар эди.*

6. Ундалма: *Ботир, ўглон, Олатоғ деган ерга, қирғиз деган элга келдинг. Узингнинг кимлигингни билдиргин, ўглим.* («М.»)

162-машк. Отларни топинг ва уларнинг гапдаги вазифасини аниқланг.

Ўшга сафар қилиш Бобур Мирзо учун байрам бўлар эди.

Бувиси Эсон Давлатбегим аввалбахорда «Олам садди пок бўлмиш» дейиши билан, Бобур Мирзо Ўшга чоғланиб қолар эди. Чунки Наврўз кунларини Ўшда ўтказишга одатланишган. Чўккаланиб ётган кўш ўрқачли нортуядек бўлиб Буғро-кўх олисдан назарга илинган чоғдаёқ Мирзо кўзлари чакнаб, кийқириб юборар эди. Илк бойчечак гулини ҳам опаси Хонзодабегим ўша Жаннат ариғи ёқасидан топиб берар эди.

Кейинчалик ўзи топадиган бўлди. Ҳамма жойда Наврўз байрами икки-уч кун нишонланса, бу ерда ҳафталаб, ойлаб давом этар эди. (Қ.М.)

163-машк. Шеърни ифодали ўқинг. Отларнинг синтактик вазифасини аниқланг. Ясама отларни топиб, ясалиши ва ёзилишини тушунтиринг.

Дўстларни авайланг

Дўстлик нима, душманлик нима,
Фарқ этаман, шак келтирмам ҳеч.

Дўстга бўлган ғазаб ва гина
Айтилади эртами ё кеч.

Дўстинг бевақт дилингиз сиёҳ
Қилган бўлса – қилгандир гуноҳ.

Юзга солиш шартмикан ёки...
Кексалик-ку тақдирда аён.

Эй халойиқ, кун ўтган сайин –
Дўстдан ажраш нечоғлиқ осон.

Дўстни топиш шунчалик қийин.
Мен аввали қилмай эътибор.

Ҳар нарсага бўлиб жиғи-бийрон,
Талай дўстдан ажрадим бекор.

Ташлаб кетди талай дўст-ёрон!
Энди сизга чанқоқман, чанқоқ,

Бир вақт мени севган дўстларим,
Гуноҳингиз кечганман мутлоқ,

Сиз ҳам кечинг каму кўстларим...
Эй халойик, сизга илтимос,
Ўтинч шулки, бўлинг меҳрибон,
Дўстга керак садокат, ихлос,
Ардоқлангу сақланг ҳар қачон!

(*Р. Ҳамзатов*)

164-машк. Саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. Отлар қандай усуллар билан ясалади?
2. Қайси сўз туркумларидан ясовчи кўшимчалар ёрдамида от яшаш мумкин. Мисоллар келтиринг.
3. Отлар гапда қандай вазифаларда келиши мумкин? Мисоллар орқали изоҳланг.

165-машк. Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

1. Ифодаланган тушунчанинг характерига кўра отлар қандай номланади?

- А. Аниқ ва мавҳум отлар.
- Б. Якка ва тўда отлар.
- В. Саналадиган ва саналмайдиган отлар.
- Г. Жавоблар нотўғри.

2. Бош келишидаги сўз изоҳловчи вазифасида келган гапни аниқланг.

- А. Айтилган сўз – отилган ўк.
- Б. Қуш аста-секин чўл этагига тушиб боради.
- В. Фиёсиддин кичкина ўз фаолиятини бошлаб юборди.
- Г. Жавоблар нотўғри.

3. Ундалма вазифасида келган бош келишидаги от қайси гапда келган?

- А. Қирғизистон пойтахти – Бишкек.
- Б. Мусобақада ғолиб чиққан Зулфия эди.
- В. Сиз бахтлисиз, Раҳматжон ака, элингиз учун кўп хизматлар қилдингиз.
- Г. Жавоблар тўғри.

4. Қайси келишидаги от гапдаги иш-ҳаракатни ўзига қабул қилган предметни аниқлатади?

- А. Тушум келишигидаги от.
- Б. Жўналиш келишигидаги от.

- В. Ўрин-пайт келишигидаги от.
- Г. Бош келишигидаги от.

5. Қаратқич келишиги иштирок этган мисолни аниқланг.

- А. Ҳар оила ўчоғин ўз қутлуғ тарихи бор.
Ҳар бошпана кишилар меҳнатин обидаси.
- Б. Беғубор ойдин кеча. ҳали тонг отишига анча бор.
- В. Тушдим ёшлигим ўтган дарёлардан йироққа.
- Г. Жавобларнинг ҳаммаси тўғри.

6. Ҳаракат ва ҳолатнинг бажарилиш ўрнини билдирган жўнаlish келишиги иштирок этган мисолни аниқланг.

- А. Меҳнат завқи тутар ўлкани, сахар кетар чўпон тоғига.
- Б. Меҳнатда яралган саодат кўркин юракда жаранглар куйи, оҳанги.
- В. Меҳнат ҳар манглайда қуёш нақшидир.
- Г. Ўқишга бордим, дўстларни кўрдим.

7. Қайси қаторда отнинг кичрайтиш шакли иштирок этган?

- А. «Ёдгор қани, ойи?» – «Вой, дарвоқе, ҳозир олиб чиқаман, болагинамни».
- Б. Зухра уйигача пиёда кетди.
- В. Келинчак висолин кутган йигитдай,
Шарафли айёмга халқим мунтазир.
- Г. Бу китоб меники.

8. Бош келишидаги от-кесим вазифасида келган мисолни аниқланг.

- А. Оталар сўзи – ақлнинг кўзи.
- Б. Ҳали тонг отишига анча бор.
- В. Салима эшикдан кулимсираганича кириб келди.
- Г. Аскар ота тўсатдан отнинг бошини тортди.

9. Бош келишидаги сўз эга вазифасида келган мисолни аниқланг.

- А. Беғубор ойдин кеча.
- Б. Мардлик, ғайрат, сабот эрур инсоннинг хусни.
- В. Сенинг билан яшнаса баҳор.
- Г. Жавоблар нотўғри.

10. Отнинг эркалаш шакли қайси қаторда берилган?

- А. Ҳовузча лабида болалар ўйнашар эди.
- Б. У вақтнинг одами бошқа, бу вақтни ки бошқа.
- В. Кузги картошка витаминларга сероб бўлади.
- Г. Ойижоним туфлигимни доим мойлаб кўярди.

Топшириқ:

Берилган матни ўқинг. Сифатларни топиб, туб ва ясама сифатларни дафтарингизга кўчиринг.

Амир Темур табиатан ақл-идрокли, чаққон, чаптаст, жасоратли ва тадбиркор бўлганлиги туфайли қудратли давлат барпо этишга эришган. Унга тахт одатдагидай ота мерос сифатида эмас, балки оқилона сиёсат ва моҳирона кураш орқасидан кўлга киритилган эди. Бу ишда унинг ўзи кучли шахс бўлганлиги учун рақобатдан чўчимай, ўз атрофига жасоратли ва очикчасига гаплашадиган кишиларни тўплаб ҳаракат қилган. (*Ҳ. Зиёев*)

Сифат предметнинг белгисини билдириб, қандай? қанақа? каби сўроқларга жавоб бўлади.

Сифатлар маъносига кўра 4 хил бўлади:

Маъноси	Мисоллар
1. Ранг-тусни билдиради	<i>Оқ, сариқ, қизил, пушти, қизғин, қорамтир, зангори, ним пушти</i>
2. Маза-таъмини билдиради	<i>Ширин, аччиқ, нордон, тахир, мазали, чучук</i>
3. Ҳажм-шаклни билдиради	<i>Баланд, думалоқ, узун, қисқа, паст, япилоқ, узунчоқ, тўғри, қингир</i>
4. Хил-хусусиятни билдиради	<i>Ақлли, доно, зийрак, чаққон, эчкил, нодон, лапашанг, номусли, ориятли, камсуқум, сергап, ландавур</i>

166-машқ. Сифатларни топинг. Уларнинг мазмунига ва тузилишига кўра ҳамда даражасига қараб таҳлил қилинг.

1. Фарзанд учун она оғушидан яхшироқ, ёқимлироқ ва сеvimлироқ жой йўқ. 2. Табаррук китобда куйидаги сўзлар бор экан: «Шимолдаги булутлардан Манас исмли бир паҳлавон бола туғилади... Манас қалмоқ билан хитойларга кўп ташвиш ва ғавғолар солади...» 3. Сохта дўстдан ошқора душман афзал. (*М.*) 4. Нўноқ ёзувчи, чала рассом, истеъдодсиз артист бўлиши мумкин, аммо ёмон шифокор бўлиш асло мумкин эмас, чунки

энг кимматли ҳаёт ва соғлиқ шифокорларгагина ишониб топширилади. (Ў.Ҳ.)

5. Кел, жаҳонни топширмайлик ёмонга,
Бурайлик барчани яхши томонга,
Яхши ҳам, ёмон ҳам қолмас пойдор,
Яхшиси, яхши иш бўлсин ёдгор. (*Фирдавсий*)
6. Ҳамма жойда тилингни сақла зинҳор,
Киши тилнинг ёмонидан бўлур хор.
Ҳамма одамга сен яхши қилиқ қил,
Тилингни хуш, чиройингни илиқ қил. (*Ҳ.*)

♦ Сифатларнинг ясаллиши

Сифат ясовчи кўшимчаларнинг тури кўп. Биз уларни умумлаштириб, икки гуруҳга бўламиз:

1. Отдан сифат ясовчи кўшимчалар.
2. Феъл ва бошқа сўз туркумларидан сифат ясовчи кўшимчалар.

1. Отдан сифат ясовчи кўшимчалар:

1. **-ли:** *ақлли, ориятли, баракали, кучли.*
2. **-сиз:** *одобсиз, сифатсиз, билимсиз.*
3. **-чил:** *эпчил, изчил, дадрдчил.*
4. **-чан:** *ҳаракатчан, уятчан, кўнгилчан.*
5. **-аки:** *огзаки, даҳанаки, қалбаки, юзаки.*
6. **-ий, -вий:** *илмий, тарихий, дунёвий, оилавий.*
7. **-симон:** *шарсимон, одамсимон, пирамидасимон.*
8. **-лик:** *кўрпалик, ёзлик, олмаоталик.*
9. **бе-:** *бесабр, бегам, безор, беодоб.*
10. **но-:** *ноқобил, ноаниқ, ношукур, нобоп.*
11. **сер-:** *серҳаракат, серган, сермахсул.*
12. **ба-:** *бадавлат, басавлат, бамаҳни.*
13. **-ги (-қи, -қи):** *ёзги, кузги, қишиқи, ички, ташиқи.*
14. **-да +ги:** *осмондаги, томдаги, бировдаги.*
15. **-ик:** *педагогик, демократик, географик.*
16. **-л, -ал:** *нормал, формал, горизонтал.*
17. **-ив:** *объектив, субъектив, прогрессив.*

Изоҳ: 15, 16, 17 кўшимчалар русча-байналмилал сўзларда ишлатилади,

2. Феъл ва бошка сўз туркумларидан сифат ясовчи кўшимчалар:

1. -*қ, -иқ, -ук, -уқ*: *порлоқ, чанқоқ, йиртиқ, етук, юмуқ.*

2. -*қоқ, -гоқ*: *ёпишқоқ, тиришқоқ, тойгоқ.*

3. -*чоқ, -чак, -чиқ*: *тортинчоқ, куюнчак, сирпанчиқ.*

4. -*гин, -гун, -кин, -қин*: *сўлгин, тургун, кескин, сотқин.*

5. -*гон*: *билагон, чонагон, қопагон, қатагон.*

6. -*мон*: *ишиблармон, топармон.*

7. -*қир, -қур, -гир, -гур, -кир, -гир*: *чопқир, топқир, учқур, олгир, бўлмагур, сезгир, ўтқир.*

167-машқ. Сифат ясовчи кўшимчаларни аниқланг ва улар қайси сўз туркумидан сифат ясаганлигини изоҳланг.

1. Серчанг, сершовкин кўчаларда одамлар дарёдай оқиб борарди. (*П. Қ.*) 2. Одамнинг ташқи қиёфасига қараб ички сирини билиш бир санъатдир. 3. Ҳаракатчан одамлар дардга кам чалинади, иши баракали бўлади. 4. Олим тарихий воқеаларни илмий усулда асослаб берди. 5. Ақлсиз бош оёққа тинчлик бермайди. (*М.*) 6. Мурувватли дўст-буюк хазина (*М.*) 7. Одобли одам табибга ўхшайди, у билан суҳбатлашиш кўнгилдаги ғамни ювади. (*Ҳ.*) 8. Одамларга доноликдан сўнг берилган энг қимматбаҳо тортик дўстликдир. (*Ф. Ларошфуко*) 9. Йўқчилик ғайратли, ишчан одамларнинг эшигидан мўралайди-ю, аммо ичкарига кира олмайди. (*Ҳ.*) 10. Сабрли одам узоқ яшайди (*Ҳ.*)

♦ Сифатларнинг гапдаги вазифаси

Сифатлар кўпинча гапда сифатловчи-аниқловчи бўлиб келади. Шу билан бирга, кесим, ҳол вазифасида ҳам келади. Масалан: *Яхши гап билан илон инидан чиқади. Ўш кўчалари гавжум. Тўғри одам тўғри гапирди.*

Ўзбек тилида (айниқса, оғзаки нутқда) сифатлар отлашади, яъни отнинг вазифасини бажаради. Сифатдан кейин келадиган, сифат боғланадиган от тушиб қолади. Сифат отлашганда от бажарган вазифани бажаради:

1. *Яхшининг яхшилигини айт, шавқи ошсин,*

Ёмоннинг ёмонлиги айт, қути ўчсин. (М.)

2. *Яхши топиб гапирар, ёмон қошиб гапирар (М.)*

168-машқ. Мақолларни ўқинг ва сифатларни таҳлил қилинг. Тури ва гапдаги вазифасини айтинг.

1. Тўғри сўз тош ёради, эгри сўз бош ёради.
2. Тўғри муродига етар, эгри жаҳаннамга кетар.
3. Ёлғон гапнинг чуви чиқар.
4. Ростдан ёлғон енгилдир.
5. Рост сўзни айт, ёлғон сўздан қайт.
6. Яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ.

169-машқ. Матнини ўқинг, сифатловчи-аниқловчиларни топиб, изоҳланг.

Кунлардан бир куни бир мутақаббир ўргимчак ипак куртига:

– Мен сенга жуда ачинаман, бир озгина ипак учун шошмасдан ишлаб кўп вақт сарф этасан. Мана, менга қара, тез-тез ишлаб озгина вақт ичида бу деворнинг бошидан охиригача тўр ўраб битирдим. Менга ўхшаб шошиб-пишиб тўр ўрасанг бўлмайдими? – деди. Ипак курти унга:

– Тўғри, ишда суръат - тезлик керак, лекин сен сингари апил-тапил ишлашдан фойда чикмайди, шунинг учун тўринг ҳеч қимматга эга эмас, менинг тўрим эса жуда қимматли тўр, – деб жавоб берди.

Хисса: Шошмашошарлик билан ишлашдан ҳеч фойда ҳосил бўлмайди, ишнинг сонига эмас, сифатига диққат қилиш лозим. «Оз ишла, соз ишла» деб бекор айтмаганлар.

Байт:

Шошқалоклик ниҳолин ўтқизсанг,

Бергуси меваси – пушаймонлик. (Ҳ.)

170-машқ. Сифатларни топинг. Уларнинг гапдаги вазифасини изоҳланг. Отлашган сифатларни белгиланг.

1. Ўн саккиз ёшли тийрак Бақай отасининг маслаҳатини тўғри тушунди. (*«М»*)
2. Марказий Осиёдаги энг баланд тоғлар ва кенг водийларга бой мамлакат – бу Қирғизистон. (*Газ.*)
3. Ёмон қариндошдан яхши кўшни афзал. (*М.*)
4. Тўғрига бало ҳам зарар этмайди, эгри ҳеч қаерга бориб етмайди. (*Биноий*)
5. Торга тор дунё, кенга кенг дунё. (*М.*)

171-машк. Савол ва топширикларни оғзаки бажаринг.

1. Сифатлар қандай маъноларни билдиради?
2. Сифатларнинг тузилишига кўра турлари ва ёзилишини тушунтиринг.
3. Сифат даражаларига таъриф беринг.
4. Қиёсий ва орттирма даражалар қандай ҳосил бўлади?
5. Сифат даражалари билан озайтирма ва кучайтирма сифатлар орасидаги фарқни мисоллар ёрдамида изоҳланг.
6. Сифат гапда қандай вазифаларда келади?
7. Отлашган сифатларга мисоллар келтиринг.

172-машк. Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

1. Хил-хусусият билдирувчи сифат қайси қаторда берилган?

- А. Жим-жит, салкин, тинч.
- Б. Меҳрибон, ширин,
- В. Оқ, кора, кўк.
- Г. Қўланса, хушбўй, бадбўй, чопағон.

2. Отлашиб келган сифат қайси қаторда берилган?

- А. Катталарнинг ғурури, ёшларнинг шод кулгуси,
Ташаккур айтмоқдадир қалбидан бу наҳорда.
- Б. Оппоқ кордир тоғларнинг боши.
- В. Дарахтлар яшил либос кийган.
- Г. Жавоблар нотўғри.

3. Аслий сифат қайси қаторда берилган?

- А. Оқ, кизил, шўр, сарик.
- Б. Шўх, ёш, енгил, повча.
- В. Пушти, яхши, оғир, кенг.
- Г. Ҳамма жавоб тўғри.

4. Нисбий сифат қайси қаторда берилган?

- А. Оғир, енгил, кизил, нордон.
- Б. Баланд, паст, узун, кенг.
- В. Катта, баланд, кичик.
- Г. Чиройли, серсавлат, бишкеклик.

5. Отлашган сифат қайси қаторда берилган?

- А. Дили тўғрининг тили тўғри.
- Б. Дилимда орзу балайдрок эди.
- В. Болали аёл машина кутиб турган эди.
- Г. Пўлат темирдан каттиқроқдир.

6. Сифатнинг эркалаш шакли иштирок этган қаторни аниқланг.

А. Каримжон яхшимисиз?

Б. Ўқтам хайрлашар экан... ҳовлидан булбулникидай янрок, ёқимтой, тоза овоз эшитилди.

В. Кўркам худқларнинг энг улуғи одамгарчиликдир.

Г. Жавоблар нотўғри.

38-§. Сон ва унинг тузилишига кўра турлари

Топшириқлар:

1. Отлашган сонларга мисоллар келтиринг.

2. Қуйидаги гапларни диққат билан ўқиб, сонларнинг гапдаги вазифасини изохлаб беринг: *Икки ўн беш – бир ўттиз. Ўннинг ярми – беш. Беш карра беш – йигирма беш.*

1. Соннинг номини, нарса-буюмнинг миқдорини, тартибини билдирган сўзлар туркуми сон дейилади. *Неча? Нечта? Қанча? Нечанчи?* каби сўроқларнинг бирига жавоб бўлади.

2. Соннинг номини билдирувчи сонлар (*беш, юз, минг...*) от каби эгалик, келишиқ қўшимчалари билан турланади ва от каби гапнинг бош ва иккинчи даражали бўлақлари бўла олади: *Икки карра икки – тўрт. Тўртнинг квадрати – ўн олти. Ўн олтидан саккизи олсак, саккиз қолади.*

3. Нарса-буюмнинг сон-саногини, тартибини билдирган сонлар асосан аниқловчи бўлиб келади: *Тўрт нафар сайёҳ йўлга тушди. Республикамизда ҳар тўртинчи киши ўқувчидир.*

4. Сонлар ҳарфлар билан (*беш, ўн, юз, саксон* каби) ифодаланади.

5. Ўзбек тилида икки хил рақам–араб (*5, 10, 100, 1000* каби) ва рим (*V, X, C, L, XXIX* каби) рақамлари ишлатилади.

173-машқ. Ўқинг. Рақамлар билан берилган сонларни сўзлар билан ёзиб кўчиринг.

Алишер Навоий – жаҳон маданияти хазинасига катта ҳисса қўшган XV асрнинг буюк мутафаккири. У 1441 йилнинг 9 феввалида Ҳиротда таваллуд топди. 1449 йилда оиласи билан Ироққа кўчиб борди. 8 ёшли Алишер Шарафиддин Али Яздий билан учрашади. А.Навоий 1457-59 йилларда Машҳадда яшади. 1459 йилдан Абусаид саройида яшай бошлади ва Саид

Ҳасан Ардашерга шеърӣ мактуб йўллади. 1468-69 йилларда Самарқанд шаҳрида яшади. 1469 йилда Ҳусайн Бойқаро Ҳиротни эгаллагач, Алишер Навоӣ Ҳиротга қайтади ва дўсти Ҳусайн Бойқаро саройида муҳрдор ҳамда вазирлик лавозимларида хизмат қилди. 1476 йилда вазирлик мансабидан истеъфо берди ва ижод билан машғул бўлди. 1483-85 йилларда «Хамса» асарини ёзиб тамомлади. 1491-98 йилларда «Ҳазойин-ул-маонӣ» («Чор девон») куллиётини тузди. 1501 йил январда Ҳиротда вафот этди.

Сонлар тузилишига кўра 3 хил бўлади:

1. Содда сонлар: *бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўққиз, ўн, йигирма, ўттиз, қирқ, эллик, олтмиш, етмиш, саксон, тўқсон, юз, минг, миллион, миллиард, триллион* ва ҳоказо.

2. Мураккаб сон: икки ва ундан ортиқ сонларнинг кўшиливидан ҳосил бўлади ва доимо ажратиб ёзилади: *ўн икки, бир юз йигирма беш, бир минг тўққиз юз қирқ бир* ва ҳоказо.

3. Жуфт ва такрорӣ сонлар (чизиқча билан ёзилади): *беш-олти, эллик-олтмиш, тўртта-тўрттадан, минг-минглаган одамлар, миллион-миллион йиллар аввал...*

174-машқ. Топишмөкларни ўқинг ва жавобини топинг. Сонларни белгилаб, унинг тузилишига кўра турларини айтинг.

- | | |
|--|--|
| 1. Подачида уч идиш бор:
Ўн иккидир каттаси.
Иккинчиси етти литр,
Бешдир сўнгги биттаси. | Бутунлай тўлдирилган
Сут билан катта идиш.
Уни тенг бўлиш учун
Бажарилар қандай иш? |
| 2. Қутида етмиш шар бор,
Унда қизил, кўк, сариқ.
Йигирма дондан бир,
Қолган ўни қора, оқ. | Муаммо шу: ўн дона
Шар олмоққа бир рангда
Неча дона камида
Шар олинар чангалда?
(Д.Кўзиев) |

175-машқ. Илмий-оммабон ва бадний асарлардан сонлар иштирок этган гаплар топинг. Аввал содда сон, кейин мураккаб сон, охирида жуфт ва такрорӣ сонлар иштирок этган гапларни кўчиринг.

176-машк. Мақолларни кўчиринг. Тиниш белгиларининг қўйи-лиш сабабини тушунтиринг. Отлашган сонларни топиб, гапдаги вазифасини айтинг. Биринчи ва охири гапларни синтактик таҳлил қилинг.

1. Олтовлон ола бўлса, оғзидагини олдирад, тўртовлон тугал бўлса, унмагани ундирар. 2. Санамай саккиз дема. 3. Мард бир ўлар, номард юз ўлар. 4. Бирни кессанг, ўнни эк. 5. Бирни биров беради, кўпни – меҳнат. 6. Бирники – мингга, мингники – туманга. 7. Топган гул келтирад, топмаган бир боғ пиёз. 8. Икки ёрти – бир бутун. 9. Яхши ният – ярим давлат. 10. Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом.

177-машк. Саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. Сон туркумига кирувчи сўзлар қандай маъноларни билдиради?
2. Сонлар ясаладими?
3. Сон қандай рақамлар билан ёзилади?
4. Араб ва рим рақами билан ифодаланган тартиб сонларда қайси вақтда *-чи* (*-инчи*) ўрнида чизиқча қўйилади ва қайси вақтларда чизиқча қўлланилмайди?

178-машк. Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

1. Қийматни билдирувчи ҳисоб сўзлари қайси қаторда берилган?

- | | |
|---------------------------|----------------------|
| А. Арава, машина, замбил. | В. Аср, дақиқа, йил. |
| Б. Сўм, тийин, танга. | Г. Бурда, бош, боғ. |

2. Чама сон иштирок этган қаторни аниқланг.

- А. Биринчилар ўққа тутилди.
- Б. Саккизга олтини кўшса, ўн тўрт бўлади.
- В. Етиб келиб булут чолнинг тепасига,
Уч-тўрт совуқ томчи ташлади.
- Г. Жавоблар нотўғри.

3. Отлашган сон иштирок этган қаторни аниқланг.

- А. Икки ёшнинг тўйи бўлди.
- Б. Мен 2- босқич талабасиман.
- В. Бир туш гул юз гунча очади.
- Г. Укамнинг тўртта товуғи бор.

4. Жамловчи сон қайси қаторда берилган?

- А. Бир, уч, беш, етти, тўккиз.
- Б. Битта, учта, бешта, еттита.
- В. Ўнлаб, юзларча, мингларча.
- Г. Учов, бешала, олтовлон.

5. Тўдалаб, гуруҳлаб кўрсатувчи ҳисоб сўзлари қайси қаторда берилган?

- А. Тўп, даста, кучок. В. Грамм, мискол, ботмон.
Б. Жуфт, пар. Г. Қулоч, таноб, метр.

6. Тартиб сонлар қайси қаторда жойлашган?

- А. Икки, тўрт, олти, саккиз, ўн.
Б. Иккита, тўртта, олтита, саккизта, ўнта.
В. Иккинчи, тўртинчи, олтинчи, саккизинчи, ўнинчи.
Г. Иккитача, тўрттача, олтитача, саккизтача, ўнтача.

7. Отлашган сон қайси қаторда берилган?

- А. Бир-бир гапириб чиқди.
Б. Кампирнинг етиси ўтгандан кейин бир қарорга келишди.
В. Унинг бир алами ўн бўлди, юз бўлди.
Г. Икки кун элга дастурхон берди.

8. Нарсанинг сатҳини билдирувчи ҳисоб сўзлари қайси қаторда берилган?

- А. Ҳовуч, челақ, қошиқ.
Б. Минут, соат, аср, дақиқа.
В. Куб, сантиметр, квадрат.
Г. Гектар, сотих, таноб.

9. Нарсанинг миқдорини доналаб ҳисоблаш ўлчовини билдирувчи ҳисоб сўзлари қайси қаторда кўрсатилган?

- А. Километр, квадрат, таноб. В. Ой, йил, аср, соат.
Б. Чакирим, газ, карич. Г. Жавоблар нотўғри.

10. Қаср сон иштирок этган қаторни аниқланг.

- А. Ўн беш яшар йигит.
Б. Эдик-олтмиш ёшлардаги аёл.
В. Тўрт-беш киши.
Г. Йиғилганларнинг учдан бири.

11. Қуйидаги гапдаги сон қандай вазифада келганини аниқланг.

Бир йил тут эккан киши юз йил гавҳар теради. (М.)

- А. Эга.
Б. Аниқловчи.
В. Тўлдирувчи.
Г. Ҳол.

12. Гапда кесим вазифасида келган сон қайси қаторда жойлашган?

- А. Маданият ривожининг биринчи шarti тинчликдир.
Б. Бир йигитга етмиш ҳунар оз.
В. Эр кишининг сўзи битта.
Г. Олтмишга кирган отадан ош сўрама.

Топшириқлар:

1. Олмош атамасини изохланг.
2. Олмошларнинг турларини сананг ва мисоллар келтиринг.
3. У олмоши қандай вазифаларда ишлатилишига мисоллар келтиринг.

От сифат, сон ўрнида қўлланиб, гапда уларнинг вазифасини бажарадиган сўз туркуми олмош дейилади.

Олмошлар тузилишига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

№	Турлари	Мисоллар	Имлоси
1	Содда олмошлар	<i>Мен, сен, у, ўша, ким, қачон, кимдир</i>	
2	Қўшма олмошлар	<i>ҳар ким, ҳеч нима, ҳеч қандай</i>	Таркибида <i>ҳар, ҳеч каби</i> мустақил қўлланиладиган сўзлар ажратиб ёзилади
		<i>Аллаким, аллақандай, алланарса каби</i>	Таркибида алоҳида қўлланилмайдиган <i>алла</i> сўзи қўшиб ёзилади
3	Жуфт олмошлар	<i>Мен - сен, у-бу, сиз-биз</i>	Чизиқча билан ёзилади
4	Такрорий олмошлар	<i>Ким-ким, шу-шу, ўша-ўша</i>	Чизиқча билан ёзилади

У олмоши шаклан кишилик ва кўрсатиш олмоши бўлиб, уларни гапнинг мазмунидан фарқлаб олинади: *У ҳозиржавоб аскиячи бўлган. У китобча араб алифбосида ёзилган.*

Олмошлар бошқа сўз туркумларидан ясалмайди, яъни олмош ясовчи қўшимча бўлмайди. Олмошлар отлар каби келишиқлар билан турланади.

Изоҳ:

1. *Кимдир, нимадир* олмошларида келишиқ қўшимчаси *-дир* дан аввал келади: *кимгадир, нимагадир каби; қандайдир* гумон олмоши келишиқ қўшимчасини олмайди.

2. *Мен сен* каби кишилик олмошлари қаратқич ва тушум келишиқ қўшимчаларини олганда битта *и* тушиб қолади: *мен+нинг – менинг, сен +ни – сени*

3. У, бу, шу, ўша каби кишилиқ ва кўрсатиш олмошларига жўналиш (-га), ўрин пайт (-да), чиқиш (-дан) келишиқ кўшимчалари кўшилганда, битта *n* орттирилади: у+га–унга, бу+дан–бундан, ўша+да – ўшанда шу+дан–шундан каби.

179-машқ. Матиларни ўқинг. Олмошларни топиб, уларнинг турларини аниқланг. Машқни бажаришда 11- жадвалдан фойдаланинг.

1. Янги бошлиқ идора ходимлари билан танишувга кирганда, ўзини ниҳоятда сипо тутишга ҳаракат қилди. У ҳамманинг кўзи унда эканлигини дарҳол сизди. Енгил эгилиб, барча билан саломлашган бўлди-да, ўзини таништирди. Сўнг ўтирганларнинг ҳар бири хиёл ўрнидан туриб, ўзларининг қандай лавозимда эканлигини, исми ва фамилияларини айтишди.

«Мен бош ҳисобчиман, бу йигит менинг ёрдамчим Ҳикмат Салимов, – деди тўладан келган ёши улуғроқ Ҳайдар ака ва яна кўшиб кўйди. – Исмим Ҳайдар, фамилиям Қудратов». Ёрдамчи йигит қизариб кетди. Шу пайт кимдир томоғини кириб йўталгандай бўлди. Ҳамма жимиб кетди. Бундай нохуш вазиятдан чиқиш учун янги раҳбар гапни бошқа томонга бурди. Кимда қандай саволлар, ҳал қилинмаган қандай муаммолар борлигини суриштирди.

2. Бобом менга варақлари сарғайиб кетган бир китобчани берди. У менга узоқ тикилиб, чуқур ўйга толди, алланарсаларни эслади, шекилли. Сўнгра қандайдир сирли бир оҳангда гап бошлади. «Биласанми? Бу китобчани менга ҳам бобом берган эди. У вақтларда буни ҳукумат одамлари кўриб қолса, бизни жазолашар, бу юртдан бадарға қилишар эди. Шундай кўрқиб яшар эдикки...» – деди.

Китобча араб алифбосида ёзилган оддий эртақ эди. Шунга шунча ваҳима-я! (М.М.)

180-машқ. Олмошларни топинг, турларини аниқланг. Ҳикматларнинг маъзини чақинг.

1. Ҳақиқат бўрондан кучли: у ўз йўлида учраган ҳамма нарсани супуриб ташлайди. 2. Бошқаларнинг бахти ҳақида ғамхўрлик қилиш билан биз ўзимизнинг бахтимизни топамиз. 3. Ёлғоннинг иккита ёмон томони бор: ўзи ҳаммани алдайди, ҳеч кимга ишонмайди. 4. Кимнинг феъли ёмон бўлса, унинг

омади келган чоғда ҳам, ишлари чаппа бўлиб кетаверади. 5. Одоб буюк тождир, уни кийган киши ҳеч ерда хор бўлмайди.

181-машқ. Бадий асарлардан от, сифат, сон ўрнида алмашилиб келган олмошларнинг ҳар бирига иккитадан мисол топинг ва бу гапларни синтактик таҳлил қилинг.

182-машқ. Саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. Олмошнинг маъно ва грамматик хусусиятларига кўра турларини айтиб беринг.

2. Олмошларнинг қайси турларига келишиқ қўшимчалари қўшилганда ўзгаришлар бўлади?

3. Олмошларнинг тузилишига кўра турларини айтинг.

4. Олмошлар гапда қайси гап бўлаги вазифасида келади?

Фикрингизни мисоллар асосида исботланг.

183-машқ. Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

1. Сўрок олмоши иштирок этган жавоб қайси қаторда ўз аксини топган?

А. Ўша жилва ва ўша оташ, Ўша кўзки, сузгин, хаёлкаш.

Б. Ўзимдаги барча яхши фазилатлар учун китобдан миннатдорман.

В. Кимнинг иши тўғри бўлса, у доим беҳавотир бўлади.

Г. Ўз халким учун хизмат қилишга тайёрман.

2. Ўзлик олмоши қатнашган қаторни аниқланг.

А. Ўша учрашувдан бошланди, бу ҳол.

Б. Мен гапирмасам, ким гапиради?

В. Ҳамма пахта йиғим-теримига!

Г. Ҳар фаслнинг ўз хислати бор...

3. Кўрсатиш олмоши қайси қаторда берилган?

А. Ким у сени бунча қийнаган?

Б. Ўша имо, ўша ишора эта бошлар юракни пора.

В. Инсон ўз дўстини бир умрга қадрлаши керак.

Г. Сиз муҳаббат завқидан ҳам, дўстлик завқидан ҳам баҳраманд бўлинг.

4. Бўлишсизлик олмоши қатнашган қаторни аниқланг.

А. Ҳаммалари бир лаҳза жим қолишди.

Б. Ҳозир ҳаммамизнинг кўзимиз мана бу бемаврид ёғаётган қорда.

В. Қўрқитолмас ҳеч қандай душман, чунки севдим Ватанни, сени.

Г. Кимдир эшиқ тирқишидан мўралади.

2. Сифатларнинг даражаси хусусида гапиринг.
3. Сонларнинг маъно ва грамматик жиҳатдан турларини изоҳланг.
4. Олмошларнинг турларини аниқланг.
5. Матндаги 1- ва 2- гапларни кўчириб, синтактик таҳлил килинг.

Ўша куни қирғиз қабиласи Энасой бўйида ўзининг буюк оқсоқолидан жудо бўлди. Ботир кулчи кўп йиллар йўлбошчилик қилди, кўпгина юришларда, жанг-жадалларда қатнашди. Жангларда омон қолди, лекин ажали етди. Қабилadoшлар икки кун катта ғам-аламда ўртандилар, учинчи куни эса, ботирнинг жасадини ерга топширгани йиғилдилар.

Дафн этиш лозим бўлган тепаликда ёруғ жаҳоннинг тўрт томонини кўрсатмоқ учун ботирнинг қабри бош узра кўтарилди. Келажак авлод хотирлаши учун ботирнинг қабри устига мрамар тош қўйилди. Ҳамма нарса ботирни охирги йўлга кузатиб қўйишга тайёр эди. Ўрмон этагида эса тўққизта бия, тўққизта хўкиз, тўққизта тўққизлик қўй қурбонлик учун ҳозирлаб қўйилганди.

Шунда қутилмаган ҳодиса рўй берди. Бир тўда душман ғам-андухга ботган қирғоқдагиларни тонг чоғи тўрт томондан сездирмай ўраб келиб, ҳамлага ўтдиларки, ҳеч ким отга ҳам минолмади, қўлига қурол ҳам ололмади. Ҳаммани бир чеккадан ўлдирди бошлашди. Ҳаммани бир бошдан қилич дамидан ўтказишди. Ҳеч ким қочиб қутила олмади, ҳеч ким омон қолмади. Ҳаммаси ўлдирилди ва куйдирилди. Ўлиб ётганларнинг жасадини қирғоқдан Энасойга улоқтирдилар. Душманлар: «Энди бу ерлар бизники! Энди бу ўрмонлар бизники! Энди бу моллар бизники!» деб қувонишарди.

Улар бой ўлжа билан қайтишар экан, ўрмондан икки бола — бир ўғил ва бир қизнинг қандай чиқиб келганини пайқашмади. Гўдаклар ота-онасидан, элатидан жудо бўлиб қолишди, бир зум ичида етим бўлиб қолишди. Узоқларда эса жанг тўзони кўкка урилар, душманлар қонли кураш натижасида қўлга киритган мол ва қўйларни ҳайдаб кетишарди.

Болалар туёқлар остидан кўтарилган чангни кўриб, ўша томонга югуришди. Улар қонхўр душман изидан йиғлаб,

кичкириб чопишарди. Болалар жон-жаҳди билан узоқ чопишди. Лекин барибир етиб олишолмади. Кейин эса, йиқилиб қолишди. Атрофга бокишга, кимирлашга кўрқишарди. Ҳамма ёқ ваҳимали эди. Шу зайлда бир-бирининг пинжига кириб кўзлари юмилганини билмай қолишди.

40-§. Фейл

Топшириклар:

1. Матни ўқинг. Фейлларни топиб, уларнинг тузилишига кўра турлари ва қайси замонни англатаётганини изоҳланг.

Одамлар бор, ўлгандан кейин унутилиб кетади. Одамлар бор, ўлгандан кейин ҳам яшайверади.

Ойбек эса қанча узоқлашса, шунча яқинлашяпти. Узоқлашган сари кадри ошяпти. Узоқлашган сари одамлар меҳри уни бағрига тортяпти. Узоқлашган сари овози тиниқ, ёрқин эшитиляпти...

Олимларнинг далолат беришларича, ҳозир осмонда чақнаб турган сонсиз юлдузларнинг кўпи минг йиллар олдин сўнган, аммо уларнинг шуъласи ҳалигача келиб турибди.

Ойбек жисмонан сўнди, лекин унинг даҳоси таратган шуъла дилларимизни ҳамон ёритиб турибди. Мен ана шундай буюк зот билан кўп суҳбатларда бўлганимдан ғурурланаман, шундай алломанинг назари тушганидан қувонаман. (С.А.)

Ҳаракатнинг маъносини ифодаловчи мустақил сўзлар феъл дейилади. Феъл шахс ёки нарса-буюм билан боғланиб, унинг ҳаракати ёки ҳолатини англатади. *Ахрор ўқияпти. Малика ўтирибди. Баҳор келди, адирларда майсалар кўкара бошлади.*

185-машқ. Матни ўқинг. Ундаги асосий фикрни аниқлаб, сарлавҳа топинг. Фейлларнинг замони, нисбати ва майлини изоҳланг.

Бир куни арининг кўзи зўр машаққат билан инига дон судраб бораётган чумолига тушди. Таъмагирлиги тутиб деди:

- Эй, чумоли! Ўзингни бу қадар азобга қўйишингдан муддао нима? Менинг ҳаётим, емиш-ичмишимга қараб иш тутсанг бўлмайдимми?! Дастурхондаги ҳар қандай таом менсиз

ейилмайди. Шамолни миниб учаман, истаган ерга кўнаман, хуллас, кўнглим нимани тиласа, шуни ейман.

Сўнг парвоз килиб, тўғри кассобнинг дўконидаги гўштга кўнди. Қассоб кўлидаги пичоғи билан уни мўлжалга олди ва нимдалаб ташлади. Шу ерда юрган чумолилар эса уни судраб кетдилар. (*«Аждодлар ўғити»*)

• Феъл нисбатлари

Иш-ҳаракат билан унинг бажарувчиси орасидаги муносабатнинг ифодаланиши феъл нисбати дейилади.

Феъл нисбатлари 5 хил бўлади.

№	Нисбатлар	Муносабатлар ифодаси	Кўшим-часи	Мисоллар
1	Аниқ нисбат	Иш-ҳаракат эга томонидан бажарилишини билдиради	Нисбат кўшим-часи бўлмайди	<i>Баҳор келди. Зафар ўқиди. Дехқон экалпти.</i>
2	Ўзлик нисбати	Ҳаракат бошқага ўтмай, бажарувчининг ўзида қолганлигини билдиради.	<i>-и, -иш -ди, -диш</i>	<i>Қиз таранди. Балиқ тўрга илди. Илон судралди. У тўғаракка ёзилди.</i>
3	Мажхул нисбат	Иш-ҳаракатнинг бажарувчиси ноаниқ бўлади.	<i>-и, -иш -ди, -диш</i>	<i>Ўғри ушланди. Тўп қозикқа илди. Ер ҳайдалди. қулф очилди.</i>
4	Ортгирма нисбат	Иш-ҳаракат бошқа шахс ёки нарсга-буюм томонидан бажарилганлигини билдиради.	<i>-ти, -тир, -дир, -ир, -ар, -гар, -қиз, -қиз, -ғиз</i>	<i>Ўқит, очтир, Куйдир, кечир, қайтар, турғиз, Тутқиз, ёчқиз, Юргиз</i>
5	Биргалик нисбат	Иш-ҳаракатнинг бир неча шахс томонидан биргаликда бажарилишини ифодалайди	<i>-иш, -иш, -лаш</i>	<i>Сўраишди Кўришди Туришди Баҳслашди Сўхбатлашди</i>

186-машқ. Кўчининг. Феълларни топиб, нисбатларини аниқланг. Нисбат ясовчи кўшимчалар остига чизинг. Мажхул нисбатдаги феълларни белгилаб, уларнинг ясалишини ва бошқа нисбатлардан фаркли жиҳатларини тушунтиринг.

1. Одамда уч фазилат бор: тўғри сўзлайди, ҳаромдан сакланади, мол-дунё ортгирмайди. (*Ҳ.*) 2. Бу кий-чув орқасидан меҳмонларга қуюқ-суюқ берилди. (*А.Қод.*) 3. Дастурхон ёзил-

ди, мева-чева тортилди, кишлок катталари хам ноиб ўтирган сўрига чиқиб, дастурхон атрофига ўтирдилар. 4. Бошқа йигит - қизлар Қозоғистонга, газеталарда ёзилаётган хақиқий кўрик ерларга кетишган. (Ч.А.) 5. Ҳайдовчи машинани бирдан тўхтатди, кабинадан тушиб, ғилдирак остига караб юзларини буриштирди ва яна шиддат билан юргизди. 6. ... Саройдан чопар келиб уни уйғотди. (О.Ё.) 7. Кимки бировдан ёмонлик кўриб, унга яхшилиқ қилса, мен ўша одамга ўхшашни истардим. (Ю.Х.Ҳожиб) 8. Паркнинг энг охирига борганда, ўнг кўлдаги қизил кум сепилган торгина йўлнинг бўйида чирмовиқ билан қопланган кичик бир соябон кўринди. (О.Ё.) 9. Шунда ҳам атиги иккита трактор билан ишга киришилди. (Ч.А.) 10. У серсокол кимсани чодирда қолдириб, каминани чодир ортидаги тепага бошлаб чиқди, эғнидаги чакмонини гиёҳлар устига ёзиб, ёнбошлади. (О.Ё.)

187-машқ. Ўқинг. Феълнинг қайси нисбатда эканлигини аниқланг. Орттирма ва биргалик нисбатини ясовчи кўшимчаларни изоҳланг.

1. Онам шўрлик бир кўз билан ўстирди. Емай едирди. Киймай кийгизди! (Ў.Ҳ.) 2. Паровознинг узок-узокларга таралган чўзик овози мени хушимга келтирди. (Ч.А.) 3. Бир одамнинг уйига меҳмонлар келишди. Меҳмон уларни ҳурмат билан кутиб олди, яхшилаб меҳмон қилди. Овқат еб, чой ичиб, узок суҳбатлашишди. Туришни хаёлларига ҳам келтирмадилар. Уй эгасининг меҳмонларга руҳсат бергиси келди. Аммо бекорчи меҳмонлар ҳеч кўзғолишмади... Шунда уй эгаси эшикни очди, ичкари ҳовлисига караб, ўз хотини билан гаплашаётгандай бўлиб: «Ҳозир, ҳозир туришяпти», – деди. (Журн.) 4. Биров эшикни секин-секин тақиллатяпти. Юрагим дуқиллаганича ҳовлига тушдим, кўнглим ёришиб кетди. (Ў.Ҳ.) 5. Нашриётдагиларга кўчиртириш учун тез-тез кўлёмалар олиб келишади. Лекин ўзларининг ишлари кўп бўлганидан гоҳида қайтариб беришарди. Энди келган кўлёмаларни менга юборишяпти. Сал ишларим юришгандай бўлди. (С.А.) 6. Зайнаб ўйланиб қолди. Аммо бу ўй ақлга урилган қулф зулфини буза олмади. Итоаткорлик билан ўрнидан туриб, кийимини ўзгартирди. Улар катта кўчага чиқишиб, йўловчи машинани тўхтатишди. (Т.М.) 7. Қизча ётсираб қовоғини солиб, тескари бурилди. (О.)

♦ Феъл майллари

Иш-ҳаракатнинг воқеликка муносабатини, мойиллигини ифодалайдиган тоифа майл дейилади. Феъл майллари 4 хил бўлади.

№	Майллар	Воқеликка муносабат	Қўшимчалари	Мисоллар
1	Хабар (аниқлик) майли	Иш-ҳаракатнинг уч замондан бирида бажарилиши ёки бажарилмаслигини билдиради.	Феъл ўзагига уч замон қўшимчаси қўшилади.	<i>Англадим Кўрятсан Бормоқчи экан</i>
2	Буйрук-истак майли	Иш-ҳаракат ҳақида буйрук, истак, маслаҳат илтимос маъноларини билдиради.	I шахс -й, -ай, -лик	<i>Ўқий, ёзай, Ўқийлик ёзайлик.</i>
			II шахс Феъл ўзаги -гин	<i>Ишла, гапир Ишлагин, гапиргин</i>
			III шахс -син -синлар	<i>Бошласин Ўтирсинлар</i>
3	Шарт майли	Иш-ҳаракатнинг бажарилиши учун ундан олдин бажарилиши шарт бўлган иш-ҳаракатларни билдиради.	-са I ш. -сам, -сак II шахс-санг, -сангиз III шахс -са, -салар	<i>У келса, мен бораман, Юрсам, юрсак Юрсанг, юрсангиз Юрса, юрсалар</i>
4	Мақсад майли	Иш-ҳаракатнинг бажарувчининг мақсади, мўлжалли, ниятини билдиради.	-моқчи I, II, III шахс бирлик ва кўпликда келади	<i>I. Бормоқчиман II. Айтмоқчисан III. Ишламоқчи</i>

Изоҳ. Буйрук майлининг II шахс бирликдаги шакли феъл негизига тенг: *ўқи, кел, юр, сўзла*. Баъзан уларга *-гин* қўшимчаси қўшилади: *ўқигин, юргин, келгин, сўзлагин*.

188-машқ. Кўчиринг. Феълларни топинг, қайси майлда эканлигини айтинг ва майл ҳосил қилувчи қўшимчаларининг остига чизинг.

1. Асадбекнинг қулоғига дўстининг сўзлари кирмас эди. (Т.М.) 2. Кучли одамнинг ғазабидан қўрқманг, ожизниқидан қўркинг. (Ҳ.) 3. Жаҳл келса, ақл қочади. (М.) 4. Кераксиз нарсаларни кетидан югурсанг, керакли нарсалардан маҳ-

рум бўласан. (X.) 5. Сен тарихга тўппончадан ўқ отсанг, тарих сенга замбаракдан ўқ отади. (P.Хамзатов) 6. Ўзингга яхшилик истасанг, ўзгаларга ёмонлик қилма. (X.) 7. Нафиса юрагида бор гапни айтмоқчи, орани очиқ қилмоқчи. 8. Ҳа, майли, жуда бола ўқитгин келиб қолган бўлса, ўқитавер... (Ч.А.) 9. «Яқинроқ боринг, салом беринг, кейин... розилиқларини олинг», - деди уй бекаси. (Т.М.) 10. ...Агар бўш бўлсангиз дарс тайёрлардик. (О.Ё.) 11. Мирзоҳид Мирзараҳимов хикояларини бир зарб билан ва равон ёзади. Зеро, улар бир ўтиришда завқ билан ўқилади. (Қ. М.)

189-машқ. Ўзингиз ёқтирган адиб асаридан 7-8 гапдан иборат парча кўчириб ёзинг. Феълларнинг остига чизиб, қайси майлда эканлигини айтинг.

190-машқ. Саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. Феълларнинг тузилишига кўра турларини айтинг.
2. Феъл нисбатлари деганда нимани тушунасиз?
Унинг қандай турлари бор?
3. Феъл майлларининг қандай турлари бор?

41-§. Феъл замонлари

Топшириқлар:

1. Феъл замонлари ҳақидаги тушунчаларингизни баён этинг.
2. Феъл замонлари нимага асосан белгиланишини тушунтиринг.
3. Қуйида берилган гаплардаги феълларнинг қайси замонга оид эканини аниқланг.

Айбсиз дўст кидирган киши яккаланиб қолади. Арзимас айби учун хафа бўлаверадиган кишининг дўстлари душманга айланаверади. Дўстининг ўзидан ўзиб кетаётганини кўра олмаган киши ғам остида юраверади. (Юсуфий)

Феълларда замон тушунчаси иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтга нисбатан белгиланади. Иш-ҳаракат нутқ сўзлашиб турган пайтдан аввал бажарилган бўлса – ўтган замон; нутқ сўзлашиб турган пайтда бажарилса – ҳозирги замон; сўзлашаётган пайтдан кейин бажарилса – келаси замон бўлади. Демак, феъл замонлари 3 хил бўлади.

1. Ёздим, ёзганман, ёзган эдим – ўтган замон;
2. Ёзяман, ёзмоқдаман, ёзаётirman – ҳозирги замон;
3. Ёзмоқчиман, ёзарман, ёзаман – келаси замон.

Ҳар учала замондаги феъллар ҳам уч шахсда ва сонда тусланади.

Ўтган замон		Ҳозирги замон		Келаси замон	
Бирлик	Кўплик	Бирлик	Кўплик	Бирлик	Кўплик
Келдик	Келдик	Келяпман	Келяпмиз	Келмоқ- чиман	Келмоқчимиз
Келдинг	Келдингиз	Келяпсан	Келяпсиз	Келмоқ- чисан	Келмоқчисиз
Келди	Келдилар	Келяпти	Келяптилар	Келмоқчи	Келмоқчилар

191-машқ. Ўқинг. Феълларни аниқланг. Аввал ўтган замон феълларини, сўнг ҳозирги ва келаси замон феълларини ёзинг. Замон маъносини ифодаловчи кўшимчалар тагига чизинг.

1. Табиатга окшом пар қанотини ёймоқда. (*Э.Охунова*)
2. Камтарлик кишини юксакликка кўтаради, манманлик эса тубанликка етаклайди. (*Ҳ.*)
3. Подшоҳ қаттиқ қайғурибди ва пешонасига уриб йиғлабди. (*Эртак*)
4. Шохдор она буғи эса худди аввал кўргани сингари меҳрибонлик билан тикилиб турарди. (*Ч.А.*)
5. Тахмин қилишларича, Ҳувайдо XVIII асрнинг бошларида Ўш шаҳрида таваллуд топган. У Чимёнда кўп йиллар яшаган ва мактабдорлик қилган. (*Қ.М.*)
6. Муқаддас билан хайрлашиб орқамга қайтарканман, менинг кўнглим ҳам худди ёмғирдан кейинги осмондек чараклаб кетганди. (*О.Ё.*)
7. Фақат кейинги омон-омон замонидагина қирк йилдан бери дафтар қатларида «ухлаган» шеърлар кўзини очди. (*С.А.*)

192-машқ. Матндаги феълларни топинг, уларнинг тузилишига кўра турларини айтинг, таҳлил қилинг.

Ирода

Уч нарса уч вақтда керак бўлади: қаҳру ғазаб вақтида ўзини тута билиш, бошга кулфат тушганда бетоқат бўлмай, сабр қилиш ва хайрли ишга шошилиш. (*Ҳ*)

Фейъллар 2 хил усул билан ясалади:

1) феъл ясовчи кўшимчалар билан: *ишлади, кўпайди, тинчланди;*

2) сўзларни кўшиш йўли билан: *дам олди, айтиб қўйди, савоб бўлади, қутқариб қолди.*

193-машқ. -ла, -а, -илла, -р, -ир, -ар, -ай, -сира, -имсира, -ик, -иқ кўшимчаларидан феъллар ясанг ва ҳосил бўлган феъллар иштирокида гаплар тузинг. Феъл ясовчи кўшимчалар тагига чизинг.

194-машқ. Ўқинг. Ясовчи кўшимчалар ёрдамида ҳосил бўлган феълларни аниқлаб изоҳланг.

1. Асадбек кўчага чиқишни хоҳламади, кўнгли уйда ёлғизликни истади. (Т.М.)
2. Кейинги ҳафта Шерзод учун бир йилдек чўзилди. (Ў.Х.)
3. Тун бўйи шаррос куйган ёмғир куни билан тинмади. Осмони фалакни тўлдириб юборган қора булутлар қаҳр билан тўлганиб, савалаб сел куярди. (Х. Султон)
4. Ўрта аср фан ва маданиятига улкан ҳисса қўшган Абу Наср Форобий илм-маърифатнинг кўп соҳаларини мукаммал эгаллаган ва ўзидан кейин салмоқли мерос қолдирган. (Жури.)
5. Ҳар бир халқнинг келажагини, маданий равнақини она тилига бўлган муносабати белгилайди. Ўз она тилини йўқотган, унутган халқ илдизсиз дарахтга ўхшайди. Бундай одамларнинг калби, тафаккур дунёси худудсиз саҳрони эслатади. (Газ.)
6. Улар кўпинча имтиҳонларга бирга тайёрланишарди. (П.К.)

• Сўзларни кўшиб феъл ясаш ва уларнинг ётилиши

Сўзларни кўшиш йўли билан ясалган феъллар кўшма феъл дейилади.

Кўшма феълларнинг ташкил топишини умумлаштириб, икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Феъл билан феълнинг бирикувидан ҳосил бўлган кўшма феъллар: *кўриб қолди, ёзиб олди, айтиб қўйди, ёза бошлади, айтиб қўя қолди, ушлай олмади, била олмади.*

2. Феъл бўлмаган сўзлар билан феълнинг бирикувидан ҳосил бўлган кўшма феъллар: *хурсанд бўлди, имзо қўйди, йўлга тушди, ёрдам берди, эълон қилди, тасдиқ қилди.*

Айрим кўшма феълларнинг содда феъл шакллари ҳам ишлатилади: *тасдиқ қилди – тасдиқлади, имзо чекди – имзолади, ёрдам берди – ёрдамлашди, кўмаклашди.*

Бу турдаги кўшма феъллар асосан ажратиб ёзилади: *касал бўлди, тўқий бошлади, айта олмади, кўша олмади* каби.

Эслатма: *бора олмади, қайта олмади, бажара олмади* каби кўшма феълларда баъзан биринчи қисмидаги **-а** тушиб қолади, у вақтда кўшма феъл таркибидаги қисмлар кўшиб ёзилади: *беролмади, қайтолмади, бажаролмади* каби.

Эмоқ (*эди, экан, эмиш*) кўмакчи феъли ўзи мустақил маъно англатмайди. Шунинг учун эмоқ кўмакчи феъл кўшилган сўз кўшма феъл бўла олмайди. **Эмоқ** барча сўз туркумлари га ҳам кўшилиб келиши мумкин: *Деҳли жуда катта шаҳар экан. Малика гоаят гўзал эмиш... Икки соннинг йигиндиси йигирма эди. Бу гоаяни кўтариб чиққан киши мен эдим. Сотувчилар харидорлардан ҳам кўп эди. У беш ёшиданоқ ўқиш-ёзишни билар эди.*

Эмоқ (*эди, экан, эмиш*) кўмакчи феъли доим ажратиб ёзилади. Нутқимизда *биларди, кўраркан, юрармиш* тарзида энинг тушиб қолиши ҳодисаси учраб туради. У вақтда сўз қисмлари кўшиб ёзилади.

195-машк. Ўқинг. Феълларни ёзиб, қандай усул билан ясалганлигини тушунтириб беринг.

Болалигимни эсласам, илик ёз кечалари кўз олдимга келади. Ҳовлимизда бир туп бодом бўларди. Эрта баҳорда қийғос гулларди-ю, ҳеч мева тугмасди. Онам: «Бодом ёлғиз бўлгани учун мева қилмайди», деб тушунтирарди. Шу бодом тагида супа бор эди. Кун ботиши билан онам ҳовлига кўлоблатиб сув сепар, кунбўйи офтобда кизиган ер ҳиди супа олдидаги райхонлар исига кўшилиб ажиб бир тароват таратар, атроф жимжит бўлиб қолар эди.

Кейин йирик-йирик юлдузлар билан тўлган осмонга тиллақошдек ингичка ой сузиб чиқарди... (Ў.Ҳ.)

196-машк. Бадний асардан 20 та кўшма феъл топинг. Аввал қисмлари кўшиб ёзиладиган кўшма феълларни, кейин ажратибли ёзиладиган кўшма феълларни ёзинг. Кўшма феълларнинг имлосига эътибор беринг.

♦ **Жуфт ва такрорий феъллар ва уларнинг
ёзилиши**

Айтди-қўйди, ташлади-кетди, берди-қўйди каби жуфт феъллар;

Югурди-югурди (ета олмади), гапирди-гапирди (таъсир қилмади) каби такрорий феъллар доимо чизикча билан ёзилади.

197-машқ. Мавзу танлаб, қисқа ҳажмли ҳикоя ёзишга тайёрланинг. Ижодий ишингизда жуфт ва такрорий феъллардан фойдаланишга ҳаракат қилинг.

198-машқ. Грамматик топишмоқларни диққат билан ўқинг ва жавобини аниқланг.

- | | |
|---|---|
| 1. Ўйин, кийин, паст, сон, от
Сўзлари ўзгарибди.
Ўйна, кийна ҳам ата,
Пасай, сана бўлибди.
Ким доно бўлса топсин,
Нега шундай бўлибди? | 2. Сон саноғин бўлибди,
Онг англагин бўлибди,
«Сон», «онг» сўзларида «о»
Бир юмалаб «а» бўлибди.
Ўйлаб топинг, болалар,
Нега шундай бўлибди? |
| 3. Ўзак-негизида -иб
Гохида бўлади -б.
Сўнг қўшилар шахс-сон,
Қандай феъл, қайси замон? | 4. Терди ҳам тердиришди,
Тердирилди, тердирди.
Феъллар қайси нисбатда
Ким топади бир пасда? |

199-машқ. Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

1. Қайси қаторда кўшма феъл иштирок этган берилган?

- А. Ақли калта кишининг одатда тили жуда узун бўлади.
- Б. Севдирган ҳам тил, бездирган ҳам тил.
- В. Ҳечдан кўра кеч бўлса ҳам майли.
- Г. Қадр билмас қариндошдан кадр билган ёт яхши.

2. Ортгирма нисбатдаги феъллар қайси қаторда жойлашган?

- А. Бордим, яйраймиз, ўкибди, гапирмоқда.
- Б. Силкинди, илинди, таркалган, таранди.
- В. Берилди, куралди, ювилди, кўрилди.
- Г. Ишлатди, кулдирди, юргизди, айттирди.

3. Мажхулик нисбатидаги феъл иштирок этган гап қайси қаторда берилган?

А. Қор куралди, ерга тахта ёткизилди.

Б. Бола ювиниб, таради.

В. Ёнғок иккига бўлинди.

Г. Ишлатди, кулдирди, юргизди, айттирди.

4. Шарт майлидаги феъл иштирок этган гап қайси қаторда ўз ифодасини топган?

А. Қорамтир осмонда юлдузлар чарақлай бошлади.

Б. Агар бунинг тагига етсак, аломат иш бўларди.

В. Жафо чекмаган одам сафо кадрина билмайди.

Г. Жавоблар нотўғри.

5. Мақсад майлидаги феъл иштирок этган гап қайси қаторда берилган?

А. Қуи оққандан сўнг жўнасанг, бир манзилга етиб олардинг.

Б. Энди дарёга тўғон солмоқчи бўлиб турибмиз.

В. Ўлкамизга фасллар келинчаги баҳор кириб келди.

Г. Жавоблар нотўғри.

6. Буйрук-истак майлидаги феъл иштирок этган гапни аниқланг.

А. Муҳит узра канотингни ёз, Оккушларнинг ўлкасида юр.

Б. Одам ҳамма нарсага чидаса ҳам, ёлғизликка чидамаса керак.

В. Қани, кетдик.

Г. Сенинг тилинг келишса ҳам, дилинг келишмайди.

7. Хабар (аниқлик) майлидаги феъл қайси қаторда берилган?

А. Агар одам бўлай десанг, ишда кўрсат ўзингни.

Б. У бугун хурсанд, баҳор унинг гўзаллигига гўзаллик кўшган.

В. Қаддингизни уринг. Кулинг. Яшанг, давримизнинг шод наслари.

Г. Жавоблар нотўғри.

8. Келаси замон мақсад феъли иштирок этган қаторни аниқланг.

А. Мен куздан бошлаб ўқишни давом эттирмоқчиман.

Б. Анвар эртага тушдан кейин кўчиб келадиган бўлди.

В. Қураш давом этмоқда.

Г. Жавоблар нотўғри.

9. Феълнинг орттирма нисбат шакли ҳосил қилувчи кўшимча қайси қаторда ўз аксини топган?

А. -(и) л, -(и) н.

В. -гиз, -газ, -киз.

Б. -(и) ш, -м, -нгиз.

Г. жавоблар нотўғри.

10. Феълнинг майл категорияси неча турли бўлади?

А. 3; Б. 5; В. 4; Г. 2;

11. Шарт майлидаги феъл қайси мисолда берилган?

- А. Шундай ўлка доим бор бўлсин...
- Б. Дафта-дафта гуллар келтирсин.
- В. Қарда кураш бўлмаса, у ерда ўсиш бўлмайди.
- Г. У ширин туш кўргандай уйғонди, маънос.
- Д. Жавоблар нотўғри.

12. Ўзлик нисбатидаги феъл иштирок этган қаторни аниқланг.

- А. Овози титраб ютинди.
- Б. Бу кампир Элмуродга ўглининг дўшиси билан кўйлак ва камзулини кийгизди.
- В. Бобохўжа домла ишдан бўшатилади.
- Г. Болалар мактаб стадионида югуришди.

13. Биргалик нисбатидаги феъл қатнашган қаторни аниқланг.

- А. Қизгин табриклардан кейин кечанинг расмий қисми тугади.
- Б. Хуфтондан сўнг йигитни чакиртирди.
- В. Меҳмонлар кўприқдан ўтишди, бирин-кетин чойхона томонга юришди.
- Г. Башарасига тушган қамчи зарбидан ерга йиқилди.

14. Жуфт феъл иштирок этган мисолни белгила.

- А. Лола бўлган воқеанинг ростини айтди-қўйди.
- Б. Қақраб ётган экин майдонларига обиҳаёт оқиб борди.
- В. Меҳмонхонага қайтгач, нотаниш одамларни кўриб таажжубланди.
- Г. Элчин бундай совға кутмаган, ҳатто орзу ҳам қилмаган эди.

15. Феълнинг биргалик нисбати шакли ҳосил қилувчи қўшимча қайси қаторда ўз аксини топган?

- А. -л, -ил, -н, -ин.
- Б. -г, -гир, -дир, -гиз, -қиз.
- В. -ш, -иш, -лаш.
- Г. жавоблар нотўғри.

16. Феълнинг буйруқ-истак майлини ҳосил қилувчи қўшимча қайси қаторда ўз аксини топган?

- А. -моқчи.
- Б. -са, -сам, -сак, -санг, -сангиз.
- В. -ш, -иш, -лаш.
- Г. -й, -ай, -лик, -гин, -син, -син-лар.

Топширик:

Куйида берилган гапларни ўқинг. Феъл шакллари ни белгилаб, турини ва қўшимчасини айтинг.

1. Ватанни севмоқ – иймондандур. 2. Кимки ақлли бўлса, ҳақиқатни англаб, камолотга эришади. 3. Катталарга салом бериш – одобилик белгисидир. 4. Дехкон ер ҳайдаб, уруғ сочмагунча, хирмон кўтарилмайди. (*А.Дониш*) 5. Бахтни бировларнинг остонасидан қидиришнинг ўзи – бахтсизликнинг боши. (*А.К.*) 6. Кўрганни кўрмаган енгибди. 7. Интизом кишиларнинг белгиланган маълум одоби бўлиб, одамлар томонидан ўрнатилган тартиб ва қоидаларни эгаллаш мажмуасидир.

Феъл шакллари 3 хил: сифатдош, равишдош, ҳаракат номи.

Ҳар учаласининг асосини феъл ташкил қилади, яъни феъл ўзагига қўшимчалар қўшиш натижасида феъл шакллари ҳосил бўлади:

Ўқиган бола, оқар сув – сифатдош

Кўтариб келди, кулиб гапирди – равишдош

Ўқиш, ёзув, ишламоқ – ҳаракат номи

♦ Сифатдош

Иш-ҳаракатнинг белгисини билдиради. Сифатга яқин бўлади. Сифатнинг саволларига жавоб бўлади. Асосан, шахснинг, нарса-буюмнинг ҳаракат томонидан белгисини билдиради: *ўтирган қария, қурилган бино, артилган ишиша, қайнар булоқ, кулаётган бола.*

Сифатдошлар куйидаги қўшимчалар билан ясалади:

- **ган:** *юрган киши, ўтирган қиз;*

- **кан:** *чеккан бола, менга теккан мукофот;*

- **қан:** *чиққан қўл, юққан дард, боққан она;*

- **р, -ар:** *қайнар булоқ, оқар сув, турар жой;*

- **ётган:** *ўсаётган бола, битаётган иш.*

И з о х: **-ар** қўшимчасининг бўлишсиз шакли **-мас:** *Айттар сўзни айт, айтмас сўздан қайт.*

Сифатдош отлашиши мумкин, яъни сифатдош аниқлаб келаётган от тушиб қолади. У вақтда сифатдош от вазифасини бажаради ва *ким? нима? сўроғига* жавоб беради: *Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар. Билгани билмаган енгибди.*

Э с л а т м а: **-ган** сифатдош ясовчи қўшимча феълнинг узок ўтган замон қўшимчаси вазифасида ҳам келади. Масалан, *Бола ўқиган* жумласи тугалланган фикрни билдиради, йиғиқ содда гап. *Ўқиган бола* бирикмасидаги *ўқиган* сўзи бола сўзининг ҳаракат томондан белгисини англатмоқда. Бу сўз бирикмасидир.

200-машқ. Гапларни ўқинг, сифатдошларни аниқлаб, гапдаги вазифасини изоҳланг.

1. Нега ҳар бир нарсага етган ақлинг шунга қолганда оксайдир. (*А. Қод.*) 2. Сайраётган кушлар, ўтлаб юрган моллар, ишлаётган одамлар тўхтаб, жим кулоқ солаётганга ўхшайди. (*А. Сидиқов*) 3. Ошиққан ошга етгунча, боши тошга етади. (*М.*) 4. Эрка ўсган ўғил-қизлар ота-онага мунг ва алам келтиради. (*Ҳ.*) 5. Айтилган сўз – отилган ўқ. 6. Зиён қилмайдиган душман яхшилиқ қилмайдиган дўстдан афзал. (*Ҳ.*) 7. Агар ақл кўзга кўринадиган жисм бўлганда эди, дунёни қоронғулик босмас эди. 8. Чойхона рўпарасида пастак томига қора қоғоз ташланган, деразасининг кўзига ялтироқ хитой қоғоз ёпиштирилган сартарошхона бор экан. (*Ў.Ҳ.*) 9. Элдан уялмаган кишининг эл олдида қадри бўлмайди. (*Ҳ.*) 10. Қишни кўрмаган булбул баҳор қадрини билмайди. (*Ҳ.*)

♦ Равишдош

Равишдош иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини ифодалайди. Равишга яқин бўлади. Шунинг учун равишдош ҳам феълга, ҳам равишга хос хусусиятларга эга: *У ҳар доим ўйлаб гапирди.*

Равишдошларнинг ясалиши ва ёзилиши.

Феъл ўзагига қуйидаги қўшимчаларни қўшиш билан равишдошлар ясалади:

-б, -иб: *Ўйнаб гапирсанг* ҳам, *ўйлаб гапир.* (*М.*)

-й, -а: *Қурувчилар ишлай-ишлай чарчадилар.* *У кула-кула сўзлаб берди.*

Изоҳ: *-й, -а* билан ясалган равишдошлар ҳар доим такрорий келади.

-гач (-қач, -қач): *Иш тугагач, ўқувчилар дам олдилар. Кўчатни эккач, дарҳол сугориш керак. Улар қуёш чиққач, йўлга тушишди.*

-гунча (-қунча, -қунча): *Баҳор келгунча кутар эканмиз. Мош эккунча, бодринг эк. Нотиқ минбарга чиққунча, қарсақ тинмади.*

-гани (-қани, -қани): *Алдагани бола яхши. Чиқиндиларни тўққани чуқур қазилди. Далага қўйларни боққани йўл олди.*

Равишдошлар гапда ҳол, қўшма гапларда эргаш гапнинг кесими ва қўшма феълларда етакчи феъл вазифасида келади.

1. *У котиба қиз билан саломлашиб, ичкари кирди.*

2. *Бир қўчқорнинг шохи сингунча, юзта қўйнинг боши кетади.* 3. *Хатни почтачидан бериб юборди.*

201-машқ. Равишдошларни топинг ва гапдаги вазифасини айтинг.

1. Кун ботиб, қош қорайган эди. Бир дилозор йўл-йўлакай оқил ва фозил Периклни ҳақоратлаб келаверди. Перикл ломлим демади. Уйига етиб келганда, хизматкорини чақириб, деди: «Машғал ёкиб, жанобни уйигача элтиб қўй». Табиатан хушфеъл Периклнинг юнон давлат арбоби сифатида кўтарилиши бежиз эмас эди. Ёмон гаплар унинг бир қулоғидан кириб, иккинчи қулоғидан чиқиб кетарди. («*Маишхур кишилар ҳаётидан*») 2. Бир содда одам ҳар кеча болтасини омборхонага яшириб, эшигини кулфлаб кўяр экан. (*Эртак*) 3. Доно бўлмайд туриб, камтар бўлиш мумкин, аммо камтар бўлмайд туриб, доно бўлиш қийин. (*Хитой мақоли*) 4. Ёмоннинг яхшиси бўлгунча, яхшининг ёмони бўл. (*М.*)

5. Ўзимизникини ерларга уриб,

Четникини роса мактовчилар бор.

Ҳамма нарсамизни ёмонлаб туриб,

Нонимизни ейишдан қилмайди ор. (*С. Михалков*)

6. Баҳс қилиб, суҳбатлашиб юринг, одамлар,

Юраклар, тилаклар бўлади яқин.

Ҳатто суҳбат қуриб яшар дарахтлар. (*У. Темура*)

Иш-ҳаракатнинг номини билдириб, замон, шахс-сонни билдирмайди. Отга хос вазифаларни бажарадиган феъл шаклидир. Ҳаракат номи феъл ўзагига қуйидаги қўшимчаларни қўшиш билан ҳосил бўлади:

-и, -иш: куйла+иш – куйлаш, ўқи+иш – ўқиш, ёз+иш – ёзиш, тик+иш – тикиш ;

-моқ: гапирмоқ, буюрмақ, ўйламоқ;

-в, -ув: ишла+в – ишлов, қишла+в – қишлов (феъл ўзагидаги **а** **о** га айланади) бил+ув, кўр+ув, кут+ув

202-машқ. Берилган ҳикматларни ўқинг. Ҳаракат номини топинг ва қандай вазифада келганини изоҳланг. Товуш ўзгаришига ва ёзилишига эътибор беринг.

1. Олмоқнинг бермоғи бор. 2. Қўрқув инсонни заиф қилади. 3. Ўқиш – улғайиш. 4. Яшашдан мақсад – курашишдир. 5. Ерга ишлов бермоқ – мўл ҳосил гарови. 6. Келиш меҳмондан, руҳсат бериш мезбондандир. 7. Сир сақлаш – тил остига чўғ солиб туришдан ҳам машаққатлироқ. 8. Яхшилик қилиш қўлингдан келмаса, ёмонлик қилишдан сақлан. 9. Меҳнат қилмоқ – яшамок.

203-машқ. Қуйидаги феъллардан ҳаракат номи ясанг ва ҳар бирига биттадан гап тузинг.

Тингла, югур, қишла, бўша, яша, сува, кура.

204-машқ. Саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. Феълнинг қандай вазифадош шаклларини биласиз?
2. Сифатдош, равишдош, ҳаракат номи атамаларига изоҳ беринг.
3. Нима учун улар сўз туркумларининг феъл бобида ўрганилади?
4. - **дош** қандай қўшимча?
5. *Бола ўқиган, ўқиган ўзар, ўқиган бола* бирикмаларида *ўқиган* сўзи қандай вазифада келяпти?
6. Ҳаракат номи гапда қандай вазифаларда келиши мумкин?

Топшириқлар:

I. Қуйидаги гапларни ўқинг ва равишларни топинг.

II. Равишларнинг маъно жиҳатдан турини ва қайси сўз билан боғланганлигини изохланг.

III. Равишларнинг гапдаги вазифаларини аниқланг.

1. Олимларнинг хизмати мангу қолади. 2. Манас чегарага алоҳида эътибор берди. Хавф-хатарга ҳамиша тайёр турди. («М») 3. Йигит кишига етмиш хунар ҳам кам. (М.) 4. Бахтиқбол секинлик билан, бахтсизлик эса тез келади. 5. Юрак тор бўлса, инсон тез қарийди. 6. Одамларга доим табассум билан боқ, шунда ҳаёт сенга дўстона қўл чўзади. (Х.) 7. Ҳозирги ёшлар янгича фикрлайдилар.

♦ **Равиш ва унинг маъно турлари**

1. Иш-ҳаракат ва ҳолатнинг белгисини билдиради.
2. Асосан феълга, айрим равишлар сифат ва отга боғланади.
3. Гапда ҳол вазифасида келади.

Турлари	Саволлари	Мисоллар
Ҳолат равиши	<i>Қандай? Қай ҳолда? Қай тарзда?</i>	<i>Тез, секин, бирдан, дўстона, шошилганча, зўрга, аранг, мардларча;</i>
Пайт равиши	<i>Қачон? Қачонгача? Қачондан бери?</i>	<i>Ҳозир, аввал, эртага, ба- ҳоргача, кечгача, бултур- дан бери, тушдан буён;</i>
Ўрин равиши	<i>Қаерда? Қаердан? Қаерга?</i>	<i>Ўнгда, орқада, баландда, чапдан, олдидан, ичкарига, ташқарига;</i>
Даража-микдор равиши	<i>Қанча? Қай даража- да?</i>	<i>Оз, кўп, талай, анча, кўплаб;</i>
Сабаб равиши	<i>Нима учун? Нима сабабдан?</i>	<i>Ноилож, ночорликдан, чо- расизликдан, касаллик ту- файли;</i>
Мақсад равиши	<i>Нима учун? Нима мақсадда?</i>	<i>Атайин, атайлаб, қасд- дан, жўрттага, қутулиш мақсадида.</i>

206-машк. Ўқинг. Равишларни топиб, маъносига кўра турини аниқланг ва қандай сўроққа жавоб бўлиб келаётганини айтинг.

1. Ор - номусга сокчи бўлар ақл ҳар доим. (*Абай*) 2. Доно ва нодоннинг фарқи биттагина: доно доимо ўйлаб кўриб, онда – сонда гапиради, нодон доимо гапиради ва ҳеч қачон ўйламайди. (*Ҳ.*) 3. Ақллилар кўпдир, ақлни ишлатганлар оз. (*Маҳтумқули*) 4. Бу қанақа замондир? Ўйлаган кўп, кулган оз. (*Озарбайжон халқ қўшиғи*) 5. Карнай-сурнай бирдан тўхтади. (*М.Исм.*) 6. Қўрқоқ олдин мушт кўтарар. (*М.*) 7. Раъно оҳистагина Анварнинг ёнига келиб, супага суянди. (*А.Қод.*) 8. Анҳор бўйига пиёда келдим. Одамларнинг бунчалик бепарво юришига ҳамон кўника олмасдим. (*Ў.Ҳ.*) 9. Хужрага қоронғилик чўкканига анча бўлди. У атайин чироқ ёкмади. (*С.А.*)

10. Ғайрат: мен тўхтамай жадал юрдим дер,
 Мехнат: экканимни барвақт тердим, дер
 Билим: мушуқларни тез емирдим, дер
 Уч дўстнинг кучидан ўлка баҳра ер.

(*М. Шайхзода*)

4 Раънонинг гўлалининг кўра турлари

Содда равишлар	Туб равишлар	<i>Тез, яёв, бирдан, астойдил, ҳозир, кеча, узоқдан, гоят;</i>	
	Ясама равишлар	<i>Қаҳрамонларча, мардона, тўхтовсиз, хомлиғича, мажбуран, ниширича, метиндай, бутунлай, аравазаб;</i>	
Кўшма равишлар		<i>Ўтган кун, эрта саҳар, ҳар қачон, шу ерда, бу ёқда, ҳамма вақт;</i>	<i>Ажратиб ёзилади</i>
		<i>А л л а қ а ч о н , қайвақт, бирваракай, бирпасда, аллақасердан;</i>	<i>Кўшиб ёзилади</i>
Жуфт равишлар		<i>Очин-тўқин, аста-секин, бугун-эрта, ойда-йилда, кеча-кундуз;</i>	
Такрорий равишлар		<i>Тез-тез, кўп-кўп, қисқа-қисқа.</i>	

Э с л а т м а: Жуфт ва такрорий равишлар чизиқча билан ёзилади.

207-машқ. Кўчиринг. Равишларни аниқлаб, маъносига ва тузилишига кўра турини ёзинг. 1 ва 5-гапни синтактик таҳлил қилинг.

Намуна: *Эрталаб (пайт р., туб р.) нонушта вақтида Муқаддас кириб келди.*

1. Бир маҳал оломон Жақиб билан Манасни оқ кигизда кўтариб келишди. («М») 2. Мен ҳам эрта-индин жўнаб қоларман. 3. Анҳор юзи бир зумда алғов-далғов бўлиб кетди. (Ў.Ҳ.) 4. Адирларнинг шабадаси кеча-кундуз ҳеч тиним билмайди. 5. Аста-секин бошланган қарсақ тобора авж олиб, сўз овозини босиб кетди. (А.Қ.) 6. Осмонда булутлар йиғлади, пастда одамлар фарёд чекди. («М») 7. Ҳаёт одамни умр бўйи синайди. 8. Салимжон қўл бериб дўстларча кўришди. (А.Қ.) 9. Аввало ўғлининг тақдирини биледи, кейин полвоннинг суҳбатини олади, узок йиллик гуноҳдан фориг бўлиш йўлида яна бир қадам кўяди. 10. Ҳозир уникага бораётганидан ўзича қувонди.

208-машқ. Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгилаңг.

1. Ўрин равиши қайси каторда иштирок этган?

- А. Узоқдан милтилаган чирок кўринди.
- Б. Кўксимизда ёлғиз Ватан муҳаббати бор.
- В. Дадаси ва аяси унга кечаси матал айтиб беришар эди.
- Г. Оқшомлари табиат жуда чиройли тусга киради.

2. Ҳолат равиши қайси мисолда берилган?

- А. Ногаҳон кизларнинг товуши эшитилди.
- Б. Ёрдамлашай деб келдим.
- В. Зулфия табиат, турмуш синовига мардонавор бардош берди.
- Г. Начора, буни жўртгага килувдик.

3. Пайт равиши иштирок этган мисолни аниқлаңг.

- А. Аввал ўйла, кейин сўйла.
- Б. Улар анча ергача аста бориб, гаплашиб кетдилар.
- В. Йигитнинг кўнгли тинчиди ва айбдорларча табассум билан кизга қаради.
- Г. Қиз аста-секин жавоб бера бошлади.

4. Ясама равишлар жойлашган каторни белгилаңг.

- А. Тез, яёв, бирдан, астойдил, ҳозир, кеча, узоқдан, ғоят.
- Б. Очин-тўқин, аста-секин, бугун-эрта, ойда-йилда.
- В. Тез-тез, кўп-кўп, қисқа-қисқа.
- Г. Қаҳрамонларча, мардона, тўхтовсиз, мажбуран, яширинча.

Тошшириклар:

I. «Ёрдамчи сўзлар» атамасига изоҳ беринг.

II. Қуйидаги гаплардан ёрдамчи сўзларни топиб, турини айтинг:

1. Инсон шуни билиши керакки, у оламнинг ижодкори, хукм-доридир, чунки Аллоҳ унга акл-идрок ато қилган. 2. Тилдан қоқилишдан кўра оёқдан қоқилиш афзал. (М.) 3. Шерзод уларнинг ҳаммасини ёзиш истаги билан ёна бошлади. 4. Қани ўтиринг-чи, юракни эшитиб кўрайлик. (Ў.Ҳ.) 5. Шукурбек дарвозани очди-ю, ичкарига кирмади. (Қ.М.)

6. Инсон яшамокдан толмасин учун,
Кўнглига бир дунё тилак берилган.
Тилак фақат дилда қолмасин учун,
Инсонга забардаст билак берилган. (Э.В.)

Ёрдамчи сўзлар якка ҳолда маъно билдирмайди, саволларга жавоб бўла олмайди. Ўз номига яраша, мустақил сўзларга қўшилиб, уларни бир-бирига боғлайди, тобелик муносабатларига кўмаклашади. Сўз ва гапларга қўшимча маъно юклайди. Ёрдамчи сўз туркумлари 3 турга бўлинади:

1. Кўмакчи. 2. Боғловчи. 3. Юклама.

209-машқ. Ўқинг. Ёрдамчи сўзларни топинг. Турини ва қандай вазифада келаётганини айтинг.

1. Гоҳ майдонаро капалакдай учади, гоҳ кўз илғамас даражада айланади, гоҳ бир жойда оёқлари ва қўллари ҳаракатига монанд ер тепади. (Қ.М.) 2. Тарих қоронғи тунлари билан ҳам, ёруғ кунлари билан ҳам – тарих. (Ў.Ҳ.) 3. Уйқуси қочган учун тун узун, чарчаган йўловчи учун йўл узун, акли пастга умр узун. (Луқмон) 4. Кишини табиат яратади, лекин уни жамият камол топтиради ва шакллантиради. (Белинский) 5. Оқилонаниш тутиш учун биргина аклнинг ўзи камлик қилади. (Достоевский) 6. Инсон сўзлаш қобилияти туфайли тафаккур соҳасида одамзод унга нима қолдирган бўлса, ҳаммасини билиб олиши мумкин. (Л.Толстой) 7. Менга-ку ёмонлик қилишмади, қилиб ҳам кўрсин-чи, аммо тоза кирғин қилишган-да, булар. (Т.М.)

210-машк. Ч.Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» асаридан ёрдамчи сўзлар иштирок этган 4 та гап кўчириб ёзинг. Кўмакчилар остига бир чизик, боғловчиларга икки чизик, юкламаларга эса уч чизик чизинг ва уларнинг гапдаги аҳамиятини изоҳланг.

46-§. Кўмакчи

От, олмош ва бошқа отлашган сўзлардан кейин келиб, уларнинг бошқа сўзларга тобеланишини кўрсатувчи сўзларга кўмакчи дейилади. Кўмакчи ўзи боғланиб келаётган сўз билан бирга бир сўроқка жавоб бўлади. Масалан:

Дўстинг учун жонингни бер – ким учун?

Табиат билан ўйнашма – нима билан?

Одамларнинг кўзи аста-секин очилиб, ҳақиқат томон бурилади бошлади – нима томон?

Кўмакчилар ўзидан олдинги сўзга мақсад, сабаб, пайт, ўрин, биргалик, аташ, восита, ўхшатиш сингари маъноларни кўшади.

Кўмакчилар қайси сўздан кейин келса, ўша сўз билан биргаликда бир сўроқка жавоб бўлиб, гапнинг бирор бўлаги бўлиб келади: *Тил маданият билан биргаликда юксалади.*

(Л. Толстой)

Кўмакчилар ўзи боғланиб келган сўздан ажратилиб ёзилади, ўзгармайди, турланмайди ва ясалмайди, келишкларни бошқаради. Масалан: *Сенинг учун олдим* (қараткич келишиги), *уй томон кетди* (жўналиш келишиги)

211-машк. Кўмакчиларни тошинг, уларнинг гапдаги вазифаларини изоҳланг. Кўмакчи ўрнида келишик кўшимчасини қўллаб кўринг.

1. Бошқаларнинг бахти ҳақида ғамхўрлик қилиш билан биз ўзимизнинг бахтимизни топамиз. (*Афлотун*) 2. Болалар хукуклари тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳар бир фукаро учун шарафдир. 3. Бойлик ва ҳақиқат ҳамма учун бир хил, лекин ундан фойдаланиш ҳамма учун ҳар хил бўлиши мумкин. (*Демокрит*) 4. Эртадан бери унинг оёғи ерга тегмайди. 5. Ойниса ўртоғини кўчага қадар кузатиб кўйди. 6. У дугонаси учун олган сумкани кўз-кўз қилиб ҳаммага кўрсатиб бўлди. 7. Пулни почта орқали жўнатиб юборсангиз ҳам, хафа бўлмайман, дада. 8. Бир қўл билан қарсак чалиб бўлмайди. (*М.*) 9. Инсон юксакликка

интилган сари янада баркамоллашади. (*М.Горький*) 10. Биз уфқ сари елиб борардик, у эса олис-олисларда, майса билан қопланган тепаликлар остида орқага тисарилиб, Анорсой даштининг кўз илғамас кенгликлари сари имлаётгандай, тобора узоклашиб кетмоқда. (*Ч.А.*)

Соф кўмакчилар

Кўмакчилар англатган маъно ва грамматик хусусиятларига кўра икки гуруҳга бўлинади:

1. Соф кўмакчилар.

2. Кўмакчи вазифасида қўлланувчи сўзлар.

Аташ маъносини тамоман йўқотиб, фақат ўзи бириккан сўзни бошқа сўзга тобелантириб боғлаш учун хизмат қиладиган кўмакчилар соф кўмакчилар саналади. Тилимиздаги *билан, учун, сингари, каби, сари, сайин, қадар, янглиг, узра* каби сўзлар соф кўмакчилардир.

Соф кўмакчилар урғу олмайди. Урғу кўмакчи билан бирга келган мустақил сўзнинг охирги бўғинига тушади.

Эслатма:

1) *учун* кўмакчиси шеърятда *-чун* шаклида ҳам (бунда бу қискарган шакл ўзидан олдинги сўздан чизикча билан ажратилиб ёзилади) қўлланади. Масалан:

Чун кўпалак қасдига азм этти ёи,

Ерга урар бўркин, очиб ўзи бош. (*А.Н.*)

2) *билан* кўмакчиси шеърятда *-ла, -ила, бирла, бирлан, била* шаклида қўлланади (қискарган шакл ўзидан олдинги сўздан чизикча билан ажратилиб ёзилади). Масалан:

1. Бобурни бурун маҳрами асрор эттинг,

Васлингга бериб йўл, ўзунга ёр эттинг,

Охир бординг, доғи ани зор эттинг,

Ҳижрон алами била гирифторм эттинг. (*Бобур.*)

2. Юлдузлар-ла тўлиб кулгандир,

Бу қирларнинг олтин тунлари. (*У.*)

3. Ҳар улуг ишининг замони меҳнат,

Меҳнат-ла яралур шоҳ асарлар ҳам. (*Р.Б.*)

4. Ажойиб нағмалар бирлан

Саҳарда сайрадинг булбул. (*Хабибий*)

212-машқ. Матнни ўқинг. Ундаги соф ва кўмакчи вазифасидаги сўзларни икки гуруҳга ажратиб ёзинг.

...Хуфтон намозидан сўнг янгиланган ташвишларни бир оз унутдирар умиди ила пойчироқ ёнига ўтириб, Фузулий девонини варақлар эди. Аммо Фузулийнинг ранг-баранг шеърлари устида қаноатланиб тўхтамас, ҳамон варақлагандан варақлар эди. Шоирнинг нафис шеърлари ҳозир унинг учун тузсиз сўзлар йиғиндисидан бошқа бир нарса ҳам эмас эдилар. У шу вақт тўсатдан китобни ёпди-да, айвонга кулоқ солди. Чунки ҳозиргина сўзлашиб ўтирган Кумуш билан онасининг товушлари ўчган эди. У бу ҳолдан сергакланди. Айвондан она-боланинг қаёққадир йўқолганларини пайкагач, тусида ўзгариш бўлгани ҳолда қайтиб келиб ўтирди... (А. Қод.)

213-машқ. Нукталар ўрнига қуйида берилган кўмакчилардан мосини қўйиб, гаплар тузинг.

1. Варрак тайёрлаш ... қоғоз ва каминиш чўплар ишлатилади (энцикл.). 2. Инсон ҳаётда нима ... машғул бўлмасин, ҳаминиша қувонч, ташвиш, муҳаббат, нафрат, ғам-қайғу ... хилма-хил ҳиссиётларни бошидан кечиради. (энцикл.) 3. Ўз дардига тушунган бу йигитга борган ... дардини очиб сўзлар, йиғлаб ва инграб сўзлар эди. (А. Қ.) 4. Соат саккизда болалар мактаб ... йўл олдилар. 5. Осмон ... қуюқ қора булутлар суза бошлади. Искандар энди Рум сари йўл олди. (А. Н.) Бир нарса тўғрисида ўйлармиди ёки бош оғриғи кучлимиди, ҳар ҳолда намозшомгул ... ёпиқ эди. (А. Қ.)

Қўйиш учун кўмакчилар: билан, томон, сайин, узра, каби, учун, сари.

214-машқ. Юқорида берилган машқдаги гаплардан кўмакчиларни топиб, жадвалга намунадагидай жойлаштиринг.

Кўмакчилар	Мисоллар	Англаётган маъноси
Каб	Бир нарса тўғрисида ўйлармиди ёки бош оғриғи кучлимиди, ҳар ҳолда намозшомгул каби ёпиқ эди. (А. Қ.)	Ўхшатиш маъноси
	Намозшомгул каби	

215-машк. Кўчиринг. Соф кўмакчиларни топиб, остига чизинг, уларнинг имлоси ҳақида фикрланг.

1. Фариштадек соф холда қолмоқчи бўлган Ҳомиднинг бу хол сирини очар, юзидаги ниқобини олишга, рақиблар ила юзма-юз келишга мажбур этар эди. (А.Қ.) 2. Уйга яқинлашган сари юраги пўкиллаб бошлади. Бузоқ ямлаб қўйган қўйлак учун энди жавоб бериши керак. (Ч.А.) 3. У ҳам Аҳмаджон сингари, ўз взводи билан тонг қоронғисида чиқиб кетганича уйку маҳалида қайтади-ю, таппа ташлаганича ухлайди-қолади. (А.Қ.) 4. Ҳаммадан кўра боланинг чолга раҳми келарди. Мўмин бир умр бўйи ёстикка бош қўйиб яшаган хотинини ҳам кўмсарди. (Ч.А.)

Кўмакчи вазифасида қўлланувчи сўзлар

Ўзининг мустақил луғавий маъносини йўқотмаган от, равиш, феъл ва феълнинг сифатдош, равишдош шаклларида ўсиб чиққан сўзлар кўмакчи вазифасида қўлланувчи сўзлар дейилади.

Кўмакчи вазифасида қўлланувчи сўзлар гапда ўрни билан мустақил сўз, ўрни билан кўмакчи бўлиб келади.

Кўмакчи вазифасида қўлланувчи сўзлар қайси сўз туркумидан келиб чиқишига қараб иккига бўлинади:

1. От кўмакчилар.
2. Феъл кўмакчилар.

От кўмакчилар

От ёки равишдан ўсиб чиққан, ўз луғавий маъносини таъмомила йўқотмаган сўзлар от кўмакчилар дейилади.

Тилимиздаги *аввал, кейин, сўнг, илгари, бурун* каби равишлар, *эгаллик* ва келишиқ кўшимчалари билан қўлланган *ён, ост, уст, ич, тепа, ўрта, орқа*, каби отлар от кўмакчи вазифасида қўлланади.

Кўмакчи отлар ўзидан олдин келган сўз билан қаратқич-қаралмиш алоқасига киришиб, ўзидан олдинги от билан бир бутунликни ташкил қилади ва феълнинг талабига кўра маълум келишиқда келади. Масалан: *Гулнор сакраб туриб онасининг олдида борди.* (О.) *Энди биз ўрда ичига киролмай-миз.* (А. Қод.) *Адирлар ўртасидан Шохимардон сойи оқиб чиқади.*

Феъл кўмакчилар

Феълнинг равишдош ва сифатдош шаклларида ўсиб чиққан ва ўз лексик маъносини тамомила йўқотмаган сўзлар феъл кўмакчилар деб аталади. *Кўра, яраша, қараб, бошлаб, тортиб* равишдошлар; *қараганда* (ўтган замон сифатдоши), ва бошқалар феъл кўмакчилардир: *Ўзимизга яраша тўйча қилдик. (Х.Қ.) Ниҳола Сарвинозга қараганда анча эпчил қиз.*

216-машқ. Ўқинг. Гаплардан кўмакчи вазифасида қўлланган сўзларни топиб, қайси сўз туркумидан эканини тушунтиринг.

1. Бухоро мадрасасида таҳсил кўрган эшонлар орасида машҳури, обрўлиси, бузруги. (*О.*) 2. Эртадан бери унинг оёғи ерга тегмайди. (*Ойдин*) 3. Орадан икки ҳафта ўтгандан кейин, Хўжаободдан мактуб олдим. (*С.Абд.*) 4. Толзор ўртасидаги катта ҳовуз бўйида ўтирар эди. (*Х.Х.*) 5. Шундан кейин Ўткир меъморлар ва диққаткор муҳандисларнинг маслаҳати билан илгаригисидан мустаҳкамроқ қилиб қуришга буюрди. (*Хондамир*) 6. У кенг қилиб тикилган зар ёқа кимҳоб тўн ичида йўғон гавдаси билан одамлар олдида савлат тўкиб турибди. (*М.Исм.*)

217-машқ. Ўқинг. Кўмакчиларни топинг. Кўмакчи вазифасида келган сўзларни қайси сўз туркумидан ҳосил бўлганлигини тушунтиринг.

1. Романи ёзишдан аввал Лермонтов проза соҳасида бир неча муддат қаламини синаб кўрган. (*О. Шарафиддинов*)
2. Бесаранжом кора булутлар орасида офтоб мўралади. (*А.Қ.*)
3. Навоий ёшлик йиллариданок ўз ижоди, тафаккури билан катта ёшли зукко замондошларининг эътирофини қозongan эди. Лутфий, Саййид Ҳасан Ардашер, Жомий каби зотларнинг ёш Навоийга қандай хурматли муносабатда бўлганлари аён. (*А.Қаюмов*)

218-машқ. Матини ўқинг. Кўмакчи вазифасида келган сўзларни топиб, у билан бирга келган сўзларни биргаликда кўчиринг.

Ота-онаси Лайлининг боши устида иложсиз ўтиришарди. Лайли ўлими олдида онасини ўз хузурига чакириб васият қилди: қайтиш қилсам мен учун ортикча мотам тутманг. Менинг вафотим хабарини эшитиб зори ғарибим келар, у улусга

ишқ одатини намоиш этиб, ёнимда жон берар. Шунда керагича лутф кўрғазиб, унинг шарофатли жисмини кўз ёшлари билан ювсангиз жон пардасидан кафан қилсангиз арзийди. Ўша кафанга мени ҳам чирмангиз, токи икки баданга бир кафан бўлсин. Уни ҳам ўз фарзандингиз каби кўриб, қизингиз билан бир жойга кўйинг.

Мажнунга Лайлининг ўлим олдида эканидан хабар етди ва хастахол ётган жойидан қоплон каби сакраб туриб, Лайли қабиласи сари чопди. (А.Н.)

219-машқ. *Узра, яраша, бошлаб, ўртасида, орасида, илгари, аввал* кўмакчилари иштирок этган 7та гап ёзинг, маъносини тушунтиринг.

220-машқ. Фақат кўмакчи вазифасида келган сўзларни қатнаштириб олганга гап тузиб дафтарингизга ёзинг.

221-машқ. Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

1. Иш-ҳаракатнинг бирор предмет сатҳи бўйлаб йўналиши маъносини билдирувчи кўмакчи иштирок этган жавобни аниқланг.

А. У бу ютуқларга ҳаётни реал ифодалаш орқали эришди.

Б. Қани шундай баҳор бўлса, Олам узра ёйса гул.

В. Жаҳон бўйлаб янграр бир овоз.

Г. Жавоблар нотўғри.

2. Иш-ҳаракатнинг бирор предметнинг ичида содир бўлиши маъносини билдирувчи кўмакчи қайси жавобда берилган?

А. Бу ҳол кун сайин такрорланиб турарди.

Б. Қир-адирлар лолақизғалдоқлар билан безанган.

В. Синфингни булғатма, Чанг-тўзон ичра ботма.

Г. Жавоблар нотўғри.

3. Иш-ҳаракатнинг маълум вақт ўртасида содир бўлганлик маъносини билдирувчи кўмакчи иштирок этган жавобни аниқланг.

А. У... кичкинагина, чанқоқ гулзор орасида ҳаёл суриб турибди.

Б. Эртасига онаси куда томонга одам юборди.

В. Эшик томондан Ҳамид ҳам кўриниб қолди.

Г. Бу воқеа тун ўртасида воқеа бўлди.

4. Асл кўмакчи қайси жавобда берилган?

А. Бурун, илгари, кейин.

Б. Билан, учун, қадар, сайин.

В. Сингари, каби, сайин.

Г. Жавоблар тўғри.

Гапнинг уюшиқ бўлакларини ва кўшма гап таркибидаги содда гапларни ўзаро боғлаш учун хизмат қилувчи ёрдамчи сўзларга боғловчи дейилади. Масалан: *Бу қўллар ҳаётда тутган нарсасини қўймайдиган, аммо жуда забардаст қўллар бўлади. (С. З.) Чакмоқ чақди ва шариллаб жала қуйиб юборди. Ташқарида чакмоқ ялтирар ва ёмғир қуярди. (П. Қ.) Устозимиз кам гапирар, лекин кўп китоб ўқир, бизни ҳам шунга мажбур қилар эди. Тун қўйни жим-жит эди, гўё ҳамма нарса маст уйқуга кетгандек. (С. Аҳм.)*

Боғловчилар қўлланиши жиҳатидан икки гуруҳга бўлинади:

1. Якка ҳолда қўлланадиган боғловчилар: *ва, аммо, ҳам, лекин, бироқ, чунки, гўё, гўёки, -ки, ҳамда, токи, балки* ва бошқалар.

2. Такрорланган ҳолда қўлланадиган боғловчилар: *ё... ё..., ёки... ёки..., дам... дам..., гоҳ... гоҳ..., баъзан... баъзан..., бир...бир...* кабилар. Масалан: *Ўқувчилар устозни гоҳ маслаҳат билан, гоҳ йўқлаб келишарди. Дам ёмғир ёғар, дам кулиб қуёш кўриниб қоларди.*

Боғловчилар грамматик маъно ва вазифаларига кўра икки турга бўлинади.

1. Тенг боғловчилар.

2. Эргаштирувчи боғловчилар.

Боғловчилар мустақил сўзлар каби гапда гап бўлаги вазифасини бажара олмайди.

222-машқ. Кўчириш. Гаплардан боғловчиларни топиб, остига чизинг, қўлланишини тушунтириб беринг.

1. Кибрли ва худбин инсон яхши устоз бўла олмайди. (*Ойгул*) 2. Фарзанд олим бўлиши шарт эмас, аммо одам бўлиши шарт. 3. Бола тарбиясини ўз олдига вазифа қилиб қўйган оналар ва ибратли оилалар ҳам кўп. 4. Тиф яраси тузалади, лекин тил яраси тузалмайди. (*М.*) 5. Кечаси қалин қор ёғди, лекин ҳаво совимади. (*О.*) 6. Бирдан илиқ шамол эсди ва булутлар юра бошлади. (*Ў.Х.*)

223-машк. Матнини ўқинг. Нукталар ўрнига қуйида берилган боғловчилардан мосини қўйиб, гапларни кўчиринг, маъносини изохланг.

Унисини билмадим, ..., хар ҳолда Дубровский эмасдир. Мен уни болалигидан биламан, нахотки сочлари қорайиб кетган бўлса, ... у ёшлигида жингалак ва сарик сочли бола эди, ... шунисини аниқ биламанки, Дубровский менинг Машамдан тахминан беш ёшлар чамаси катта эди, демак, ҳозир у ўттиз бешларда эмас, ... йигирма учларда бўлиши керак. (*А.Пушкин*)

Қўйиш учун сўзлар: ва, аммо, лекин, балки, чунки.

48-§. Тенг боғловчилар

Уюшиқ бўлақлар ва ўзаро тенг муносабатдаги гапларни боғлаб келувчи боғловчилар тенг боғловчилардир. Тенг боғловчилар уюшиқ бўлақлар ва гапларни боғлаш билан бирга улар ўртасидаги мазмуний муносабатни ҳам рўёбга чиқаради. Шунга кўра тенг боғловчилар қуйидаги турларга бўлинади:

1. Бириктирув боғловчилари.
2. Зидлов боғловчилари.
3. Айирув боғловчилари.
4. Инкор боғловчиси.

Бириктирув боғловчилари

Уюшиқ бўлақларни ва қўшма гап таркибидаги содда гапларни боғлаш учун хизмат қиладиган боғловчилар бириктирув боғловчилари дейилади. *Ҳамда, ва, ҳам, билан* бириктирув боғловчиларидир: *Ойбек, Карима, ҳамда Лочин мукофот олишди.*

Ичкарига кириб келдилар

Ва Анорга салом бердилар. (Ҳ. О).

Бириктирув боғловчилар ўрнида *-у, -ю, -да* юкламалари келади. *-у, -ю,* юкламалари ва боғловчиси ўрнида келганда бу юкламалар ўзидан олдинги сўзга қўшиб ёзилади. Масалан: *Қир-адирда ўтлар менинг қўю қўзим.*

224-машк. Ўқинг. Бириктирув боғловчили гапларни кўчиринг.

1. Эшик очилди-ю, боланинг хаёли қочди. (*Р.Ф.*) 2. Товус узр сўраб деди: мен қаср ва гулшанларга зийнат берувчи қушман.

(А.Н.) 3.Навоий Хусайн Бойқаро Хуросонда ҳокимият эгаллаш учун олиб бораётган кураши ғалаба билан якунланишига ўзини ҳам, Султонни ҳам ишонтирар эди. (А.Қаюмов) 4. 1452 йилда тайинланган Сабзаворнинг янги ҳокими Фиёсиддин ўз оиласи билан келиб бу ерда яшай бошлаган.(А.Қаюмов) 5. Фиёсиддин қатъий иродали, кескин фикрли сиёсатчи, ҳамда очик ва юмшоқ кўнгилли киши эди. (А.Қаюмов)

49-§. Зидлов боғловчилари

Бироқ, аммо, лекин, балки боғловчилари зидлов боғловчилари бўлиб, улар мазмунан бир-бирига қарама-қарши қўйилган гапнинг уюшиқ бўлақларини, қўшма гап таркибидаги содда гапларни боғлаш учун хизмат қилади. Ёзувда зидлов боғловчиларидан олдин вергул қўйилади. Масалан: *Гапнингиз тўғри, лекин масаланинг бошқа томони бор.*

(Ас. М.)

-у, -ю юкламалари ҳам зидлов боғловчилари ўрнида қўлланади. Ёзувда -у, -ю юкламалари зидлов боғловчилари ўрнида келганда ўзидан олдинги сўздан чизикча билан ажратилиб ёзилади ва ундан кейин вергул қўйилади. Масалан: *Юлдузхон мийиғида кулди-ю, индамади.* (С. З.)

225-машк. Гапларни кўчиринг. Боғловчиларни топинг, қайси бири бириктирув, қайси бири зидлов боғловчилари эканлигини аниқланг, англаган маъноларини изоҳланг.

1. Тўтиқиз Дилшодни кўн кутди, бироқ ундан дарак бўлмади. (М. Ис.) 2. Кишилар дунёда бой бўлиш учун эмас, балки, бахтли бўлиш учун яшайди. (Стендаль) 3. Илм олиш чексиз, аммо машаққатлардан холи эмас. (Ойгул) 4. Ҳали ёшман, аммо ўй билан юзда ажин, сочларимда ок. (Уйғун) 5. Табиб кечкурун етиб келди ва бетобни алағлаган бир ҳолатда кўрди. (А.Пушкин) 6. Сўз билан элга ўлимдан нажот топиш, сўз билан ўлик танга ҳаёт бағишлаш мумкин. (А.Н.)

226-машк. Нукталар ўрнига бириктирув, зидлов боғловчиларидан ёки улар ўрнида қўлланган -у, -ю, -да юкламаларининг мосини қўйиб, гапларни кўчиринг. Керакли ўринларга тиниш белгиларини қўйинг.

1. Чўлпон миллатнинг фожеавий ахволи илдизларини жоҳилликда ўз фойдасини англамаслиги..., истикбол хақида

қайғурмаслигида кўради. Фарзандларини маърифатли қилиш ўрнига кони исроф тўй-ҳашамларга бемаъни айш... ишратга берилган мактаб ўрнига чойхона-... майхоналар бино қилаётган халқ турмушини мутараккий миллатлар турмушига киёслаб ўртанади. (Д.Қуронов) 2.Шийпонни яқинроққа кўчиришга уриниб кўрдик, ... қаёқда дейсиз, у ҳам сув билан боғлиқда. (Ч.А.) 3.Истиклол ... Тараккийга то сўнгги нафасгача содик колган эди. (Д.Қуронов)

227-машқ. Ва, ҳам, билан, аммо, лекин, бироқ боғловчилари иштирокида гаплар ёзинг, бу боғловчиларнинг турини ва англатган маъноларини тушунтириб беринг.

228-машқ. Кўчиринг. Уюшиқ бўлақларни боғлаган боғловчиларнинг тагига бир чизик, содда гапларни боғлаган боғловчиларнинг тагига икки чизик чизинг.

1.Гўзаллик ва меҳр кадрсизланган жойда, жохиллик ва бачканаллик бошланади. (М. Ш.) 2. Сен кетдинг-у, сен эккан гуллар қолди. (С. З.) 3. Дунёда оқилона сўздан ва яхши номдан бошқаси унутилади. ("Оз-оз ўрганиб...") 4. Кўзларим юмилиб кетаверди..., мен ухламасликка ҳаракат қилдим. (Х. Ирфон) 5. Помир ва Кавказ тоғларида жуда баланд чўққилар бор. (Ч. А.)

50-§. Айирув боғловчилари

Ёки, ё (ё-ё), гоҳ (гоҳ...гоҳ), ёхуд, дам (дам...дам), баъзан (баъзан...баъзан), бир...бир, хоҳ...хоҳ боғловчилари айирув боғловчиларидир.

Айирув боғловчилари уюшиқ бўлақларни ва кўшма гапларнинг тенг ҳуқуқли қисмларини бир-бирларидан айириб кўрсатиш учун қўлланилади.

Гоҳ...гоҳ, дам... дам, баъзан...баъзан, бир...бир боғловчилари кўшма гап таркибидаги содда гапларни боғлашда фақат такрор ҳолда қўлланади. Ё, ёки, ёхуд айирув боғловчилари такрор ҳолда ҳам, якка ҳолда ҳам қўлланаверади.

Ёзувда такрорланган ё, гоҳ, бир, баъзан боғловчиларидан олдин вергул қўйилади. Масалан: 1. Баъзан улар чугурлашиб келиб қолар, баъзан отанинг ўзи уларни йўқлаб борарди..

2. Ҳозир ё шамол бўлади, ё ёмғир ёгади. (С. А.) 3. Ҳаво гоҳ туманлашиб, гоҳ очилиб турибди. (Ҳ. Ф.) 4. Ботирали дам қишлоқни, дам шаҳардаги онасини эсларди. (Ҳ. Ф.)

229-машқ. Нуқталар ўрнига айирув боғловчиларни қўйиб, гапларни кўчиринг. Маъно вазифаларини изоҳланг, вергулнинг ишлатилиш ўринларига эътибор беринг.

1. Ўйигитнинг.... юзида.... кўзида ҳаяжон аломатлари кўринади. (С. А.) 2. Унтер Пришбеев.... судьяга, одамларга қаради. (А. Чех.) 3. Манзуранинг юзига.... иссиқ, окшом шабадаси уриларди. (Ас. М.) 4. Аммо.... чиқиб жанжал қила олмади, бошқа бир чора ўйлаб тополмади. (С. Иброҳимова). 5. чучук, шўр сувлардан ичиб йўл юрдик. (У. Ҳ.) 6. от билан, поездда кездим пиёда. (Ҳ. О.)

Қўйиш учун боғловчилар: на-на, дам-дам, ё-ё, гоҳ-гоҳ, баъзан- баъзан.

Инкор боғловчиси

Инкор боғловчиси *-на* уюшиқ бўлакларни ёки гапларни инкор маънода боғлаб, такрорланган ҳолда ишлатилади. Такрорланиб келган инкор боғловчисидан олдин ёзувда вергул қўйилади. Масалан: *Бобур на юриб чарчайди, на тошлоқ ердан шикоят қилади.* (П. Қ.)

230-машқ. Инкор боғловчиси иштирокида тўртта гап тузинг.

231-машқ. Нуқталар ўрнига мос боғловчилар қўйиб, гапларни кўчиринг. Керакли ўринга вергул қўйишни унутманг.

1. Илм ... маданият инсониятни маърифат дунёсига етказлайди. (Ойгул А.) 2. Мен индамай чанадан сакраб тушдим-..., икки-учта шам билан сал-пал ёритилган черковга кирдим. (А. Пушкин) 3. Ўзимни машинада эмас, ... олға томон шиддат билан тун бағрини ёриб бораётган иккала чирок нурлари ўртасида ўтириб кетаётгандек ҳис қилардим. (Ҳ. А.)

4. Кўнгил, сен бунчалар нега

Кишанлар бирла дўстлашдинг?

... фарёдинг, ... додинг бор,

Нечун сен бунча сустлашдинг? (Чўлпон)

Кўшма гап таркибидаги содда гапларни бир-бирига эргаштириш йўли билан боғлаш учун хизмат қиладиган боғловчилар эргаштирувчи боғловчилар дейилади.

-ки (-ким), чунки, шунинг учун, негаки, гўё (гўёки), токи, агар (-гар) боғловчилари эргаштирувчи боғловчиларидир. Эргаштирувчи боғловчилар ўзи боғлаб келаётган кўшма гап таркибидаги содда гапларнинг маъно муносабатларига кўра куйидаги турларга бўлинади:

1. Аниклов боғловчиси -ки (эски шакли -ким);

2. Сабаб эргаштирувчи боғловчилари: чунки, шунинг учун;

3. Ўхшатиш эргаштирувчи боғловчилари: гўё, гўёки, худди;

4. Шарт тўсиқсиз эргаштирувчи боғловчилари: агар, ба-шарти, токи, гарчи, -са.

232-машқ. Эргаштирувчи боғловчиларни топинг, остига чизинг. Изоҳланг.

1. Юзимиз ёруғ бўлди, чунки халқ, Ватан олдидаги бурчимизни бажардик. (*Х. Ғ.*) 2. Мулла Зокиржон ҳар келганларида шу жойда ўтирадилар, шунинг учун камина шу жойни таклиф этди. (*С. Абд.*) 3. Пахта майдони оппоқ, гўё далага оқ чодир ёзилган. (*Мирт.*) 4. Вазага Собит оғанинг кулиб турган сура-ти ишланган, гўё пахта чанокларидан галчамбар ясаб, ўраб қўйилгандай. (*Н.Ф.*) 5. То дарёдан олиб ўтмагунимизча, бирон нима ҳақида ғинг дема. (*Ч.А.*) 6. Жўнаш олдидан худди ўшандагидай сойдан ўтиладиган жойда Мирзагулни кўргиси келарди... (*Ч.А.*)

233-машқ. -ки, (-ким), чунки, шунинг учун, негаки, гўё, ёки...ёки, гоҳ...гоҳ каби боғловчиларни иштирок эттириб, гаплар ёзинг. Гап таркибида келган боғловчилар аниқлаш маъноларини изоҳланг, тиниш белгиларининг қўйилиш сабабларини тушунтиринг.

234-машқ. Ҳикматларни ўқинг. Боғловчиларни топиб, турини айтинг ва тиниш белгиларининг ишлатилишига эътибор беринг.

1. Ҳар ким насиҳат қилишни ёки насиҳат олишни истайди, аммо оз киши уни қабул қилади. 2. Содда ва табиий умр кечи-

риш ҳаётнинг энг гўзал ҳамда энг тўғри йўлидир. 3. Дўстсиз яшаш мумкин эмас, аммо ҳамма ҳам дўстликка арзийвермайди. 4. Одам чиройли гапи билан эмас, балки қилган иши билан баҳоланади. 5. Табассум ҳамиша ёқимли, чунки у одамнинг ички дунёсини очиб беради. 6. Ё сабр-чидамли бўл, ё қаҳр-ғазабингни жиловлай бил. 7. Бойлик ва ҳақиқат ҳамма учун бир хил, лекин ундан лаззатланиш ҳамма учун ҳар хил бўлиши мумкин. 8. Кўрқок дўст душмандан хавфлироқдир, чунки душмандан эҳтиёт бўласан, дўстга ишонасан.

235-машқ. Боғловчиларни топинг, тиниш белгиларининг ишлатилишига эътибор беринг.

1. Айрим кишиларни доимий равишда ёки барчани маълум бир вақтда алдаш мумкин, аммо барча одамларни доимий равишда алдаб бўлмайди. (*А. Лешколы*) 2. Хужра кичкина, лекин илиққина эди. (*Ойбек*) 3. Одамгарчилик кишининг қалбида бўлади, шунинг учун қалбингни пок сакла. 4. Унинг гоҳ йиғлагиси, гоҳ кулгиси, гоҳ бутун кечани остин-устин қилиб кўшиқ айтгиси келарди. (*С.А.*) 5. Одам чиройли гапи билан эмас, балки қилган иши билан кадрланади. 6. Вақт окни-оққа, корани-қорага ажратади, шунинг учун вақтга, сабр-қаноатга таянган одамлар адашмайдилар. (*Ҳ. Зиёев*) 7. Пўлат сандик тўлган, лекин кўз тўймайди. (*Т.М.*)

8. Мени ўқи, болам, мен ўзим китобман,

Гоҳида ободу гоҳо харобман.

Гоҳо сокин дарё, гоҳо шитобман,

Хулласи, мен ўзим оташу обман. (*Қ.М.*)

236-машқ. Бадий асарлардан боғловчи иштирок этган 6 та гапни белгиланг. Аввал тенг боғловчиди гапларни, кейин эргаштирувчи боғловчи иштирок этган гапларни кўчиринг.

237-машқ. Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

1. Сабаб мазмунини билдирувчи боғловчи иштирок этган мисолни аниқланг.

А. Курук арча келтириб, баъзан гулхан ёкамиз.

Б. Балки бахт ҳам шудир.

В. Атрофда бўлаётган ҳодисаларни энди у писанд килмас эди, чунки унинг кўлидан энди ҳамма нарса келарди.

Г. Жавоблар нотўғри.

- 2. Шарт мазмунини билдирувчи боғловчи қайси қаторда кўрсатилган?**
- А. Агар, агарда, агарчи.
 Б. Яъни, -ки, -ким.
 В. Чунки, шунинг учун.
 Г. Гўё, гўёки.
- 3. Мақсад мазмунини билдирувчи боғловчи иштирок этган гап қайси қаторда берилган?**
- А. Тиллар гўё сўзлашдан ожиз эди.
 Б. Қўшиқни бахузур айтиб ишлай бер, токи ҳамма бахраманд бўлсин.
 В. Шуни эсда тутки, Сени Ватан кутади.
 Г. Жавоблар нотўғри.
- 4. Айирув боғловчиси қайси қаторда берилган?**
- А. Чунки, шунинг учун.
 Б. Башарти, гарчи, модомики.
 В. Гўё, гўёки, гоҳ, ёки, ёхуд.
 Г. Аммо, лекин, бироқ.
- 5. Бириктирувчи боғловчи иштирок этган гапни аниқланг.**
- А. Кимки бировга чуқур қазиса, унга ўзи тушади.
 Б. Ё сиз келинг, ё мен борай.
 В. Неча кундир йўқолди тинчим Ва уйкуга элтдим, алвидо.
 Г. Ҳаёт гўзал, ҳаёт марокли, шунинг учун эрка кўнгил шод.
- 6. Зидлов боғловчиси қайси қатордаги гапда қатнашган?**
- А. Баҳор дастлабки кунларида дам ёмғир ёғарди, дам қуёш чарақларди.
 Б. Карим ҳам олийгоҳда ўқийди, ҳам ишлайди.
 В. Йигит ва қизлар спорт майдонида волейбол ўйнадилар.
 Г. Жамила яхши ўқийди, лекин мағрурланмайди.
- 7. Эргаштирувчи боғловчи иштирок этган мисолни аниқланг.**
- А. Тилагим шуки, яхши ишлаб, обрў орттирсин.
 Б. Унинг юраги ҳам шод, ҳам қандайдир нотинчроқ эди.
 В. Димокқа хандалак ва райҳон ҳиди урарди.
 Г. Шу пайт ўғилчаси эшикдан югуриб келди-да, дадасининг кучоғига отилди.
- 8. Бириктирувчи боғловчи қайси қатордаги гапда қатнашган?**
- А. Гап шундаки, ҳар бир янгилик беҳосият қолмайди.
 Б. Аниқ, тож гарчи ёқут, гарчи зардир, Халойиқ бошига тушган зарардир.

- В. Тилагим шуки, сизга бахт тилайман.
 Г. Мехнат ва муҳаббат, ишонч ва ҳаёт, наслимиз
 икболи учун пояндоз.

9. Зидлов боғловчиси қайси қаторда кўрсатилган?

- А. Ва, ҳам, ҳамда.
 Б. Агарда, гарчи, модомики.
 В. Гўё, гўёки, гоҳ, ёки, ёхуд.
 Г. Аммо, лекин, бироқ.

10. Қайси қаторда бириктирув боғловчиси қайд этилган?

- А. Чунки, шунинг учун.
 Б. Ва, ҳам, ҳамда.
 В. Аммо, лекин, бироқ.
 Г. Гоҳ, дам, баъзан.

52-§. Юкламалар

Мустақил сўз ва гапларга қўшимча маъно берадиган ёрдамчи сўзлар юклама дейилади. Юкламалар сўз ва қўшимча шаклда бўлиб, улар алоҳида турганда лексик маъно ифода этмайди. Сўз ёки гапларга қўшилиб, сўроқ, таажжуб, таъкид, кучайтирув, айирув, чегаралов, гумон, инкор каби қўшимча маъноларни ифода этади ва қуйидаги турларга бўлинади:

1. Сўроқ ва таажжуб юкламалари:

-ми, -чи, -а (-я), наҳотки.

2. Кучайтирув ва таъкид юкламалари: *ҳам, ахир, ҳатто (ҳаттоки), нақ, худди, агар (агарда), мабодо, башарти, гўё, -оқ (-ёғ), -ку, -да.*

3. Айирув-чегаралов юкламалари: *фақат, фақатгина, -гина (-қина, -кина).*

4. Гумон юкламаси: *-дир.*

5. Инкор юкламалари: *на (на...на...)*

Юкламалар морфологик таркибига кўра икки хил бўлади:

1. Сўз юкламалар: *фақат, наҳот (наҳотки), ахир, ҳатто (ҳаттоки), худди, гўё* каби.

2. Юклама-қўшимчалар: *-ми, -чи, -а(я), -ку, -да, -у(ю), -гина (-гина, -қина), -оқ(-ёғ).*

238-машк. Романнавис А. Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романидан берилган ушбу парчани ўқинг.

"... Аммо бизнинг баҳсимиз унинг бева-бечорага қилган яхшилиги тўғрисида бўлмай, бу одам ўрдадаги мирзоларга бошлиқ бўла оладирми, яъни ўшандоқ катга ишнинг уҳдасидан чиқадирми, устидадир.

- Баракалла, тақсир! - деди Сафар бўзчи турган еридан, - менга қолса иншоолло, уҳдасидан чиқади!

Имом Сафар бўзчига тушуна олмай, бир оз тикилиб тургандан кейин сўради:

- Унинг уҳда қилишини сиз қаёқдан биласиз?

- Худой билдирса, биламан-да, тақсир!

- Хўш?

- Ахир, кўпчиликнинг дуоси кўл-да, тақсир!

- Кўпчиликнинг дуоси кўл бўлса яхши, - деди имом, - аммо бу хизматга унинг илми ковфийми?

- Ковфи, тақсир, ковфи!

- Ахир, сиз ковфийлигини қаёқдан биласиз?

- Ахир... ковфи эмаслигини сиз ҳам қаёқдан биласиз, тақсир?

- Ковфий эмаслигини мен шундан биламанки, - деди имом аччиғини ичига ютган ҳолда, - бундай мансабга минатурган киши Бухоройи шарифда таҳсил кўрмаганда ҳам лоақал Қўқон мадрасаларида ўқуған бўлиши керак, аммо сизнинг мирзабошингиз саводхонликдан бошқани билмайдир.

- Билмаганини сиз қаёқдан биласиз, тақсир?

- Чунки мен уни ўз қўлумда ўқутқанман... бир етим бола эди!

- Худонинг бериши, тақсир, - деди Сафар ўйлаб-нетиб турмай, - жанобингиз Бухоройи шарифда неча йил ўқуб, ниҳоят маҳаллага имом бўлдингиз... Худой бермаса шундай, тақсир. Ул бўлса мадраса кўрмасдан мирзаларнинг мирзаси бўлмоқчи; худой берса шундай, тақсир!

Сафар бўзчининг бу сўзидан имомнинг қонсиз ранги яна қонсизланган, оламинчоқ кўзи алланечук ҳолатка кирган эди:

- Аблах одам экансан! - деди.

- Сиз ҳам аҳмоқ мулла экансиз! - деди Сафар бўзчи.

Имом ғазаб билан ўрнидан туриб Сафар бўзчига хезланган эди, уни Самад бўқоқ ушлаб колди.

- Падар лаънат, адабсиз! - деди Самад, - домлага шундай сўзни айтадимми-я?...

- Шу адабсизлигинг билан, - деди Самад насиҳатомуз, - яна домланинг оркасида намоз ўқуйсанми, Сафар!

- Ўқумасам қутуламанми сенлардан!

- Ўқумасанг бор, жўна!!!

- Ҳе... - деб сўкинди Сафар бўзчи ва жиловхонадан чиқиб жўнади. Унинг орқасича "падар лаънат жоҳил" деди имом ва илгариги ўрнига борди. Бир неча вақт учовлари ҳам сўзсиз ўлтурдилар.

- Бир ит-да, тақсир, хафа бўлманг! "...

Топшириқларни оғзаки бажаринг.

1. Ажратиб кўрсатилган сўзларга изоҳ беринг.
2. Матнга сарлавҳа кўйинг.
3. Роман давомини сўзланг.

Топшириқларни ёзма бажаринг.

1. Адабиёт дарелигидан бирор матнини танлаб, ундаги юклама иштирок этган 7 та гапни кўчириб ёзинг.
2. *-ми, -чи, -а(-я)* юкламаларини катнаштириб 6 та гап ёзинг.
3. Қўшимча шаклдаги юкламалардан ёзинг.
4. *-ю* юкламасининг юклама ва боғловчи бўлиб қўлланишига 4та гап ёзинг.

53-§. Юкламаларнинг ёзиллиши

1. Сўз юкламалар алоҳида ёзилади.
2. *-ми, -оқ (-ёғ); -гина(-қина, -кина)* каби юкламалар сўзларга қўшиб ёзилади.
3. *-чи, -а(-я), -ку, -да, -у(ю)* юкламалари чизикча билан ёзилади.

239-машқ. Ўқинг. Юкламаларни топиб, англатган маъноларига кўра гуруҳларга ажратинг. Юкламаларнинг имлосига диққат қилинг.

1. Орзу ниятимга худди ҳозир етгандай бўлардим. (*Ч. Айём.*)
2. Улардан фақат бирга олдирилган сурат ёдгорлик бўлиб

қолади. (С. А.) 3. Яхши одамлар ҳам бор экан-ку, дунёда дейман ичимда. (Ҳ. У.) 4. Нозимжон ўрнидан турдида, ҳардам - ҳаёллик билан кўчага чиқди. (С. А.) 5. Ҳамма ишни эртагаёқ тугатамиз. (А.Қ.) 6. Қиз унга бир табассум ҳадя қилди-ю, хирмондан тез чиқиб кетди. (М. Ис.) 7. Енгил шабода эринибгина эсмоқда. (С. А.) 8. Кечаги спорт машғулотида Содиккина қатнашди. 9. Фақат қоникмасликгина кишини ўз устидан ишлашга ундайди. (Э. Тельман). 10. Она ўз ўғлини севади фақат, севади-ю, эртақ айтади. (Ҳ. О.) 11. Қалбнинг худди танага ўхшаб ўз гимнастикаси бор. (Белинский) 12. Онахон тонг отарга яқингина уйкуга кетди. (Ас. М.) 13. Хужранинг на туйнуғи, на дарчаси бор. 13. На одам, на от-улов кўринади. (С. Сиёев)

240-машқ. Кўчиринг. Нукталар ўрига мос юкламалар қўйиб кўчиринг.

1. Насимжон болалардан бирининг қулоғига нимани... шивирлади. (О.) 2. Қандай сўлим кеча.... (О.) 3. Бировга ... сўзини, ... ўрнини беради. (С. А.) 4. Гапимга ҳатто эснаси қотиб қўймади.... (Т. М) 5. Нима... яқинлашмоқда, нима... болоказодай босиб келмоқда. 6. Футболга..., лола сайлига... она учун бари-бир. (Ас. М.) 7. ... , сиз мени бошқаларни қоралаб, ўз қизини оқлайди, деб ўйласангиз, ука? (О. Ё.) 8. Дунёни сув босса тўпигингга чиқмайди... . (С. А.) 9. Бу бекинмачокнинг поёни бор..., ахир. (С. Ражабов) 10. Биз кечаси... манзилга етиб олишга ҳаракат қилдик. (Ҳ. Н.)

Қўйиш учун юкламалар: на, на, дир, да, ёк, наҳотки, я, ми

241-машқ. Кўчиринг, юкламаларини топиб, тагига чизинг. Англаган маъноларини изоҳланг. Ёзилишига эътибор беринг.

1. Бу сирни фақат сизга ишониб айтмоқдаман. 2. Ҳатто чивин ҳам фил учун арзимас душман эмас. (Ю.Х. Ҳожиб) 3. Амал курсисига ўтирибоқ ўзининг кимлигини билдириб қўйди. 4. Дарахтлар ҳам гапирадими, буважон? 5. Дехқонбойингиз кўзимга кўринсин-чи, нима қиламан! (А.Қ.) 6. Ҳаттоки шерни ҳам тулки қиёфасига солувчи эҳтиёждир. (Ж. Румий) 7. Санъат ва адабиёт – нозик нафосат. Бинобарин, ундан фақат нозик дидли одамларгини лаззатланиши мумкин. (Ё. Шукуров)

8. Ахир ҳеч ким дунёга икки марта келмайди-ку!

9. Бизлар бир ўткинчи, жаҳон барқарор,

Одамдан фақат сўз колур ёдгор. (*Фирдавсий*)

242-машқ. Матни ўқинг, ёрдамчи сўзларни аниқлаб, турини айтинг. Тиниш белгиларининг ишлатилиш сабабини тушунтириб бериш.

Қисса

Чўл-сахродан ўтиб кетаётган бир овчи жилвалар қилиб югуриб ўйнаб юрган тулкини кўриб қолди. Тулкининг чиройли териси унга ёқиб қолди, ўз-ўзига: «Бу тулкини ўлдириб терисини қиммат баҳога сотаман», деб ўйлади. Тулки ўз инига кириб кетгач, овчи унинг инига яқин жойни кенг ва чуқур қилиб қовлади, устини чўп ва хас билан ёпди-да, бир парча гўшт ташлаб қўйди. Ўзи эса панароқ жойга беркиниб, тулкининг чуқурга тушиб кетишини кутиб турди.

Тулки инидан чиқиб, чўп-хаслар билан беркитилиб, устига бир парча гўшт ташланган чуқурни кўриб ҳайрон бўлди ва ўз-ўзига: «Бу иш мени ўлдириб, теримни олмоқчи бўлган овчининг хийла-найранги бўлса керак. Нафсим гўшт олиб ейишни истайди, лекин бу гўшздан ўлимнинг хиди келиб турибди. Дошишманлар хатарли ишни қилишни буюрмайдилар. Оқил, донолар: «Сенга икки ишдан бирисини қилиш керак бўлиб қолса, у икки ишдан бири хавф-хатарсиз бўлса, у ишни қилишга қадам қўй», деб бежиз айтмаганлар. ҳар ҳолда нафсимга бир уриб, гўштни олиб емаслигим керак», деб қочиб, инига кириб кетди.

Шу вақтда тоғ устида юрган бир оч қоплон гўштни хидини сезиб қолди. Тоғдан тушиб, чўп-хаслар билан беркитилган чуқур устидаги гўштни олмоқчи бўлган эди, бирдан чуқурга тушиб кетди. Овчи чуқур тубига тушиб кетган ҳайвонни тулки деб ҳаёл қилади. Қўлга илинган ўлжани олмоқ пайида югурганича келиб, ўзини чуқурга ташлайди. Қоплон, бу одам гўштни менадан олмоқчи деб ўйлаб, ҳасис ва таъмагир овчини пора-пора қилиб ҳалок этди. Шундай қилиб, хирс ва таъма туфайли овчи ҳалокатга учради, аммо тулкини қаноат шарофати балодан қутқазди.

Ҳисса: хирс ва таъма занжирига гирифтор бўлган буюк оқибат надомат, пушаймонлик тиғи билан кесилади, таъма

завқ-шавқи жой олган бошга ниҳоят хор-зорлик тупроғи суртилади. Фақат мол-давлатларини кўпайтиришга бел боғлаган, жамиятга фойда етказмаган ҳарис, тамагирлар шундай оқибатга дучор бўладилар.

Байт: Ким ҳарис бўлса ўзни хор айлагай,
Хорликдан ўзни бемор айлагай.

243-машқ. Бадий асардан юклама-қўшимчалар иштирок этган 6 та гап кўчиринг. Юкламаларнинг тағига чизиб, англатган маъноларини изоҳланг.

54-§. Ундов ва таклид сўзлар

Тилимизда шундай сўзлар ҳам борки, улар мустақил сўз туркумига ҳам, ёрдамчи сўз туркумига ҳам қўшилмайди. Уларнинг айримлари мустақил сўзлар бажарган вазифани ҳам бажариб, гап бўлаги бўлиб келиши мумкин. Бундай сўзларни асосан уч гуруҳга бўлиб ўрганамиз: ундов сўзлар, таклид сўзлар ва модал сўзлар.

Ундов сўзлар ўзлари иккига бўлинади.

1. Ҳис-ҳаяжон ундовлари: *эх, оҳ, уҳ, о, э, уф, вой, ура, салом, хайр, балли, ҳорманг, бай-бай, ҳай-ҳай, вой-вой* каби.

2. Ҳайдаш-чакириш ундовлари: *кишит, беҳ-беҳ, чух, ништ қурей - қурей, ништ, ту-ту...*

Таклид сўзлар ҳам икки гуруҳга бўлинади:

1. Товушга таклид сўзлар: *гув-гув, виз-виз, гиз- гиз, гум-бур - гумбур, тақ-туқ, қасир-қусур, шилдир- шилдир, гарч-гурч, дук-дук, қий-чув.*

2. Ҳолатга таклидни билдирувчи сўзлар: *лип-лип, қимир-қимир, ялт-юлт, гуж-гуж, милт-милт.*

244-машқ. Ундов ва таклид сўзларни топинг. Уларнинг тури, англатган маъноси ва гаптаги вазифасини тушунтиринг.

Кун совуқ. Қуёш дам очилиб, кўнгилларни ёритиб юборди, дам ёпилади-да, тумшайиб олади. Дарахтлардан тўкилиб улгурмаган япроқлар ора-сира ширт-ширт узилади, салкин ҳавода бир-икки айланиб, тун изғиринида қатқалоқланган, энди эса сумалаклана бошлаган кўча лойига ғарибона ясланади.

Кун совук, лекин бозор қайнайди. Бу ерга туташган кўчаларнинг ҳаммасидан одам дарёдай оқади. Баъзи бировлар совуқдан қотган кўлларининг қафтларини оғизларига тутадилар-да, «кух-кух» деб иситиб оладилар. Жомийнинг оркасида унинг баланд ғишт деворига тикилиб Оташ дукчи ўтирибди. У дукни ғув-ғув айлантирарди, сўнг бир кўли билан кўзойнагини кўтариб туриб, дукни кўзларига яқин тутади. (О.)

55-§. Модал сўзлар

Ўзбек тилида фикрнинг воқеликка муносабатини ифодалаш учун хизмат қилувчи сўзлар модал сўзлар деб юритилади. Модал сўзлар гапдан англашилган фикрнинг сўзловчи учун қанчалик аниқлигини, бу хабарни сўзловчи қандай баҳолашини билдиради. Модал сўзлар гап бўлаклари билан грамматик алоқага киришмайди ва улар қуйидаги маъноларни билдиради:

1. Аниқлик, ишонч маъноси: *албатта, шубҳасиз, табиий, ҳақиқатан, дарҳақиқат.*
2. Гумон маъноси: *афтидан, эҳтимол, шекилли, чамаси.*
3. Мақсад, талаб, шарт маънолари: *зарур, даркор.*
4. Мавжудлик, тасдиқ маънолари: *бор, мавжуд, майли.*
5. Инкор, мавжуд эмаслик маънолари: *йўқ, бекор.*
6. Маъқуллаш, таъкидлаш, яқунлаш маънолари: *дуруст, бўпти, демак, хуллас, модомики, бинобарин, магарамким, ба-шарти, ҳайрият, шундай қилиб, айтиқса, асосан, ҳусусан.*
7. Эслатиш, ачиниш маънолари: *айтгандай, дарвоқе, айтмоқчи, қошки, афсус, аттанг.*

Эслатма: Модал сўзларнинг кўпчилиги грамматиканинг синтаксис бобида «кириш сўз» деб ўрганилади.

Гапда кириш сўз бўлиб келган модал сўзлар вергул билан ажратилади. (Бошда келса, ундан сўнг, ўртада келса ҳар икки томондан, охирида келса, ундан аввал вергул қўйилади). *Бор, йўқ, албатта, шубҳасиз, тўғри* каби модал сўзлар диалогларда бутун бир гапга тенг маънони билдиради. Масалан:

- *Ота-онангиз борми?*
- *Бор.*
- *Ака-укаларингиз-чи?*
- *Йўқ.*
- *Сизнингча, қилаётган ишларингиз тўғрими?*
- *Тўғри.*
- *Ғалаба қилишга ишонасизми?*
- *Албатта.*

245-машқ. Модал сўзларни топинг, уларнинг англлатган маъноларини изохланг.

1. Э, хайрият, гапирар экансиз-ку, Абдумалик. 2. Атанг, эртароқ келмабсиз-да, ука. 3. Дарвоқе, тоғнинг ўзи ҳам, кишлоқ ҳам унинг номи билан «Чинортоғ» деб аталади. (*А. Мухтор*) 4. Ҳижоб, аслида, бир миллатнинг миллий кийими бўлиб, эҳтимол, кейинчалик ўшалар учун диний маъно касб этгандир. (*Газ.*) 5. Дунёнинг ўз конун-қоидалари мавжуд: олдин ғам келса, унинг кетидан севинч келади. (*«Қ.Б»*) 6. Японлар, маълумки, ўта маданиятли халқ, улар ёши улуғ одамларга юксак ҳурмат билан қарайдилар. (*Журн.*)

7. Тинч битар ишга ҳам қилаверса жанг,
Демак, ул одамнинг ақлин босмиш занг. (*Саъдий.*)

Модал сўзлар куйидаги сўз туркумлари билан ифодаланади:

1. От билан: ҳақиқатдан, дарҳақиқат, чамаси, афтидан, афсус, одатда.

2. Сифат билан: шубҳасиз, сўзсиз, шекилли, табиий, тўғри, рост, яхши, маъқул.

3. Сон билан: биринчидан, иккинчидан, учинчидан, бир томондан, иккинчи томондан.

4. Олмош билан: менингча, сенингча, унингча, бизнингча, сизнингча, ўзингизча.

5. Феъл билан: биладан, биласан, эшитдим, айтайлик, келинг, қаранг, десанг, айтмоқчи.

6. Равиш билан: асосан, хусуфан, тахминан, умуман, дастлаб, даставвал, айтгандай, аксинча, ҳақиқатан.

7. Ёрдамчи сўзлардан: балки, қошки, ҳатто, хайтовур.

8. Сўз бирикмасининг кўшма сўзга айланишидан: ҳар қалай, ҳар ҳолда, хуллас калом.

246-машқ. Кўчиринг. Модал сўзларни топиб, уларнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланганлигини тушунтиринг.

1. Афтидан, мустақил ҳаёт кечирмокқа илк бор кадам қўйиш ҳам кишида ҳаяжон уйғотар экан. 2. Синфдошлар фақат ширин хотираларнигина эслашга уринишди. 3. Мана, ниҳоят, Дилдорнинг кораси кўринди. (С. А.) 4. Ҳайрият, шунақа ўртоқларингиз ҳам бор экан! (Ш.) 5. Афсуски, Аброрбек тўпни дарвозага кирита олмади. (О.) 6. Шубҳасиз, топширик ўз вақтида бажарилади. (Журн.) 7. Эртага, албатта, бизникига боринг, бафуржа гаплашамиз. (Ч. А.)

247-машқ Матнни ўқинг. Мазмунини сўзланг.

Учинчи чорак

(ёки янги йил совғаси)

Дадам иккинчи чоракни аъло баҳолар билан якунлаганимдан, уйда кўйларга, товукларга вақтида ем бериб, сувидан хабар олиб турганимдан хурсанд бўлди.

Янги йил арафасида менга чана совға қилди. Бунақаси атрофимизда хали ҳеч кимда йўқ эди.

– Шу чанани деб, дарслар қолиб кетмасин, хўпми, дўстим? – деди дадам.

– Албатта, дада, хижолат бўлманг! – деб ваъда бердим.

Қишки таътил давомида дўстларим билан адирда мазза қилиб чана учдик. Чана учиш завкли, лекин чанани адирга судраб чиқариш ҳеч кимга ёкмайди. Шунда ихтиро чакмоқдек миямизга урди! Бизга ҳавас билан қараб, ўраланиб юрган кичкинтойларга бу вазифани юкладик. Улар адирга чанани олиб чиқишлари эвазига ҳар биримиз битта болакайни олдимизга олиб чана уча бошладик, қорбўрон ўйнадик. Бурни сабзидан, қалпоғи ўрнига эски челак кийдирилган қорбоболарни нечтасини ясадик!

Қишки таътил тугаши билан аввал маъюслашдик, лекин дарслардан сўнг ўйинларимиз давом этаверди.

– Ҳой бола, дарсингни тайёрла! – деб оналаримиз ортимиздан кичкирган бўйи қолаверди.

Хаш-паш дегунча баҳор келди...

– Қўйларни бир айлангириб кел! – деган буйрукни уйдагилардан интизор кутамиз. Бир бурда нонни тишлаган қўйи қўйлар кетидан чопамиз. Кенг адирда тўп тепиб футбол ўйнаймиз, варрак учирамиз. Ҳаммаси зўрдан-зўр!

Наврўзга яқин дадам билан бозорга бориб, байрам дастурхонига майда-чуда харид килдик. Дадам бир раста ёнида тўхтади.

– Учинчи чоракни ҳам аъло битирсанг, шу планшетлардан бири – сеники! – деди жилмайиб.

Чакмоқ чакнаб, момақалдирик гумбурлаб, кулоқларим том битиб, оёқларим остида ер иккига бўлина бошлагандек туюлди, менга. Учинчи чорак тугашига атига бир неча кун қолди ахир!

“Дада! Шу гапингизни аввалроқ айтсангиз бўлмасмиди?!” – деб кичкириб юборишимга оз қолди. Ўзимни қўлга олдим. Аксида савол-жавоб шу ерда бошланиб, янги йил совғаси планшетсиз қолишимга сабабчи эканлиги ошкор бўлар эди.

- Нима учун болакай планшетга етиша олмайди?
- Қишки таътилда қандай ишлар билан шуғулланасиз?

Р. Розикова

248-машқ. *Тахминан, хусусан, ажасбо, чамаси, сўзсиз, дуруст, асосан* каби модал сўзлар иштирок этган 7 та гап ёзинг. Англатган маъносини тушунтиринг.

249-машқ. Берилган парчани ўқинг. Ёрдамчи сўзларни топинг. Матн мазмунини сўзланг.

...Биз бу дақиқада, сизнинг фикрингизча, гўё бир ифвогар, гўё бир исёнчи бўлиб танилиб турибмиз! – деди бек. – Чиндан ҳам шундоқ кишилармизми, йўқми, буни албатта сизнинг текширишларингиз, ҳақиқатларингиз кўрсатар. Мен сизнинг қиличингиз остида ўлимдан кўркиб ёки сизга хушомад учун сўзламай, ҳукумат кишиларимиз орасида тушунадиган бир одам бўлганлигингиз важдан отамнинг ҳам, ўзимнинг ҳам қандай маслак кишиси эканлигимни айтиб ўтмоқчи бўламан:

биз на кипчокларга тарафдор бир киши ва на шахарлик оғай-
ниларга!...

...Мана биз, тақсир, шу кейинги ишда кўрилмаса ҳам
фақат ширин хаёллардагина юрган олий фирқага ўзимизда
тарафдорлик ҳис этамиз. Отамизнинг Азизбекка яқин тури-
ши кипчок душмани, Қорачопон тарафдори бўлганидан эмас,
балки бояги маслакка бир хизмат қилмоқ учундир. Таассуфки,
отамнинг Азизбекдан бўлгон умиди бўшқа кетди: бугун у ўз-
ўзининг ярамас хаёли йўлида хондан юз ўгирди ва орада қанча
гуноҳсизнинг қони тўкилишига сабаб бўлмоқдадир. Маним бу
сўзларимга ишонинг - ишонманг, ихтиёр албатта, сиздадир.
Аммо мундоғ энг жўн бўхтон билан қораланишимга виждоним
қаршисида сўнг даражада муаззибман, тақсир!... (А. Қод.)

222-машқ. Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

1. Айириш ва чегаралаш юкламаси қайси жавобда берилган.

А. Фақат, фақатгина, ҳам.

Б. -ку, -да, -у (ю), худди.

В. -ми, -чи, наҳот.

Г. на, ахир, ҳатто.

**2. Кучайтирув ва таъкид юкламаси иштирок этган
жавобни аниқланг.**

А. Ёпирай, шунинг ҳаммаси ерга тушармикан?

Б. Шу ерда онамизни кутамизми?

В. Бир киссаким, бунинг сўнгида севишганлар
топишгусидир.

Г. Қандай яхши эди-я!

**3. Шодлик, секинч, кўтаринки рухий ҳолат ифодалаган
ундов қайси жавобда берилган?**

А. Ох, Мунис, Мунис... нима қилиб кетдинг?!

Б. Э-воҳ, осмон йирок, ер қаттиқ!

В. О, куёш жарчиси, бериб хушхабар, хаёт рубобини
сайратувчисан!

Г. Бай-бай-бай... менинг хасратларим кўп...

4. Модал сўз қайси жавобда берилган?

А. Яъни, -ки, (-ким).

Б. Гўё, гўёки, балки.

В. Тахминан, сўзсиз, шубҳасиз.

Г. Худди, нақ, тугайлигина.

5. Товушга таклид сўз ишгирок этган жавоб қайси қаторда кўрсатилган?

- А. Олисдан жангур-жуңгур, яқиндан оддий темир.
- Б. Йилт-йилт ёнган чирок бирдан ўчди.
- В. Чакмок ялт этиб кетди.
- Г. Жавоблар нотўғри.

56-§. Морфологик услубият

Тилнинг луғат бойлигини оширувчи воситалардан бири – сўз ясовчи қўшимчалардир. Уларнинг мавжудлиги ва кўплиги фикрни тўғри ифодалаш, тушунчаларни айнан бериш имкониятларини кенгайтиради. Ҳар бир ясовчи қўшимча грамматик қоидаларга кўра қўлланилади, ҳар бир сўз туркуми учун хос бўлган белгиларни ифодалайди.

Шу билан бирга, сўз ясовчи қўшимчалар орасида ҳам синонимия ва омонимия ҳодисаси бор.

Бунда биз маънога қараб, ясовчи қўшимчани тасниф этамиз:

севинч – от, *тинч* – сифат (*омоним ясовчилар*);

синиқ – сифат, *чизиқ* – от (*омоним ясовчилар*);

қатлама сўзида *-ма* от ясовчи, *ёзма* (*иш*) да – сифат, *кутма* да – феълнинг бўлишсизлик шаклини (*омонимия*) ясовчи қўшимчадир;

бақувват-қувватли (*синонимия*); *ишсиз-беши* (*синонимия*);

Ясовчи қўшимчаларнинг кўпчилиги ўзаро антонимлик ҳолатида ҳам бўлади: *кучли-кучсиз*, *баъмани-беъмани*.

Ясовчи қўшимчаларнинг қай турда бўлишидан қатъи назар, муайян қонун-қоидаларга қараб қўлланади. Аммо баъзан бу қоида бузилади: *Ғўзаларни серҳосилли қилиб олдилар*;

Ошқоравийлик, *техникавий* (*жиҳозлар*) сўзларининг тўғри ҳолати *ошқоралик*, *техника жиҳозлари* ёки *техник жиҳозлар* бўлади.

250-машқ. Берилган гапларни ўқинг. Ноўрин қўлланган ясовчи қўшимчаларни аниқланг, тузатиб қайта ўқинг.

1. Фармон эълон қилинганига, мана, уч йил ҳам бўлди. Лекин ижрочиликда ҳамон иккиланишликлар учраб турибди. 2. Ошқоравийлик ҳаммамиз учун бирдай бўлиши керак. 3. Солиҳ

Махдум ҳамон Раънодан койиб келарди. (А.Қод.) Иш хонаси техникавий жихозлар билан тўлдирилган эди. (Ч.А.) 4. Йўқ, мен далачиман. Бирок менга ҳам илм керак. 5. Пиёз ва картошка йил бўйи энг кўп талаб қилинадиган ва серҳосилли экинларга киради. 6. Ўқтамни ёнига ўтқазиб, болаларча уқтирди: – Мана энди бошчингиз ҳам бор, жойингиз ҳам. (С.А.) 7. Уфқдан қаддини росмана кўтариб олган қуёшнинг олтин шуълалари дангасалик билан оқаётган сув устида ялтиради. (F.F.)

251-машқ. Адиб М.Исмоилийнинг «Одавийлик киссаси» асаридан олти гап ёзинг. Сўз ясовчи қўшимчаларни ажратиб, қандай маъно англатишда қўлланилганини айтиб беринг.

252-машқ. Ўқинг. Келишиқ қўшимчалари нотўғри қўлланган ўринларни аниқланг.

1. Сўзни дилга пишитмай, тилиннга келтирма: аклинг билан илмингни жавобингдан билурлар. 2. Ўзининг яширмоқчи бўлиб қочди: сичқонни ини минг танга бўлди. 3. Анвар Ҳожининг гапининг тинглар экан, энсаси қотди. 4. – Бу нима? – Хамир учидан патир, амирим, – деди нозир икки букчайиб. 5. Бир этак болалардан қийналиб кетдим-да, нега тушунмайсиз?

253-машқ. Ўқинг. Сўз ясовчи қўшимчаларни ажратиб ёзинг. Қандай маъно англатишда қўлланганини айтиб беринг.

Ёшлар билан суҳбат

Қарияларга чексиз ҳурмат Шарқда ғоят кучли таомилдир. Бу ҳамма ҳавас қилса арзийдиган аломат таомил. Лекин бу таомил суяк-суягига сингиб кетган бир шифокор ошнам бир куни шу таомилдан шикоят қилиб қолди. Унинг ҳовлиси узун тор кўчанинг охирида бўлиб, шифокор ҳар куни ишга кетишида тор кўчада имиллаб кетаётган бирон мўйсафиднинг орқасидан тушиб қолар ва катта кўчага шунинг қадамига қараб юрар экан.

Менимча, бундай шикоятга ўрин йўқ, айб таомилда эмас, таомилни эътиқодга айлантириб олган шифокорнинг ўзида: мўйсафидга салом бериб, ҳол-аҳвол сўраб, ўтиб кетаверса бўлади.

Бизнинг ёшларимиз таомилни эътиқодга айлантирмасликлари керак. Ҳурмат ўз ўрнида, мусобақа ўз ўрнида. Бу борада

ёшларимиздан ўпкалашимиз керак. Кўп ёшларимиз илмли, доно бўлгани, масъулиятли ҳунарнинг миридан-сиригача яхши билган ҳолда адабий мунозараларда, муҳокамаларда кам иштирок этишади, фикр-мулоҳазаларини ёнларига тугиб юришади. Қатнашганда ҳам қимтиниб, тортиниб, беадабчилик бўл-масин дегандай оқсоқолларнинг оғзига қарашади. Ҳолбуки, оқсоқоллар сизларнинг фикр-мулоҳазаларингизни, нимадан хурсанд эканликларингизни, қандай қийинчиликлар тортаётганликларингизни, бизнинг китобларимиз, суйган касбимиз ҳақидаги ўйларингизни билгиси, жуда-жуда билгиси келади...

(А.Қ.)

254-машқ. Нукталар ўрнига мос келишлик қўшимчаларини ёки кўмакчилардан бирини қўйиб кўчинг.

1. Қори болалар... кўзи... совук кўриниб қолган эди. (П.Т.)
2. Шундай қариндошлари... кўк... кўтарган дадаси... хафа бўлди у. (О.) 3. Соқолли кампир пул... ҳаяжон билан киссасига урди-да, Нури... юзини очди. (О.) 4. Мухбир таҳририят... тушдан кейин келди. 5. Мастура хола лаган... ерга қўйиб, қучоғи... очди. (Ў.Ҳ.) 6. Вилоятлар... келганлар Бишкек... Ҳукумат бинноси ...митинг... тўпланишди. 7. Баҳор келиб боқ..., тоқ... саёҳатлар уюштирила бошланди. 8. Мажлис раиси навбатдаги нотик... сўз берди. 9. Болалар бу суҳбат... сўнг тепалик... чиқиб яширидилар. 10. Суюнганим... кўнглим шодлик... тўлиб, Дуйшэн... тикилиб тураверибман.

11. Ул адиб кимдирки, доим

Катта пинжи... юрар,

Мансабу унвон, мукофот,

Мулк илинжи... юрар.

Тушса ҳам от... ва лек

Ҳаргиз эгар... тушмагай,

Гар трамвай минса ҳам,

Номер биринчи... юрар (Э.В.)

255-машқ. С. Аҳмаднинг "Ҳиндча кўшиқ" ҳажвиясини ўқинг. Кўплик қўшимчаси ноўрин қўлланган жумлаларни топинг. Бу ҳажвия орқали адиб нима демокчи? Фикрингизни асосланг.

ЙИЛ ОХИРИДА ТАКРОРЛАШ

256-машк. Қуйидаги сўзларни тўлиқ фонетик таҳлил қилинг.

Ободончилик, ахдлашмоқ, гидроузел, журнал, молекула, ёқут, кимё, саъва, сентябрь, юлдуз, югуриш, яъни, яшнамоқ, гайрат.

257-машк. Охири *ф* билан тугаган атоқли отларга мисоллар топиб, фамилияга айлантинг ва дафтарингизга ёзинг, улар иштирокида гаплар тузинг. Сўзларнинг талаффузига кўра урғусини кўйинг.

Намуна: *Ориф – Орипов;*

Абдулла Орипов бу йил табаррук 70 ёшга қаришлайди.

258-машк. Талаффузда бир ундош тарзида айтиладиган кетма-кет келган бир хил ундошли сўзларга (*грамм, миллион, металл* каби) мисоллар ёзинг.

259-машк. «Имло луғати» дан кетма-кет келган ҳар хил ва бир хил унлилар иштирок этган сўзларни аниқлаб, икки устун шаклида ёзинг.

<i>Қаноат</i>	<i>Манфаат</i>
<i>Саида</i>	<i>Нишонт</i>

260-машк. Таркибида кетма-кет келган бир хил ундошли сўзлар қатнашган ўзбек халқ мақолларидан 4-5 та ёзинг.

261-машк. Ҳикматларни ўқинг. Нукталар ўрнига гапнинг мазмунига мос сўзларни кўйиб кўчиринг.

1. Хасадгўй одамлар билан ҳеч қачон дўстлашма, чунки улардан ... дўст чиқмайди. 2. Султоннинг хизматида бўлсанг ҳам, ...ўзингни тий. 3. Нутқ ... куч: у ишонтиради, ундайди, мажбур қилади. 4. Ҳақиқий ... содиқ бўл, хиёнат қилма. 5. Мунофиқ дўст, гарчи сен унга ... фидо қилсанг ҳам, сенга ... қилмайди. 6. Ёшлиқ шу нарса билан бахтиёрки, унинг ... бор. 7. Зехн тили, агар у юракдан чикса, ... тегади. (*Ж.Ж.Руссо.*)

Кўйиш учун сўзлар: кудратли, нишонга, келажаги, жонингни, дўстга, вафо, суҳбатидан, яхши.

262-машк. Э товуши тарзида эшитилиб, е ёзиладиган сўзларга мисоллар келтиринг.

Намуна: *тез, беҳи, меҳр...*

263-машк. Ўқинг. Гапларни тўликлаб, кўчиринг.

1. Шуни ..., яхшилик ёмонлик устидан
2. Китоб – инсоннинг яқин ..., аклли суҳбатдоши,
3. Инсон меҳнати билан
4. Шабада бир маромда ... ва гиёҳлар ўзича
5. Дўстларнинг ҳасади душманларнинг хусуматидан
6. Дарахт япроқлари ой билан саломлашгандек ... шитирлайди.

264-машк. Нукталар ўрнига зарур келишиқ кўшимчасини ёки кўмакчи кўйиб гапларни кўчиринг.

1. Кимки жоҳил ... улфат бўлса, у юз минг офат ... дучор бўлади. (*Ҳикмат*)

2. Бу расмлар ... одам ишлаганига ишониш кийин эди, чунки расм ўйилган саксон-тўксон метрли баландлик ... ҳеч қандай нарвон ... чикиб бўлмас эди.

3. Қуёш нурлари ... беркитиб бўлмаганидек, ҳақиқат чирроғи ... ҳам сўндириб бўлмайди. (*Замахшарий*)

4. Тарихинг битмак..., халқим
Мингта Фирдавсий керак. (*Э.В.*)

265-машк. Ўқинг. Берилган гапларни морфологик таҳлил қилинг.

1. У сўзини тамомлаганда, мулойим шабада эсиб, гўё кўкатларни қимирлатгандек, одамлар орасида ҳаракат бошланди.

2. Амир Темур табиатан ақл-идрокли, чакқон, чабдаст, жасоратли ва тадбиркор бўлганлиги туфайли қудратли давлат барпо этишга эришган. 3. Сен кулдингу бирдан ёришди дунё, Дунёга кулгини сен бердинг гўё. (*Б.Бойқобулов*)

266-машк. Нукталар ўрнига берилган сўзлардан мосини кўйиб кўчиринг.

Атрофни сукунат, ... зулмат қоплаб олган. Мен сув ичиб олайин деб булок ... қайридим. У қоронғи, сокин ... ичида секин-аста ... қайнар ва зулмат оғушида йилт-йилт товланиб атрофга салқинлик таратарди. Ҳақиқатан ҳам у бўталокнинг кўзини эслатаркан, ... ўша қиз эсимга тушиб қолди. ... унинг исмини ҳам билиб ололмаган эканман. Қаерда экан ҳозир ўша хушовоз гажакдор...? (*Ч.А.*)

Кўйиш учун сўзлар: томон, чексиз, биқирлаб, чуқурлик, кўкқисдан, қиз, ўша кезде.

Кўрғазма сифатида фойдаланиш учун
жалваллар

1-жадвал

Нутқ товушлари ва алфавит

Нутқ товушлари		Ҳарфлар						
Товушларни талаффуз қиламиз, эшитамиз. Ўзбек тилида 31 та товуш бор. Товушлар ёзувда ҳарфлар билан белгиланади.		Ҳарфларни кўрамыз, ёзамиз. Ҳарфларнинг маълум тартибда жойлаштирилган қатори алфавит дейилади. Ўзбек алфавитида 35 та ҳарф бор.						
Унли товушлар 6 та: а, о, и, э, у, ў								
Ундош товушлар	Жа- рангли	Б, В, Г, Д, Ж, З, Й, Л, М, ДЖ, Н, НГ, Р, Ғ, 13 та	А	Б	В	Г	Д	Е
			Ё	Ж	З	И	Й	К
			Л	М	Н	О	П	Р
	Жа- рангсиз	К, П, С, Т, Ф, Х, Ц, Ў, Ч, Ш, Қ, Ҳ, 12 та	С	Т	У	Ф	Х	Ц
			Ч	Ш	Ъ	Ь	Э	Ю
			Я	Ў	Қ	Ғ	Ҳ	
НГ товуши алфавитда ёзилмаган, чунки икки ҳарф (н+г) нинг бирикувидан ҳосил бўлади.		Унли ҳарфлар 10 та: а, о, и, э, у, ў, е, ё, ю, я. Е, ё, ю, я ҳарфлари 2 тадан товушни билдиради. Ундош ҳарфлар 23 та, ъ ва ь белгилари товуш билдирмайди.						

ЛЕКСИКОЛОГИЯ

Лексикология - тилшунослик фанининг бир бўлими бўлиб, унда тилдаги барча сўзлар ва уларнинг луғавий маънолари ўрганилади.

Бир маъноли ва кўп маъноли сўзлар		Сўзларнинг асл маъноси ва кўчма маъноси		Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатларига кўра турлари			
Бир маъноли сўзлар	Кўп маъноли сўзлар	Сўзнинг асл маъноси	Сўзнинг кўчма маъноси	Омоним	Синоним	Антоним	Пароним
<i>Терак, тол, гуруч, шафтоли, кесим, тўлдирувчи, вергул, учбурчак</i>	<i>Ёқа: дарё, ёқаси, кўйлак, ёқаси; Кўз: мушукнинг кўзи, ишнинг кўзи, булоқнинг кўзи</i>	<i>Пўлат сандиқ, ўткир пичоқ, тош девор</i>	<i>Пўлат ирода, кўзи ўткир, тош меҳр</i>	<i>Тут</i> (мева, от) – <i>Тут</i> (ушла, феъл), <i>кўнглигини тўқ тут.</i> <i>Кўй</i> (хайвонот) <i>кўй</i> (феъл) <i>галвани қўй</i> (ибора)	<i>Бемор, бетоб, касал; Бет, юз чехра, ораз, рухсор афт, башара, турқ</i>	<i>Катта-кичик, тез-секин, баланд-паст, янги-эски</i>	<i>Адабий-абадий, чўпон-чопон, девон-довон, кафе-кофе, фирма-ферма</i>
<p>Фразеологик иборалар (турғун иборалар): <i>бир ёқадан бош чиқармоқ, оғзининг таноби қочмоқ, тепа сочи тикка бўлмоқ, тарвузи қўлидан тушмоқ, миси чиқмоқ, оғзи қулоғига етмоқ, кўнглига қарамоқ.</i></p>							

Сўзларнинг тузилиш жиҳатидан турлари

Содда сўзлар	Қўшма сўзлар	Жуфт сўзлар	Такрорий сўзлар
<i>Дарахт</i>	<i>Белбоғ</i>	<i>Куч-қувват</i>	<i>Кўп-кўп</i>
<i>Қизил</i>	<i>Кул ранг</i>	<i>Катта-кичик</i>	<i>Катта-катта</i>
<i>Саккиз</i>	<i>Ўн икки</i>	<i>Беи-ўнта</i>	<i>Миллион-миллион</i>
<i>Ёзди</i>	<i>Ўқиб чиқди</i>	<i>Айтди-кўйди</i>	<i>Айтдим-айтдим</i>

Отларнинг маъно турлари

Турлари	Мисоллар
1. Шахс номлари	<i>Бола, одам, ўқувчи, фазогир, деҳқон, шичи, дурадгор, кулол, бизнесмен, тадбиркор...</i>
2. Жониворлар номлари	<i>Булбул, парвона, хўроз, арслон, айиқ, қўй, чумоли, мушук, фил, ари...</i>
3. Нарса ва жисмлар номлари	<i>Китоб, дарахт, мева, сув, бино, боғ, узум, олтин, темир...</i>
4. Воқеа-ҳодиса номлари	<i>Кўзгюлон, митинг, шабада, уйқу, туш, хаёл, севги, гам, ташвиш...</i>
5. Белги - сифат номлари	<i>Дўстлик, тинчлик, бирдамлик, боёлик, беғамлик, қайишқоқлик...</i>
6. Ҳаракат - ҳолат номлари	<i>Йигим, терим, ўқув, ишламоқ, чопиқ, ютуқ, қирим, чиқим</i>

Отларнинг тузиллишига кўра турлари

1. <u>Содда отлар</u> таркибида биргина ўзак бўлади	<i>Қўйи, Илҳом, Салима, ер, дарахт, қосиб, шичи, дурадгор, газета, курсдош.</i>
2. <u>Қўшма отлар</u> икки ва ундан ортик мустақил сўзларнинг маъно ва грамматик бирикувидан ҳосил бўлади	<i>Отқулоқ, қўларра, ошқозон, кўксултон, отбоқар, бешиқтерватар, Сирдарё, Оқбура, Мингбулоқ, учбурчак (қўшиб ёзилади).</i> Э с л а т м а: иккинчи қисми <i>е, ё, ю, я</i> ҳарфлари билан бошланганда ажратиб ёзилади: <i>ер ёнгоқ, қозон ювгич.</i>
3. <u>Қисқартма отлар</u> нутқда ва ёзувда ихчамликка эришиш зарурати билан ҳосил бўлади.	<i>БМТ – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти</i> <i>МДХ – Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги</i> <i>АҚШ – Америка Қўшма Штатлари</i> <i>ЎиДУ – Ўш Давлат университети</i>
4. <u>Жуфт отлар</u> Икки мустақил сўзнинг маъно ва грамматик жиҳатдан тенг боғланишидан ҳосил бўлади.	1. Ҳар бири мустақил қўллана оладиган жуфт сўзлар: <i>ака-ука, она-бола, ақл-идроқ, қозон-товоқ.</i> 2. Биринчи қисми мустақил қўллана олади, аммо иккинчи қисми қўлланмайди: <i>бола-чақа, дон-дун, темир-терсак.</i> 3. Ҳар иккала қисми ҳам алоҳида, мустақил қўллана олмайд: <i>алғов-далғов, ивир-сивир, галаговур каби.</i>
Жуфт отлар ўртасига чизикча қўйилади, аммо <i>-у, -ю</i> каби боғловчи вазифасидаги қўшимчалари бўлса, чизикча қўйилмайди: <i>ақлу идрок, меҳру муҳаббат, акаю ука.</i>	

Сўз ясовчи қўшимчалар ёрлимида ҳосил бўлган отлар

	<i>Маънолари</i>	<i>Қўшимчалар</i>	<i>Мисоллар</i>
1	Шахс оти ясовчилар	-чи; -дош; -кор; -гар; -бон; -боз; -паз; -соз; -каш; -дор; -хон; -дўз; -шунос.	<i>Сувчи, жангчи, ўқувчи, тўқувчи</i> <i>Сирдош, ватандош, қуролдош</i> <i>Бинокор, пахтакор, шоликор</i> <i>Сехргар, кимёгар, фирибгар</i> <i>Богбон, тарозибон, дарвозабон</i> <i>Дорбоз, каптарбоз, найрангбоз</i> <i>Ошпаз, сомсапаз, кабоппаз</i> <i>Соатсоз, кемасоз, араवासоз</i> <i>Меҳнаткаш, туякаш, аравакаш</i> <i>Чорвадор, сармоядор, айбдор</i> <i>Китобхон, Навоийхон, газалхон,</i> <i>Этиқдўз, маҳсидўз, нўстиндўз</i> <i>Тилишунос, ўлкашунос, ҳуқуқшунос</i>
2	Нарса-буюм оти ясовчилар	-гич; -кич; -қич; -гич; -ги; -ки; -қи; -ги; -к; -қ; -иқ; -уқ; -ик; -ма; -м; -им; -ум; -дон;	<i>Ювгич, ковлагич, сувагич</i> <i>Кўрсаткич</i> <i>Очқич, қисқич, сочқич</i> <i>Савагич, қирғич</i> <i>Супурги, куйдирги</i> <i>Тепки</i> <i>Тутатқи</i> <i>Чалги</i> <i>Курак, элак, парпирак</i> <i>тароқ, бўёқ</i> <i>Чопиқ, қўшиқ, топишиқ</i> <i>Ютуқ</i> <i>Кўрик</i> <i>Димлама, қатлама, босма</i> <i>Тўплам, тишлам, чидам</i> <i>Кирим, чиқим, битим</i> <i>уюм, тутум, қуюм, ютум</i> <i>қаламдон, сиёҳдон, туздон</i>
3	Ўрин-жой оти ясовчилар	-зор; -истон; -лоқ;	<i>Гулзор, қамшизор, мевазор</i> <i>Туркистон, Қирғизистон,</i> <i>Қишлоқ, ўтлоқ, тошлоқ</i>
4	Белги оти (мавҳум от) ясовчилар	-лик; -лиқ; -нома -гарчилик	<i>Дўстлик, бирлик, ёшлиқ</i> <i>Борлиқ, оталиқ</i> <i>Ойнома, саломнома, бахтнома</i> <i>Одамгарчилик, исрофгарчилик</i>

Сифатларнинг тузилишига кўра турлари

Сифатлар	Мисоллар
1. Содда сифатлар	<i>Чиройли, узун, серсув, қайсар, нобон</i>
2. Қўшма сифатлар	<i>Очкўз, ўзбилармон, эртатишар, камган, ҳозиржавоб, халқаро.</i>
3. Жуфт ва такрорий сифатлар	<i>Узун-қисқа, катта-кичик, оч-яланғоч, янги-янги, баланд-баланд.</i>

Сифат даражалари

Даражалар	Мисоллар
1. Оддий даража	<i>Катта, нордон, ифбатли, ориқ, яхши, бемаза</i>
2. Қиёсий даража (Оддий даражадаги сифатга - роқ кўшимчасини кўшиш билан ясалади)	<i>Каттароқ, узунроқ, ақллироқ, чиройлироқ, яхшироқ, баландроқ</i>
3. Ортгирма даража (Оддий даражадаги сифат олдига энг, жуда, гоят, ниҳоятда, ҳаммадан каби сўзларини кўшиш билан ҳосил бўлади).	<i>Энг катта, жуда узун, гоят ақли, ниҳоятда баланд, ҳаммадан кучли</i>

Озайтирма ва кучайтирма сифатлар

Сифатлар	Кўшимчалар	Мисоллар
Озайтирма	<i>-иш</i> <i>-имтир (-мтир)</i> <i>оч</i> <i>ним</i> <i>тўқ</i> <i>-гина</i> <i>(-кина, -қина)</i>	<i>Сарғиш, оқини, қизғиш</i> <i>Оқимтир, кўкимтир</i> <i>қоралтир</i> <i>Оч қизил, оч жисгаранг</i> <i>нимтушти (ним кўшиб</i> <i>ёзилади)</i> <i>Тўқ қизил, тўқ сариқ</i> <i>Яхшигина, узунгина, ба-</i> <i>ландгина</i> <i>Кичиккина, настқина,</i> <i>Оппоққина, юмшоққина,</i> <i>иссиққина</i>
Кучайтирма	Сифатнинг бош қисмига <i>п, м</i> товушлари кўшиб такрорланади, кучайтирма сифатлар чизикча билан ёзилади	<i>Сап-сарик, қип-қизил,</i> <i>Қоп-қора, кап-катта</i> <i>(бола)</i> <i>Кўм-кўк, дум-думалоқ</i> <i>Яп-янги, ям-яшил</i>

Сонларнинг маъно ва грамматик жihatдан турлари ҳамда уларнинг
ёзиллиши

№	Турлари	Сон ўзатига қўшила- диган қўшимчалар	Мисоллар ва имло- си
1	Микдор сон нарса- буюмнинг сон- саногини, микдорини билдиради.	Қўшимчаси йўқ	<i>Ўн беш кун, олти ой, беш аср, саккиз нафар, эллик кило- метр, бир ҳовуч, юз сўм, ўн тийин</i>
2	Дона сон нарса- буюмнинг доналаб саналадиган умумий сонини билдиради.	Микдор сонга -та қўшимчаси қўшилади. Баъзан дона сўзи иш- латилади. (Инсонлар- га nisбатан -та, дона қўлланилмайди).	<i>Тўртта олма, олти- та китоб, икки дона ўрик, саккиз нафар ўқувчи, йигирмата компьютер</i>
3	Тартиб сон нарса- буюмнинг санокдаги тартибни билдиради	Микдор сонга -инчи -нчи қўшимчалари қўшилади. Тартиб сон араб рақамлари билан ёзилганда -нчи, -инчи ёзилмайди. Рим рақамларидан кейин чизикча қўйилмайди.	<i>Ўинчи синф, ол- тинчи уй, учинчи босқич. 7-синф, 12-уй, 23- мактаб, XXI аср, X синф, V курс</i>
4	Чама сон нарса- буюмнинг тахминий сонини билдиради.	Микдор сонларга -тача, -лар, -ларча, -лаб қўшимчалари қўшилади. Микдор сонлар жуфтлашади.	<i>Ўнтача хурмо; Соат олтилар эди. Миллионлаб ўқувчи. Эллик-олтмиш одам. Ўн-ўн беш бола.</i>
5	Жамловчи сон нарса- буюмнинг доналаб саналишидан ҳосил бўлган микдорни бил- диради.	Микдор сонларга -ов, -ала, -овлон қўшимчалари қўши- лади. <i>Икки, олти,</i> <i>йигирма етти</i> каби сонларга -ов, -ала қўшилганда ўзакдаги и, а товушлари тушиб колади.	<i>Тўртови, ўнови, юзо- ви; Бешаласи, учала- си; Иккови, олтови, еттови, йигирмови; икковлон, олтовлон тўртовлон</i>
6	Тақсим сон нарса -бу- юмнинг тақсимланиш микдорини англата- ди.	Микдор сонга -тадан қўшимчасини қўшиш билан ҳосил бўлади.	<i>Болаларга учдан бир қисмини беришди.</i>

Олмош ва унинг турлари

№	Олмош турлари	Англатадиган маънолари	Мисоллар	Айрим имло қондалари
1	Кишилик олмоши	Уч шахсни билдиради. Бирлик ва кўplikда ишлатилади	<i>I II III Мен Сен У Биз Биз улар</i>	<i>Мен гапирман, сиз куласиз, у ҳайрон бўлади.</i>
2	Ўзлик олмоши	Нарса-буюмни таъкидлаб кўрсатади	<i>Ўз</i>	<i>Ўз уйи, ўзимнинг онам, ўзи чизди</i>
3	Кўрсатиш олмоши	Нарса-буюмни, шахсни кўрсатади	<i>У, бу, шу, ўша, мана бу, ана шу, анови</i>	<i>У китоб меники эди. Мана шу дарахт устида яшириндим. Ўша киши – менинг отам</i>
4	Сўрок олмоши	Бирор шахс, нарса-буюм, белги ёки сон ҳақидаги сўроқни билдиради	<i>Ким? Нима? Қ а н а қ а ? Қайси? Неча? Нечта? Неччанчи?</i>	<i>Кимни сўраяссиз? Нима шингиз бор? Қанақа уйда тура-ссиз? Қайси китобни ўқидингиз? Нечанчи курсда ўқийссиз?</i>
5	Белгилаш олмоши	Нарса-буюмларни белгилаш учун ишлатилади	<i>Ҳамма, барча, бари, ҳар ким, ҳар нима, ҳар нарса, ҳар бир, ҳар қайси</i>	<i>Ҳамма қатнашди. Ҳар ким ўз билганини сўзлади. Ҳар бир инсон ўзи учун жавоб беради.</i>
6	Бўлишсизлик олмоши	Инкор маъносини билдиради	<i>Ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч қанақа, ҳеч нарса, ҳеч қайси</i>	<i>Ҳеч ким, ҳеч нима ҳеч қачон унутилмайди.</i>
7	Гумон олмоши	Ноаниклик, гумон маъноларини билдиради	<i>Кимдир, нима-дир, аллаким, алла нарса, аллақандай</i>	<i>Кимдир кулди, нима-дир содир бўлди, аллаким мўралади, алланарсалар кўнглимга келди, аллақандай шарна эшитилди.</i>

Феъл замонлари

Замон	Замон турлари	Қўшимчалари	Мисоллар
Ўтган замон	Яқин ўтган замон Узоқ ўтган замон Ўтган замон ҳикоя феъли	- <i>ди</i> - <i>ган, - ган</i> <i>эди</i> - <i>ган экан</i>	<i>Келди, ёзди, ўйлади;</i> <i>Келган, ёзган, ўйлаган;</i> <i>Келган эдим, ёзган эдим, ўйлаган эдим;</i> <i>Келган экан, ёзган экан, ўйлаган экан;</i>
Ҳозирги замон	Ҳозирги замон давом феъли	- <i>япти</i> - <i>моқда</i> - <i>ётир</i> (- <i>аётир</i>)	<i>Келяпти, ёзаяпти, ўйлаяпти;</i> <i>Келмоқда, ёзилмоқда, ўйламоқда;</i> <i>Келаётир, ёзаётир, ўйлаётир;</i>
Келаси замон	Аниқ келаси замон феъли	- <i>моқчи</i> - <i>р (ар)</i>	<i>Келмоқчи, ўқимоқчи, ўйламоқчи;</i> <i>Келар, ёзар, ўйлар.</i>

Феъл исовчи қўшимчалар ва уларнинг
ёзиллиги

Қўшимчалар	Мисоллар	Айрим қўшимчаларнинг ёзилишига изоҳ
- <i>ди</i>	<i>Ишламоқ, тозаламоқ, шивирламоқ;</i>	
- <i>а</i>	<i>Гулдурамоқ, тунамоқ, санамоқ, яшамоқ, атамоқ, ўйнамоқ, қийнамоқ;</i>	<i>Сон, ёш, от</i> сўзларига - <i>а</i> қўшилганда, <i>о-а га, ё-я га</i> айланади: <i>сана, яша</i> <i>Ўйин, қийин</i> сўзларига - <i>а</i> қўшилганда, ўзакдаги <i>и</i> тушиб қолади: <i>ўйна, қийна</i> .
- <i>ай (-ай)</i>	<i>Қораймоқ, кучаймоқ, саргаймоқ, сусаймоқ, улгаймоқ;</i>	<i>Суст</i> сўзига - <i>ай</i> қўшилганда ўзакдаги <i>т</i> тушиб қолади, <i>улуг</i> сўзига - <i>ай</i> қўшилганда ўзакдаги <i>у</i> тушиб қолади, <i>сарик</i> сўзига - <i>ай</i> қўшилганда <i>и</i> тушиб қолади ва <i>қ - г</i> га айланади.
- <i>р (-ар)</i> - <i>сира</i> - <i>са;</i> - <i>и</i> - <i>илла</i> - <i>лан;</i> - <i>лаш;</i>	<i>қисқармоқ, оқармоқ, кўкармоқ;</i> <i>сувсирамоқ, уйқусирамоқ;</i> <i>сувсамоқ;</i> <i>боймоқ, тинчимоқ;</i> <i>чирқилламоқ,</i> <i>чийилламоқ;</i> <i>шовилламоқ,</i> <i>вишилламоқ; фахрланмоқ,</i> <i>юзланмоқ;</i> <i>суҳбатлашмоқ,</i> <i>ёрдамлашмоқ;</i>	- <i>илла</i> қўшимчаси баъзан - <i>улла</i> тарзида айтилади, - <i>илла</i> ёзилади: <i>шовилламоқ</i>

Боғловчи

Тенг боғловчилар	Эргаштирувчи боғловчилар чунки, шунинг учун
Гапнинг уюшиқ бўлаклари ва кўшма гап таркибидаги содда гапларни бир-бирига боғлаш учун кўлланилади.	Кўшма гап таркибидаги содда гапларни бир-бирига эргаштириш йўли билан боғлайди. <i>Босиқ одам ҳамшиша уйлаб ши туттади, чунки унинг қуроли – ақли доим чархланиб туради. У рост гапни айтган эди, шунинг учун унинг юзи қизармади.</i>
1. Бириктирув боғловчилари (ва, ҳамда, билан)	Уйқусизлик бош мияни чарчатади ҳамда кишини тез қаритади. Билан кўмакчиси тенг боғловчи вазифасида келади: ... <i>Оломон Жақип билан Манасни оқ кигизда кўтариб келишиди.</i>
2. Зидлов боғловчилари (аммо, лекин, бироқ, балки)	Бир-бирига зид маъноли уюшиқ бўлакларни ва содда гапларни боғлайди: <i>Қумри кўзини очди, аммо гапирмади. Тонг ҳам ёришмаган, бироқ кўчада одамлар кўп эди.</i>
3. Айирув боғловчи (ё, ёки, гоҳ, дам, баъзан, ёҳуд)	Воқеа-ҳодисаларнинг галма-гал бўлишини билдиради: <i>Машина бир текис юрмас эди: гоҳ тезлаб кетар, гоҳ орқада қолар эди.</i>
Гапда зидловчи боғловчилар (аммо, лекин, бироқ, балки) ва эргаштирувчи боғловчилар (чунки, шунинг учун) олдидан вергул қўйилади.	

**Юкламаларнинг маъно жихатидан
турлари**

Турлари	Юкламалар	Маънолари	Мисоллар
1. Сўроқ ва таажжуб юкламалари	-ми; -чи; -а(-я); наҳот (наҳотки)	Сўраш ва таажжубланиш маъноларини билдиради.	<i>-Темур тузукларини ўқидингми? -Бўлмасам-чи? Ўқимай бўладими? -Жуда зўр ёзилган-а? Наҳотки одамлар кезар дарбадар! (F.F.)</i>
2. Таъкид юкламаси	-ку; -да; -у (-ю)	Фикрини таъкидлайди ва аммо, лекин, бироқ боғловчилари ўрнида ҳам келади.	<i>Айтгансиз-ку, энди тонманг-да! У мажлисда бўлмаса-да, нима гап бўлганини билар эди. Кўрганман-у, қимлигини эслай олмайман. Билади-ю, гапирмайди.</i>
3. Айириш, чегаралаш, ажратиб кўрсатиш юкламалари	Фақат, ҳам, -гина, (-қина, -қина)	Баъзан бир хил маънодаги икки юклама биргаликда келади. Маъно янада кучаяди.	<i>Фақат ёлгондан қочган ва ҳақиқат излаган одамгина эътироф ва мақтовга лойиқдир. (Ҳ.)</i>
4. Кучайтирув юкламалари	Ахир, ҳатто (ҳаттоки) -оқ (-ёқ)	Сўз ва гапнинг маъносини кучайтиради, бўрттиради.	<i>Ҳикоянгиз билан қўлғезмалик вақтидаёқ танишиб чиқдим. Эй... у ҳатто исмини ҳам тўғри ёза олмайди.</i>
5. Инкор юкламаси	На ёлғиз ишлатилмайди	на қўлланилган гапда кесим бўлишли феълдан ифодаланади, аммо инкорни билдиради.	<i>Беморнинг томоғидан на овқат ўтади, на бир зум кўзини юмади. Бу гапда томоғидан овқат ўтмайди, бир зум ҳам кўзини юмайди деган маъно келиб чиқади.</i>
Эслатма: -у (-ю), -да юкламалари бириктирув боғловчилари вазифасида ҳам келади. Масалан, <i>оқу қора, каттаю кичик; Келди-да, иш бошлади.</i>			

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

<i>А.О.</i> - Абдулла Орипов	<i>О.</i> - Ойбек
<i>А.Қ.</i> - Абдулла Қаххор	<i>П.Т.</i> - Парда Турсун
<i>А.Қод.</i> - Абдулла Қодирий	<i>П.Қ.</i> - Пиримкул Қодиров
<i>А.Ж.</i> - Абдурахмон Жомий	<i>Р.</i> - Рудакий
<i>А.Н.</i> - Алишер Навоий	<i>С.А.</i> - Саид Ахмад
<i>Ас.М.</i> - Асқад Мухтор	<i>С.З.</i> - Саида Зуннунова
<i>Газ.</i> - Газетадан	<i>Т.М.</i> - Тоҳир Малик
<i>Г.</i> - Гёте	<i>У.</i> - Уйғун
<i>Журн.</i> - Журналдан	<i>Э.В.</i> - Эркин Воҳидов
<i>З.</i> - Зулфия	<i>Энцикл.</i> - Энциклопедия
<i>И.Р.</i> - Иброҳим Раҳим	<i>Ч.А.</i> - Чингиз Айтматов
<i>И.М.</i> - Икбол Мирзо	<i>«Ч.»</i> - «Чоликуши»
<i>Л.Т.</i> - Лев Толстой	асаридан
<i>«М»</i> - «Манас» эпоси	<i>Ш.Раҳ.</i> - Шавкат Раҳмон
<i>М.</i> - Мақол	<i>Ш.Х.</i> - Шукур Холмирзаев
<i>М.Ис.</i> - Мирзакалон Исмоилий	<i>Ш.</i> - Шухрат
<i>М.М.</i> - Мирзохид	<i>Ў.Ҳ.</i> - Ўткир Ҳошимов
Мирзараҳимов	<i>«Қ.»</i> - «Қобуснома»
<i>М.О.</i> - Миркарим Осим	<i>«Қ.Б.»</i> - «Қутадғу билиғ»
<i>Мирм.</i> - Мирмуҳсин	<i>Қ.М.</i> - Қўлдош Мирзо
<i>Мирт.</i> - Миртемир	<i>Ғ.Ғ.</i> - Ғафур Ғулом
<i>М.Ю.</i> - Муҳаммад Юсуф	<i>Ҳ.Н.</i> - Ҳақим Назир
<i>Н.Г.</i> - Низомий Ганжавий	<i>Ҳ.</i> - Ҳикмат
<i>Н.Ф.</i> - Носир Фозилов	<i>Ҳ.О.</i> - Ҳамид Олимжон
<i>О.Ё.</i> - Одил Ёқубов	<i>Ҳ.Ғ.</i> - Ҳамид Ғулом

Сўз боши.....	3
1-§. Тил ва унинг жамиятдаги ўрни.....	4
2-§. Ўзбек халқи ва тилининг шаклланиши.....	7
3-§. Ўзбек адабий тили ва унинг шаклланиши.....	10
4-§. Ўзбек тилининг таракқиёти.....	12
5-§. Ўзбек тили фани ва унинг бўлимлари.....	15
6-§. Матн ҳақида тушунча.....	18
7-§. Фонетика.....	20
8-§. Нутқ товушлари ва ҳарф.....	21
9-§. Бўгин.....	23
10-§. Урғу.....	26
11-§. Фонетик услубият.....	29
12-§. Орфоэпия.....	32
Такрорлаш учун топшириқлар.....	37
Орфография.....	39
13-§. Унли ҳарфлар имлоси.....	39
14-§. Ее, Ёё, Юю, Яя ҳарфлари ва уларнинг имлоси.....	40
15-§. Айрим ундош ҳарфлар имлоси.....	42
16-§. Бош ҳарфлар ва уларнинг имлоси.....	44
17-§. Сўз ясалиши ва имло (Сўз таркиби).....	46
18-§. Сўз ясовчи кўшимчалар.....	47
19-§. Шакл ясовчи ва сўз ўзгартувчи кўшимчалар.....	49
20-§. Ўзак ва кўшимчалар имлоси.....	52
21-§. Кўшма сўзлар ва сўз бирикмалари имлоси.....	54
22-§. Жуфт ва такрорий сўзлар имлоси.....	56
23-§. Иншолар қандай ёзилади?.....	57
Такрорлаш учун топшириқлар.....	60
24-§. Лексикология. Бир маъноли ва кўп маъноли сўзлар.....	61
25-§. Сўзларнинг кўчма маънода қўлланиши.....	62
26-§. Лексик услубият.....	64
27-§. Эскирган сўзлар.....	66
28-§. Шевага хос сўзлар.....	67
29-§. Янги пайдо бўлган сўзлар (Неологизмлар).....	68
30-§. Атамалар.....	69
31-§. Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатларига кўра турлари.....	70
32-§. Иборалар.....	74
33-§. Луғатлар ва улардан фойдаланиш.....	76
Сўз туркумлари.....	81

34-§. Мустақил сўз туркумлари.....	81
35-§. От ва унинг грамматик белгилари.....	83
36-§. Отларнинг ясалиши ва гаптаги вазифаси.....	90
37-§. Сифат.....	95
38-§. Сон ва унинг тузилишига кўра турлари	100
39-§. Олмош ва унинг турлари.....	104
Такрорлаш учун топшириқлар.....	107
40-§. Феъл	109
41-§. Феъл замонлари	113
42-§. Феълларнинг ясалиши.....	115
43-§. Феъл шакллари.....	120
44-§. Равиш.....	125
45-§. Ёрдамчи сўз туркумлари.....	128
46-§. Кўмакчи.....	129
47-§. Боғловчи.....	131
48-§. Тенг боғловчилар.....	136
49-§. Зидлов боғловчилар.....	137
50-§. Айирув боғловчилар.....	138
51-§. Эргаштирувчи боғловчилар.....	140
52-§. Юкламалар.....	143
53-§. Юкламалар ва уларнинг ёзилиши.....	145
54-§. Ундов ва таклид сўзлар.....	148
55-§. Модал сўзлар.....	149
56-§. Морфологик услубият	154
Йил охирида такрорлаш.....	157
Илова.....	159

Оқуу басылмасы
Нурманов А., Халтураев С., Мирзахидова М.,
Абдуллаева Д.

ЎЗБЕК ТИЛИ
10-класс учун оқуу китеби
(Ўзбек тилинде)

Ўқув нашри
Нурмонов А., Холтўраев С., М.Мирзохидова,
Абдуллаева Д.

ЎЗБЕК ТИЛИ
10-синф учун дарслик
Биринчи нашри

Мухаррир: *А. Ўринбоев*
Техник редактор: *С.Набиева*
Сахифаловчи: *М. Болтабаева*

Босмахонага 02.05.14. берилди. Босишга рухсат этилди 20.08.2014-й.
Формат 60x90 1/16.
Uzb_Times New Roman гарнитураси. Ҳажми 10,75 босма табок.
7000 нусхада. Буюртма 11

«Принт-Экспресс» нашриёт-полиграфия комплекси.
Бишкек шаҳри. Куренкеев кўчаси, 89-уй.



